

СУННИЙЛИК
ТАЪЛИМОТИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
“ИСЛОМШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ

СУННИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ

ЎҚУВ ҚўЛЛАНМА

Toshkent islom universiteti	
Axborot-resurs markazi	
Inv. №	19543
20	

“Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент-2012

УДК: 297 (075)

86.38

C96

Суннийлик таълимоти: ўқув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети; тузувчилар: С.Оқилов, С.Примов, А.Ғиёсов; масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2012. – 128 б.

КБК 86.38

Мазкур ўқув қўлланмада ислом динининг дастлабки даврлариданоқ мусулмонлар орасида юзага келган турли ихтилофлар, ўзаро низолар ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, ушбу низолар натижасида ҳосил бўлган турли эътиқодий фирқалар тарихи, уларнинг ялғари сурган ақидавий қарашлари ҳамда аҳли сунна вал жамоа эътиқодига мувофиқ бўлган ҳанафий, мотуридий ва ашъарий таълимотларининг мазмун-моҳиятлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Ушбу ўқув қўлланма Тошкент ислом университети бакалавр талабалари учун мўлжалланган махсус адабиёт ҳисобланади.

Тузувчилар

Сайдмухтор Оқилов – Тошкент ислом университети

*“Исломишунослик” кафедраси изланувчи катта
илмий ходими, тарих фанлари номзоди,*

Соатмурод Примов – Тошкент ислом университети

“Исломишунослик” кафедраси тадқиқотчиси,

Асқар Ғиёсов – Тошкент ислом университети

“Исломишунослик” мутахассислиги магистранти

Масъул муҳаррир

Шайх Абдулазиз Мансур – Ўзбекистон мусулмонлари

идораси раисининг ўринбосари, исломишунос олим

Тақризчилар

Қобнажон Зоҳидов – Тошкент ислом университети

“Исломишунослик” кафедраси мудури, тарих фанлари номзоди.

Илҳомжон Бекмирзаев – Тошкент ислом университети

*“Исломишунослик” кафедраси изланувчи катта
илмий ходими, тарих фанлари номзоди*

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент ислом университети Илмий кенгашининг 2011 йил 29 сентябрдаги мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2011 йил 21 октябрдаги 2033-рақамли рухсати билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-390-39-3

© “Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012

МУҚАДДИМА

Маълумки, азал-азалдан халқимиз муборак ислом динини эзгулик, тинчлик ва меҳр-муҳаббатга тарғиб қилувчи муқаддас дин сифатида эътироф этиб келган. Шу боис, тарихда Мовароуннаҳр деб аталган заминимиздан кўплаб диний уламолар етишиб чиққан. Юртимиздан етишиб чиққан диний уламоларнинг барчаси аҳли сунна вал жамоа эътиқодига мувофиқ тарзда илмий фаолият олиб борганларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки тарихда ислом динининг дастлабки ривожланиш давлариданоқ мусулмонлар ўртасида турли ақидавий ихтилофлар, ғоявий низолар келиб чиққан эди. Натижада ислом оламида хорижийлар, шиалар, муътазиллийлар, қадарийлар каби турли ақидавий таълимотлар вужудга келган. Ушбу таълимотларнинг соф ислом ақидасига терс бўлган ғояларига қарши курашган алломалар жамоаси “аҳли сунна вал жамоа” деб аталган. Демак, бизнинг юртимизда фаолият олиб борган барча уламолар аҳли сунна вал жамоа эътиқодига мувофиқ бўлган ҳанафий таълимотида ижод қилганлар.

Мовароуннаҳрда ақида ва калом иламида фаолият олиб борган алломалар орасида шубҳасиз, Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ўрни ниҳоятда катта бўлган. Чунки, айнан Имом Мотуридийнинг саъй-ҳаракатлари, тинимсиз изланишлари натижасида бутун ислом оламида аҳли сунна вал жамоа сифатида эътироф этилган “мотуридия таълимоти” вужудга келган. Ушбу таълимотнинг ўша даврда кенг илдири отган муътазилия, қадария, жабария каби оқимларга қарши ғоявий курашдаги аҳамияти катта бўлган. Муҳтарам юртбошимиз Ислам Каримовнинг Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тантанасида алломанинг илмий мероси ҳақида қуйидагича билдирган илиқ фикрлари унинг илмий меросининг нафақат ўтмиш учун, балки бизнинг давримиз учун ҳам аҳамияти катта эканидан

далолат беради: “Бугунги кунда ХХІ аср бўсағасида, башарият мураккаб тараққиёт жараёнини бошидан кечираётган бир пайтда, диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасида мулоқот ва амалий ҳамкорликни кучайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу маънода Имом Мотуридийнинг: “Агар одамлар яхшилик йўлида бирлашса, Яратганимиз улардан ўз марҳаматини дариг тутмайди”, деган ҳикматли сўзларида бизнинг замонамиз учун ҳам ибратли сабоқлар бор, десак хато бўлмайди”.

Мазкур ўқув қўлланмада дастлаб, ислом динининг илк даврлариданоқ мусулмонлар ўртасида вужудга келган турли ғоявий низолар, қонли тўқнашувлар ва уларнинг сабаблари ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, юқорида зикр этилган низолар натижасида вужудга келган хорижиия, муржиия, шиа, муътазилия каби оқимларнинг тарихи ҳақида батафсил маълумотлар баён қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу ақидавий оқимларнинг барчаси, ўз навбатида, сиёсий оқим сифатида ҳам эътироф этилган. Чунки ушбу оқимларнинг кўзлаган асосий мақсадларидан бири ҳам, ўша даврдаги ҳокимиятни қўлга киритиш бўлган.

Қўлланмада турли ақидавий бузуқ таълимотлардан сўнг аҳли сунна вал жамоа сифатида эътироф этилган ҳанафия, мотуридия ва ашъария таълимотлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилган. Шунингдек, тарихда кенг илдири отган муътазилия таълимотининг ворислари сифатида эътироф этилаётган “Ҳизб ат-таҳрир” замонавий ақидавий экстремистик оқимининг ғоялари илмий таҳлил билан танқид остида баён қилинган.

Ушбу ўқув қўлланманинги илмий аҳамияти шундаки, ундан ўқувчи ислом дини тарихи, турли ақидавий таълимотларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида маълумотларга эга бўлади ҳамда ўзида ҳозирги кунда ҳам фаолият олиб бораётган турли ақидавий гуруҳларнинг тутган йўллари нотўғри эканига етарли хулосалар олиш имкониятига эга бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу илмий адабиётнинг “Суннийлик таълимоти” деб номланишига сабаб ҳам шундаки, унда ўқувчига юқорида номлари зикр этилган турли ақидавий гуруҳлар томонидан илгари сурилган ғояларнинг нотўғри жиҳатларини суннийлик таълимоти, ҳусусан ҳанафий ва мотуридия таълимоти асосида очиб беришга ҳаракат қилинган.

*Шайх Абдулазиз Мансур – Исломишунос олим,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари*

1-МАВЗУ. ИСЛОМ ТАРИХИДА МУСУЛМОНЛАР ЎРТАСИДАГИ ДАСТАБКИ ИХТИЛОФЛАР

Режа:

1. Дастлабки ихтилофлар.
2. Жамал воқеаси.
3. Шиалар ва хорижийларнинг пайдо бўлиши ёки Сиффин жанги.
4. Хорижий фирқалар.

Таянч иборалар: ихтилоф, Сиффин жанги, хорижийлар, ибодия, жамал воқеаси, таҳким.

1. Дастлабки ихтилофлар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан сўнг Авс ва Хазраж қабиласидан бўлган ансорий саҳобалар Бану Соида боғига¹ халифа сайлаш учун тўпландилар. Улар Саъд ибн Убодани халифаликка сайламоқчи бўлдилар. Саъд ибн Убода хутба ўқиб, унда ансорларнинг фазилатини ва биринчи бўлиб Расулуллоҳ (с.а.в.)ни ҳимоя қилганларини айтиб, халифалик ишида ҳеч ким улар билан низолашиши мумкин эмаслигини баён қилди. Ансорлар унинг гапини маъқулладилар. Шунда улардан бири, агар бунга муҳожирлар рози бўлмаса ва “биз Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қариндошлари ва яқинларимиз”, дейишса, нима деймиз?” деб савол берди. Улардан бири айтди: “Биздан бир амир ва сиздан бир амир бўлади, деб айтасан”. Саъд ибн Убода эса бу тўғри эмаслигини таъкидлади.

Ансорларнинг Бану Соида боғида тўпланганлари ҳақидаги хабар тезда Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб ва бошқа катта муҳожир саҳобаларга етди. Улар тезлик билан ўша ерга

¹ Бу боғ Хазраж қабиласининг Бану Соида уруғининг бошлиғи, шу билан бирга Хазраж қабиласининг бошлиғи Саъд ибн Убоданинг ҳовлисида жойлашган бўлиб, Мадина бозорига қўшни бўлган.

келдилар. Абу Бакр сўз бошлаб, муҳожирлар биринчи бўлиб мусулмон бўлганлари ва дин йўлида кўп азият чекканларини зикр қилдилар. Шу билан бир қаторда ансорларнинг ҳам барча фазилатларини бирма бир айтиб ўтдилар ҳамда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг *“Бошлиқлар Қурайшдан бўлади”*, деган ҳадисини эслатдилар. Бу ҳадисни эшитган ансорлар бошлиқларидан бири, *“Сиз амир, бизлар эса вазирлар бўламиз”*, деб айтади. Натижада халифа Қурайш қабиласидан сайланиши аниқ бўлди ва Абу Бакрга байъат қилинди.

Абу Бакр вафотидан олдин ўзидан кейин Умар ибн Хаттобни халифаликка тайинлаб кетди. Умар ўн йилдан ортиқ халифаликни бошқарди.

Умар ибн Хаттоб эса вафотидан олдин жаннат башорат берилган олтига саҳобага ўз ораларидан халифа сайлаш ихтиёрини топширди. Улар ичидан Усмон ибн Аффонга байъат берилди. Усмон ибн Аффон ўн икки йил халифалик қилди. Исломни яхши тушунмаган баъзи кишилар Усмон ибн Аффон ва унинг волийлари олиб бораётган ишларига нарозилик билдира бошлади. Бу фитна бошида асли яҳудий бўлган яманлик Абдуллоҳ ибн Сабаъ турган эди. У биринчи бўлиб мусулмонлар орасида иккита бузуқ эътиқодни тарқата бошлаган:

1) Васоят, яъни Расулуллоҳ (с.а.в.) халифаликни Ҳазрат Алига васият қилиб кетганлар, Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб ва Усмон ибн Аффонларнинг халифалиги ноҳақ. Шунинг учун халифаликни ҳақиқий эгасига қайтариш вожиб бўлади.

2) Ражъат, яъни Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам Исо (а.с.) каби дунёга қайтадилар. Яна у айтар эди: *“Мен сиз мусулмонларга ҳайронман, Исо (а.с.)нинг қайтишига ишонасизлар, лекин, пайғамбарлар саййиди Муҳаммад (с.а.в.)нинг қайтишига ишонмайсизлар”*. У шунингдек мусулмонлар орасида, Ҳазрат Али ибн Аби Толиб вафотидан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўрнига Ҳазрат Али ер юзини адолат билан тўлдириш учун қайтади, деган гапни тарқатган.

33/653 йилда Абдуллоҳ ибн Сабаъ ўзининг бузуқ таълимотларини ёйиш учун Басра шаҳрига келди. Ҳаким

ибн Жабала ал-Адавий унга уйидан жой берди. Бу хабар Басра волийси Абдуллоҳ ибн Омирга етиб келди. Волий уни чақиртириб, кимлигини ва нима учун келганини сўради ва Басрадан чиқиб кетишини буюрди. Шундан сўнг у Куфа ва Ҳижозга йўл олди. Бироқ, у ерда ҳам қувғинга учраб, ниятига ета олмади. Ниҳоят, у Мисрда ўз маслақдошларини топди.

Усмон ибн Аффон ва унинг волийлари ҳақида айтилаётган гаплар Мадина аҳлига ҳам етиб келди. Улар бу ҳақда Усмон ибн Аффондан сўрашганда, у: “мен волийларим ҳақида фақат яхши хабарларни биламан”, деб жавоб беради. Бўлаётган гапларни аниқлаш мақсадида ҳар бир шаҳарга одам жўнатдилар. Хабарлар етиб келгач, Усмон ибн Аффон ҳар ҳаж мавсумида ўз волийлари билан учрашишини таъкидлади. Ҳаж мавсумида Усмон ибн Аффон улар билан Маккада учрашди ва улардан бу тартибсизликлар ҳақида сўраб, уни тинчитиш йўли ҳақида маслаҳатлашди. Басра волийси Абдуллоҳ ибн Омир одамларни жиҳод билан машғул қилишни, Миср волийси Ибн Саъд мол билан ислоҳ қилишни, Шом волийси Муовия ибн Абу Суфён эса ҳар шаҳарда бўлаётган ишларни ҳал қилишни ва жавобгарлигини волийларга топширишни, Амр ибн Ос Умар каби қаттиққўл бўлишни ва фитначиларнинг бошлиқларини ўлдиришни таклиф қилишди.

Мадинадаги фитначилар бошқа шаҳардаги маслақдошларига хат ёзишиб, Шаввол ойида учрашишга келишиб олишди. Мисрдан ал-Ғофиқий ибн Ҳарб бошчилигида беш юз киши ҳаж қиламиз деб йўлга чиқишди. Куфа ва Басрадан ҳам шунча миқдорда кишилар йўлга чиқишди. Улар Зул марва номли жойда учрашдилар. Мисрликлар Ҳазрат Алини, басраликлар Зубайр ибн Аввомни ва куфаликлар Талҳа ибн Убайдуллоҳни халифа қилиб сайлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган эдилар.

Кўзғолончиларнинг ҳар бири ўзлари номзод қилиб кўрсатган саҳобанинг олдига бориб таклифларини айтишди. Ҳазрат Али мисрликларни, “сизлар малъундирсизлар”, деб қувиб юборди. Худди шунингдек, Зубайр ибн Аввом

басраликларни, Талха ибн Убайдуллоҳ куфаликларни ҳайдаб юборди. Мисрлик қўзғолончилар қўлларида бир хат билан қайтиб келдилар. Хатда Усмон ибн Аффон тарафидан Миср волийсига бу қўзғолончилар қайтганларидан сўнг уларнинг барчасини қата қилиш ёзилган эди. Усмон ибн Аффон қасам ичиб, бу хатни ёзмаганлигини таъкидлаган. Қўзғолончилар, биринчи навбатда, Усмон ибн Аффоннинг уйини қамал қилиб, уни намоз ўқиш учун масжидга чиқишини ман этганлар. Сўнгра унга сув беришни таъқиқлаганлар. Мадинадаги катта саҳобалар қўзғолончиларни куч билан йўқотишни таклиф қилганларида Усмон ибн Аффон рози бўлмадилар. Усмон ибн Аффон Абдуллоҳ ибн Аббосни ҳожиларга бошлиқ қилиб ҳажга жўнатди. Абдуллоҳ ибн Аббос, менга ҳаждан кўра фитначиларга қарши курашиш яхшироқ, деди. Лекин Усмон ибн Аффон бунга рози бўлмадилар. Қўзғолончилар Усмон ибн Аффоннинг уйига бостириб кириб, уни Қуръон ўқиб турган ҳолатида вахшийларча ўлдирдилар.

2. Жамал воқеаси.

Халифа Усмон ибн Аффон шаҳид бўлганидан сўнг кўпчилик мусулмонларнинг талаби билан Ҳазрат Али ибн Аби Толиб халифа бўлди. Алининг биринчи иши волийлар иш тизимини тартибга солишдан бошланди. У, “ҳозирги вақтда волийлар яхши иш олиб бормаяпти. Шунинг учун уларни бўшатиш керак”, деб, Усмон ибн Аффоннинг барча волийларини бўшатиб, уларнинг ўрнига бошқа волийлар жўнатди. Муғийра ибн Шўъба ва Абдуллоҳ ибн Аббос каби саҳобалар бу иш яхшиликка олиб келмаслигини айтганлар, лекин Ҳазрат Али бунга эътибор бермаганлар.

Шу вақтда ҳаж қилиш учун йўлга чиққан Оиша бинт Аби Бакр, Зубайр ва Талхалар, биринчи навбатда, Усмон ибн Аффоннинг қотилларидан қасос олиш керак, деб Басрага қараб юрдилар. Басрага яқин қолганларида Ҳазрат Али тарафидан тайинланган Басра волийси Усмон ибн Ҳаниф уларнинг нима мақсадда келганини билиш учун Имрон ибн

Ҳусайн ва Абуласвад ад-Дуалийларни жўнатди. Иккалалари Оиша ва Талхадан нима мақсадда келганлигини сўраб: “сиз Алига байъат бермаган эдингизми?” дейишди. Талха мажбуран, байъат берган эдим, деди. Зубайр ҳам шу каби жавобни берди. Ибн Ҳанифнинг қўшини Марбад номли жойнинг чап томонига, Оишанинг қўшинлари эса ўнг томонга жойлашди. Талха ва Зубайрлар уларни зулм билан ўлдирилган халифа Усмон ибн Аффоннинг қотилларидан қасос олишга тарғиб қилдилар ва улардан кейин Оиша ҳам баланд овоз билан хутба қилиб, шу ишга ундади. Шу вақтда Ҳаким ибн Жабала Оишанинг қўшинига қарши жанг бошлади. Оиша қўшини ўзларини ҳимоя қилишга мажбур бўлдилар ва кеч тушгунча жанг қилдилар. Жанг эртаси куни ҳам куннинг ярмигача давом этди. Талха ва Зубайрлар Усмон ибн Ҳанифдан бу ишга арлашмаслигини талаб қилдилар. Лекин Усмон ибн Ҳаниф уларнинг талабини бажармади. Натижада улар ҳужум қилиб, Усмонни асирга олишди. Лекин у Оишанинг буйруғи билан озод қилинди. Кейин Ҳаким ибн Жабала Оишанинг қўшинига қарши бир қанча жанглар олиб борди. Натижада, ўзи қатл қилинди ва у билан бирга Халифа Усмон ибн Аффоннинг қонини тўкишда шерик бўлганларнинг аксарияти ҳам ўлдирилди. Сўнг Оиша қўшини Басрага жойлашди ва шомликлар ва куфаликларга фитначиларни тутиб ўлдиришни маслаҳат бериб, мактуб ёзиб юборди.

Али ибн Аби Толиб басраликлар олдига бориб, уларнинг мақсадларини билиш учун Қаъқаъ ибн Амрни элчи қилиб жўнатди. Уларнинг мақсади фақат тинчлик эканлигини билгач басраликлар билан сулҳ тузилди. Усмон ибн Аффон ўлимида иштирок этган Ибн Сабаъ тарафдорлари кечаси билдирмасдан басраликлар қўшинига ўқ узишди. Басраликлар “Али ваъдасида турмади” деб уларга қарши жангга киришдилар. Натижада иккала қўшин ўртасида жанг бошланиб кетди. Фурсатни ганимат билган Ибн Сабаъ тарафдорлари Оишани ўлдишга ҳаракат қилдилар. Оишани ҳимоя қиламиз деб кўпгина басраликлар ва Маккадан келган ёш қурайшликлар вафот

этди. Али ўзининг хос жангчиларига туянинг оёқларини кесиб чўктириб, уни кажавадан тушириб олишга буюрди. Шундан сўнг жанг тўхтади. Бу жанг Оиша минган туяга нисбатан “Жамал (туя)” жанги деб номланди. Бу жанг мусулмонлар ўртасида бўлиб ўтган биринчи жанг эди. Ҳазрат Али Оишага иззат-икром кўрсатиб, Мадинага кузатиб қўйди. Басраликлар Алига байъат қилдилар. Басрага волий этиб Абдуллоҳ ибн Аббос, хирож ва байтул-молга масъул қилиб Зиёд ибн Абу Суфён тайинланди.

3. Шиалар ва хорижийларнинг пайдо бўлиши ёки Сиффин жанги.

Шом волийси Муовия ибн Абу Суфён билан Ҳазрат Али ўртасида келишмовчилик бор эди. Натижада мусулмонлар икки гуруҳга бўлиндилар, биринчи катта гуруҳ “Шиату Али” ва иккинчи гуруҳ “Шиату Муовия”, деб номланди. Ўша даврда “шиа” сўздан кейинчалик, яъни Ҳазрат Али вафотидан кейин ақидавий ихтилофга борган “шиа” фирқаси тушунилмаган. Чунки, у пайтда “шиа” калимасидан Али ёки Муовия тарафдорлари маъноси тушунилган холос.

Жамал воқеасидан кейин халифалик пойтахти Куфага кўчирилди. Али ўзига Муовия ибн Абу Суфёндан байъат беришини талаб қилиб, унинг олдига Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Бажалийни элчи қилиб жўнатди. Бу иш самара бермади. Сўнг Али Шомга қараб қўшин тортди. Бундан хабар топган Муовия ҳам шомликлардан иборат қўшин билан уларга қарши чиқди. Улар Сиффин деган жойда учрашдилар. Жанг тўққиз кун давом этди. Жангнинг сўнгги куни шомлик қўшин мағлубиятга учрай деб турганида, улар Амр ибн Оснинг таклифи билан катта найзалар учига мусҳафларни боғлаб чиқиб, шундай дедилар: “Келинглар, ўртамизда Қуръонни ҳакам қилайлик, яъни ундаги ҳукмга итоат қилайлик”. Али, ўз қўшинларига: “бу ҳийла, жангдан тўхтаманглар”, дейишига қарамасдан, ироқлик қўшиннинг аксарияти жангни тўхтатди. Ҳазрат Али таҳкимни қабул қилишга мажбур бўлди. Муовия

томонидан Амр ибн Ос, Али тарафидан Абу Мусо ал-Ашърий ҳакам этиб тайинланди. Ҳижрий 37 йилнинг 15 сафар ойида (657 йилнинг 8-сентябрь куни) иккала гуруҳ ўртасида суҳб тузилди ва унга гувоҳ бўлганларнинг исми ҳам ёзиб қўйилди. Тузилган суҳбга кўра, иккала ҳакам шу йилнинг рамазон ойида Ироқ билан Шом ўртасидаги бирор жойда учрашиб маълум бир ечимга (суҳбга) келишлари керак эди.

Алининг қўшинига суҳб шартларини Ашъас ибн Қайс ўқиб берди. Бану Тамим қабиласи “**Ҳукм – ҳокимлик фақат Аллоҳникидир**” (“Юсуф” сураси, 40-оят)² оятини далил қилишиб, “Аллоҳнинг ишига одамларни ҳакам қиласизларми, ҳукм қилиш ҳуқуқи фақат Аллоҳга тегишли эмасми?!” – деб эътироз билдирдилар. Али: “уларнинг гапи тўғри, лекин ундан ботил ирода қилинмоқда. Уларнинг тутган йўлига кўра, бирор амир бўлмаслиги керак, ҳолбуки яхшими ёки ёмонми бир амир бўлиши керак” - деди. Шу кундан бошлаб, янги хорижийлар деган фирқа пайдо бўлди. Улар Алининг ҳам, Муовиянинг ҳам тарафдорлари эмасдилар. Абу Ҳанифа Алининг хорижийларга нақадар аниқ таъриф берганларини эътироф этиб, “Агар Али бўлмаганида хорижийлар кимлигини танимаган бўлар эдик”, деб таъкидлаган.

Табарий Аммора ибн Рабийадан ривоят қилади: Ироқликлар қўшини Ҳазрат Али билан Сиффинга бир-бирларини яхши кўрган ҳолда бордилар, қайтишда бир-бирларини ёмон кўрган ҳолда қайтдилар. Бутун йўл бўйлаб бир-бирларини айблаб келдилар. Хорижийлар айтар эди: “Эй Аллоҳнинг душманлари! Сизлар Аллоҳнинг ишида макр-ҳийла ишлатдиларингиз ва кишиларни ҳакам қилдиларингиз. Уларга қарши иккинчи тараф қуйидагича жавоб қайтарар эди: “Сизлар ўз имомимизни тарк этдингиз ва жамоатимиздан ажралдингиз”.

² Ушбу оятни А.Мансур “(Ибодат ва дин тўғрисидаги) ҳукм фақат Аллоҳ ихтиёридадир” деб таржима қилган. Қаранг: Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – Б. 240.

Али қўшини Куфага кириб келганда, қўшиннинг аксарияти Бану Тамим қабиласига мансуб ўн икки минг киши шаҳарга кирмасдан Куфага яқин бўлган Ҳаруро деган жойга бориб жойлашди. Уларнинг жарчиси: “Эй, қўшин қўмондони Шисс ибн Рубъий ат-Тамимий! Намозга Абдуллоҳ ибн ал-Каввоъ имом бўлади, фатҳдан кейин иш шўро услубида бўлади, байъат Алллоҳ азза ва жалла учун бўлади ва амри маъруф ва наҳий манкар бўлади”, деб эълон қилди. Хорижийлар ўша вақтдаги одил подшоҳнинг, яъни Алининг итоатидан чиқиб кетганликлари учун “Хорижий” (ажралиб чиққанлар), биринчи ажралиб бориб жойлашган жойлари Ҳарурога нисбатан “Ҳарурий”лар ва “Муҳаккималар” (“Ла ҳукма илла лиллаҳ” сўзини айтувчилар) деб номланган³. Улар ўзларини хорижий деган ном билан атамаганлар, балки уларга бу ном бошқалар томонидан берилган.

Ҳазрат Али хорижийларни ислоҳ қилиш ва уларни ўз фикрларидан қайтариш учун Абдуллоҳ ибн Аббосни жўнатиб, унга айтдилар:

“Мен боргунимча уларга жавоб беришга ва улар билан бахслашишга шошиламагин. Ибн Аббос хорижийлар олдига борди ва бироз муддатдан кейин Али ҳам етиб борди.

Али хорижийлардан сўради: “Нима учун бизга қарши чиқиб ажралиб кетдингиз?”

Улар, “Сиффин воқеасида Аллоҳнинг ишида инсонларни ҳакам қилганингиз учун”, деб жавоб бердилар.

Шунда Али уларга деди: “Аллоҳни ўртага қўйиб сизлардан сўрайман, мен сизларни дастлаб таҳкимни қабул қилишдан қайтармаганмидим?! Ўзингиз менинг фикримни рад этиб иккала ҳакам Қуръон ҳукми билан ҳукм қилишни шарт қилдингиз-ку. Биз инсонларни ҳакам қилмадик, балки Қуръонни ҳакам қилдик. Ишонмасангиз, мана, Қуръонда ёзилган, фақат Қуръондаги ҳукмни инсонлар айтиб беради.

³ Доктор Мустафо Шахъа. Ислоҳ била мазаҳиб. – Қоҳира: ад-Дор ал-Мисрия ал-Лубнания, 1989. – Б. 122

Хорижийлар дедилар: Нима учун таҳкимга олти ой муддат бердингиз?.

Али деди: Билмаган киши билиши ва билганлар аниқ билиши учун, шу тинчлик муддатида Аллоҳ таоло ислом умматини ислоҳ қилиши мумкин, сизлар эса тинчгина шахрингизга қайтинглар.

Хорижийлар: Таҳкимни қабул қилишимиз куфр бўлди, тавба қилдик, биз каби сиз ҳам тавба қилинг. Шунда сизга байъат қиламиз, акс ҳолда сизга қарши чиқамиз.

Ҳазрат Али улардан байъат қабул қилди ва биргаликда Куфага қайтиб келди.

Хорижийларнинг фикрича, Али ҳақли равишда байъат қилинган халифа бўлиб, ким унга байъат қилмаса, осий ва одил подшоҳга қарши чиққан бўлади. Уларнинг эътиқодига кўра, катта гуноҳ қилган киши ҳам кофир бўлади. Муовия одил подшоҳга қарши чиққан, шунинг учун уларга Куръонда белгиланган жазо берилиши керак. Одил подшоҳга қарши чиққанларга яхши муомалада бўлиш, улар билан тинчлик сулҳини тузиш Аллоҳнинг динига беписандлик бўлади. Аллоҳнинг динида инсонларни ҳакам қилиш жиноят ва залолат ҳисобланади. Бу жиноятни қилган киши халифаликка ҳақли бўлмайди. Шунинг учун улар Али таҳкимни қабул қилганидан кейин халифаликка ҳақли эмас, унга эргашганларнинг ҳурмати йўқ, деб ҳисобладилар.

Икки ҳакамнинг учрашадиган вақти етиб келди. Али Шурайх ибн Ҳонеъ ал-Ҳорисий бошчилигида тўрт юз кишини ва уларга намозда имом бўлиш, ишларига бош-қош бўлиш учун Ибн Аббосни*Абу Мусо Ашъарийга қўшиб жўнатади. Муовия ҳам Шураҳбил ибн Сомма бошчилигида тўрт юз кишини Амр ибн Ос билан бирга жўнатади.

Иккала гуруҳ Думатул жандал минтақасининг Азраҳ деган жойида учрашдилар. Буларга гувоҳ сифатида Абдуллоҳ ибн Умар, Абдирахмон ибн Абу Бакр, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абдирахмон ибн ал-Ҳорис, Муғийра ибн Шўъба ва Саъд ибн Абу Ваққослар ҳам қатнашди. Иккала ҳакам Алини ҳам,

Муовияни ҳам халифаликдан бўшатишга ва хоҳлаганини халифа қилиб сайлашни ислом умматининг ихтиёрига топширишга келишдилар. Абу Мусо Ашъарий биринчи бўлиб ўз бошлиғини бўшатди.

Кейин Амр ибн Ос: “Мана, эшитдиларингиз, Абу Мусо Ашъарий ўз бошлиғини ишдан бўшатди, мен ҳам унинг бошлиғини ишдан бўшатаман, энди ўз бошлиғим Муовияни ишида қолдираман, чунки у Халифа Усмон ибн Аффоннинг волийси, унинг қонини талаб қилади ва бошқалардан кўра унинг жойига ҳақдироқ”, деди.

Бу таҳким воқеаси Амр ибни Оснинг ҳийласи билан тугайди. Бу воқеадан сўнг Абу Мусо Ашъарий Али билан учрашишдан уялиб Маккага кетди. Масъудийнинг ривоят қилишича, иккала ҳакам ўз фикрларини инсонлар ўртасида билдирмаган, балки ўрталаридаги келишувни қоғозга ёзадилар, яъни уларнинг иккиси ҳам Али ва Муовияларни ишдан бўшатади ва мусулмонлар ўзларига кимни яхши кўрса, ўшани бошлиқ қиладилар, деб ёзадилар.

Хорижийлар Алини таҳкимни бекор қилган, деган фикрда Куфага қайтганликлари учун Али ҳакамликка Абу Мусо Ашъарийни жўнатмоқчи бўлади. Буни эшитгач хорижийлар, “Али яна куфрга қайтибди”, деб таъна қиладилар.

Уларнинг бу гапи Ҳазрат Алига етказилди ва у пешин намозида хутба қилди ва хорижийлар ишини зикр қилиб уларни айбдор қилади. Буни эшитган хорижийлар масжиднинг ҳар чеккасида “Ла ҳукма илла лиллаҳ” (*Ҳукм фақат Аллоҳдандир*) деб сакраб ўринларидан турдилар. Кейин улар Абдуллоҳ ибн Ваҳб ар-Росибийнинг ҳовлисида тўпланишди. Ар-Росибий уларга хутба қилиб зolimлар юртидан чиқиб кетишга чақирди. Ҳижрий 37 йил 20-шаввол ойида (658 йил 30 март) хорижийлар Абдуллоҳ ибн ар-Росибийга байъат қилдилар ва ёлғиз-ёлғиз ҳолда билдирмасдан Куфадан чиқиб кетишга келишдилар. Улар Али ҳақида ва халифаликка ҳақли эканлиги борасида ҳамда Усмон ибн Аффоннинг олиб борган ишлари ҳақида таъна тошлари отиб, Усмон ибн Аффон ва

Ҳазрат Алига қарши улар билан бирга курашмайдиган ҳар бир кишини кофир ва муртад деб ҳукм қилдилар.

Ҳазрат Али куфаликларга хутба қилиб, иккала ҳакам тўғри ҳукм чиқармаганини таъкидлади ҳамда шомликларга қарши яна жанг қилиш учун тайёргарлик кўришга буюрди. Биринчи бўлиб, хорижийларга қарши жанг қилинди. Жанг ўша куннинг ўзида Ибн Ваҳб ва у билан бирга бўлганларнинг кўпчилигининг қатл қилиниши билан тугади. Хорижийлардан бўлган Абдирахмон ибн Муажам жума куни бомдоод намозида Ҳазрат Алини жароҳатлаб ўлдирди.

Али шаҳид бўлганидан сўнг хорижийларнинг ҳаракати янада кенгайди. Муовия халифалик даврида уларга қарши бир неча марта жанг қилди.

Язид ибн Муовия вафотидан сўнг хорижийларнинг шавкати янада зиёдалашди. Улар Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг халифалигини ҳам йўқ қилдилар. Улар, аввалига Абдуллоҳ ибн Зубайрни ўзларининг сафига қўшмоқчи ва унинг даъвати остида жамланмоқчи бўлдилар. Шунинг учун унга: “Агар Абу Бакр ва Умарни ҳақ халифа деб билса, Усмон ибн Аффон ва Алини ноҳақ деб кўрса ва отаси Зубайр ибн Аввом ва унинг дўсти Талҳа ибн Убайдуллоҳни кофирга чиқарсанг, сенга байъат қиламиз”, деб ваъда беришди.

Абдуллоҳ ибн Зубайр хорижийларга Қуръон ва ҳадисдан мисол келтириб қуйидагича раддия билдиради: Алллоҳ ҳатто фиръавнга ҳам сизлар айтаётган сўздан кўра мулойимроқ сўз билан гаплашишга буюрган, яъни Мусо (а.с.) ва биродари Ҳорун(а.с.)га айтган: **Иккингииз Фиръавннинг олдига борингиз, чунки у («Мен – худоман»)**, деб ҳаддидан ошди. **Бас, унга юмшоқ сўз айтингиз! Шояд, у эслатма олса ёки (ҳалок қилишимдан) кўрқса».** (“Тоҳа” сураси 33,34-оятлар).

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганлар: **Ўликларни сўкиш сабабли тирикларга азият берманглар.**

Хаворижлар ўз фаолиятларини бир мунча муддат ўша вақтдаги ислом давлатининг шарқий томонида олиб бордилар. Улар асосан Басрага катта хатар солиб турар эди. Аббосийлар

замонида уларнинг фаолияти Африкага ўтди. 65-72/685-692 йиллар оралиғида уларнинг фаолияти Арабистон ярим оролида тарқади. Шу муддат ичида улар Ҳазрамавт, Ямома, Тоиф ва Яманга ҳукмронлик қилиб турарди. Улар ўзларининг йўлига бошқаларни зулм, қаттиққўллик ва қон тўкиш билан мажбур қилдилар. Хорижий фирқаларининг ҳар бири ўз бошлиқларини “Амир ал-мўминин” деб атаганлар.

4. Хорижий фирқалар.

Хорижийлар умумий саккизта фирқага бўлиниб кетган. Бу фирқаларнинг ҳар бири, ўз навбатида кичкина фирқаларга бўлиниб кетган.

Хорижийлар мазҳаби соф сиёсий фирқа бўлиб, кейинчалик эса ақидада ҳам ихтилоф қилганлар. Улар катта гуноҳ қилган одамни кофир деб ҳисоблаганлар ва уларни абадий дўзахда бўлади, деб эътиқод қилганлар. Уларнинг наздида, мусулмон кишининг қони мусулмон бўлмаганнинг қонига қараганда арзимас бўлган. Ривоятларга кўра, муътазиллийлар бошлиғи Восил ибн Ато бир куни уларнинг қўлига тушиб қолган. У тирик қолиш учун ўзини мусулмон эмасман деб уларнинг қўлидан қутулиб қолган.

Хорижий фирқаларнинг ҳар бирининг ўз ақидаси ва фикрий назарияси бор эди. Хорижийларнинг энг катта гуруҳлари: азориқа, наждот, байҳасия, ажорида, саолиба, ибодия ва суфриядир.

Ушбу гуруҳлар ҳам, ўз навбатида, кичик гуруҳларга бўлиниб кетган. Масалан, ажорида гуруҳи солтия, маймуния, ҳамзия, холафия, атрофия, шуайбия ва ҳозимия гуруҳларига, саолиба гуруҳи ахнасия, маъбадия, рошидия, шайбония, мукримия, муовимия, мажҳулий ва бидъия гуруҳларига, ибодия гуруҳи эса ҳафсия, ҳорисия ва язидия гуруҳларига бўлиниб кетган. Хорижий гуруҳлари замонлар ўтиши асносида йўқ бўлиб кетган бўлса-да, ҳозирги кунда уларнинг ибодия гуруҳи сақланиб қолган.

Ибодия фирқаси хорижий фирқаларнинг энг машҳури бўлиб, ҳозирги кунда Уммон, Занжибор ва Африканинг шимолида учрайди. Ибодийлар Абдуллоҳ ибн Ибоднинг издошларидир.

Ҳозирги кунда уларга нисбатан “хорижийлар” нисбасини берса, улар ғазабланиб, ўзларини хорижийларга алоқадор эмасликларини таъкидлайдилар. Улар: “Биз шофийлар, ҳанафийлар ва ҳанбалийлар каби ибодия мазҳабидамиз” - дейдилар. Ибодийлар ақидаси аҳли сунна билан бир хил бўлиб, баъзи жойларида фарқ бор. Улар ҳам Қуръон ва ҳадисни диний илмларнинг асоси деб биладилар, лекин улар ижмоъ билан қиёснинг ўрнига “рай”ни оладилар.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан мусулмонлар ўртасида ихтилоф қайси масала юзасидан келиб чиққан?
2. Жамал воқеаси нима учун “жамал” деб аталган?
3. Сиффин жангида кимлар бир-бирлари билан тўқнаш келган?
4. Сиффин воқеаси нима учун “сиффин” деб аталган?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Доктор Мустафо Шақъа. Ислом била мазаҳиб. – Қоҳира: ад-Дор ал-Мисрия ал-Лубнания, 1989. – 537 б.
2. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. М., ИФВА, 2004.
3. Хрестоматия по исламу. Сост. И отв. Редактор С.М.Прозоров. М., ИФВА, 1994 (Раздел IV. Догматика. Идеиные расхождение в исламе).
3. Шаҳристоний, Абул Фатҳ. Ал-Милал ван ниҳал: 2 жилдли / Муҳаммад Абдулқодир ал-Фозилий нашри. – Дамашқ: ал-Мактаба ал-асрия, 2000. – 478 б.
5. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

2-МАВЗУ. ШИА ОҚИМИНИНГ АҚИДАВИЙ ҚАРАШЛАРИ

Режа:

1. Шиаларнинг юзага келиши.
2. Шиа фирқалари: сабаийлар, таввабунлар, кайсонийлар ва муғирийлар.
3. Ўн икки имом тушунчаси: исно ашариялар.
4. Зайдия фирқаси.

Таянч иборалар: *Шиа, таввабунлар, сабаийлар, кайсонийлар, муғирийлар, имомийлар, исно ашарийлар, тақия*

1. Шиаларнинг юзага келиши.

Шиа сўзи лугатда тарафдорлар ва гуруҳлар деган маънони англатади. Усмон ибн Аффон вафот этган вақтда мусулмонлар икки гуруҳга бўлиндилар: биринчи катта гуруҳ “Шиату Али” ва иккинчи гуруҳ “Шиату Муовия” деб номланди. Ўша даврда шиа сўзи деганда, Ҳазрат Али вафотидан кейин ақидавий ихтилофга борган “шиа” фирқаси тушунилмаган. Чунки, у пайтда шиа калимасидан тарафдорлар маъноси тушунилар, яъни Али, Муовия тарафдорлари тушунилган, холос.

Орадан кўп вақт ўтмай шиа сўзи Ҳазрат Али ва унинг авлодларига эргашганларга нисбат берилган. Шиалар ўзларининг ақидавий қарашларига Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳажжат ал-вадоъдан қайтаётганларида айтган қуйидаги ҳадисларини ҳужжат қилганлар: *“Мен кимнинг саййиди бўлсам, Али ҳам унинг саййидидир. Эй Аллоҳим, уни дўст тутганни дўст тутгин. Душман деб билганни душман тутгин”*.

Мазкур ҳадис орқали шиалар, Али халифа бўлишига Расулуллоҳ (с.а.в.) тарафидан васият бор, деб қатъий турганлар.

Аҳли сунна вал жамоа улар далил келтирган ҳадисларни заиф деб ҳисоблаганлар. Демак, шиаларнинг эътиқодига кўра Али халифаликка асосий даъвогар бўлган. Шунинг учун кўпчилик шиалар Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб ва Усмон ибн Аффонларнинг халифалигини ботил дейдилар. Айрим ҳаддидан ошган шиа тоифалари, ҳатто Алидан олдинги учта халифани кофирга чиқарганлар. Шиаларнинг фикрича, Расулуллоҳ (с.а.в.) халифаликни Алига васият қилган, Али эса Ҳасанга, Ҳасан эса Ҳусайнга васият қилган. Кейин ушбу силсила шиаларнинг фирқа ва мазҳабларининг ихтилофига кўра давом этган. Ҳақиқатда эса, шиалик сиёсий фирқадан иборат бўлган. Шиаларнинг кўпчилигини ташкил қилган форслар ўзларини Ҳусайннинг қариндошлари деб биладилар. Чунки Ҳусайн форслар подшоҳининг асирга тушган қизи Шаҳрибонуга уйланган ва ундан Али Зайнулобидин туғилган.

2. Шиа фирқалари: сабаийлар, таввабунлар, кайсонийлар ва муғийрийлар.

Шиаларнинг сабаия, кайсония ва муғирия фирқалари бугунги кунда йўқолиб кетган. Сабаийлар Ҳазрат Алини илоҳийлаштирган. Бу фитнанинг бошлиғи яҳудий Абдуллоҳ ибн Сабаъ бўлган. Кайсония фирқаси Муҳаммад ибн Ҳанафия номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Алини имом деб эътиқод қилган. Бу фирқанинг бошлиғи Мухтор ибн Абу Убайда ас-Сақафийдир. Бу фирқа Ҳазрат Алининг мавлоси Кайсонга нисбат берилган. Муғийрия фирқаси Муғийра ибн Саъд ал-Бажалийга нисбат берилган. Йўқолиб кетган шиа фирқаларининг барчаси ҳаддан ошган бўлиб, фақатгина таввабун фирқаси бундан мустаснодир. Бу фирқанинг бошлиғи саҳобий Абдуллоҳ ибн Сурод ал-Хузойй бўлиб, Ҳусайн Карболада шаҳид бўлганидан сўнг ўзларини гуноҳдор ҳисоблаб, Ҳусайннинг қотилларидан қасос олишга ҳаракат қилганлар.

Сабаийлар фирқаси. Ҳазрат Алини илоҳийлаштиришга биринчи даъват қилган киши асли яҳудий бўлган Абдуллоҳ ибн Сабаъ бўлиб, бу фитнани Ҳазрат Алининг ҳаётлик даврида тарқатган эди. Унинг бундан мақсади Ислом динига зарар етказиш бўлган. Унинг бузғунчи ғояларига кўра, Али Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг васийси, Ҳасан Алининг васийси, Ҳусайн эса Ҳасаннинг васийсидир, яъни ҳар бир имом олдинги имомнинг васийси ҳисобланган. Абдуллоҳ ибн Сабаъ Али шаҳид бўлганида шундай деган: “Агар сизлар унинг бош суягини минг марта олиб келсаларингиз ҳам ўлганлигини тасдиқламаймиз, у ер юзида адолат ўрнатмагунча ўлмайди”. Абдуллоҳ ибн Сабаъ Ҳазрат Алини илоҳ ўрнига қўйган. Унинг бу иши кейин пайдо бўлган ҳаддан ошган шиаларга асосий йўлни очиб берди. Натижада улар Ҳазрат Алининг фарзанд ва набираларини илоҳийлаштирганлар.

Таввабунлар фирқаси. Ҳазрат Али вафотидан сўнг фитналар тинчиб, мусулмонлар осойишта ҳаёт кечири бошлади. Ҳасан ҳам ҳаётдан ўтганларидан сўнг Ҳусайнга баъзи Ироқлик ёрдамчилари бир неча бор хат ёзиб Маккадан Ироққа келишини илтимос қиладилар. Ҳусайн Ироққа келганида ироқликлар ваъдаларига вафо қилмай уни Карбалода ўлдирдилар. Бу воқеа баъзи мусулмонлар қалбида надомат ва ачиниш алангасини келтириб чиқарди. Натижада Басра шаҳрида юз киши атрофида бир жамоат пайдо бўлди, уларга саҳобий Сулаймон ибн Сурод бошчилик қилади. Улар ўзларига “Таввабунлар” деб ном қўйдилар. Улар ўзларини “Ҳусайнни чақириб ёрдам бермадик ва гуноҳкор бўлдик, деб ҳисоблашган. Улар умавийларга қарши жанг қилиш учун шимолга қараб юради. Бу жангда таввабунлар мағлубиятга учрайди ва жуда оз киши тирик қолади. Таввабунларнинг бошқа мусулмонлардан ажралиб турадиган ақидалари бўлмаган, улар фақат Ҳусайннинг қасосини олиш учун ҳаракат қилган. Шунини айтиш мумкинки, йўқолиб кетган

шиа фирқалари ичида фақат таввабунлар мўътадил фирқа ҳисобланади.

Кайсония фирқаси. Бу фирқа тарафдорлари Муҳаммад ибн Ҳанафияни имом деб эътиқод қилган. Муҳаммад онаси Ноиланинг қабиласи “Бану Ҳанифа”га нисбатан Муҳаммад ибн Ҳанафия деб номланган. Кайсония фирқасининг фикрича, Муҳаммад ибн Ҳанафия халифаликка отасидан кейин у ҳақлироқ. Чунки Жамал жангида байроқдор бўлган. Баъзи Кайсонийлар фикрига кўра, Ҳусайн ўзидан кейин халифаликни укасига васият қилган. Бу фирқанинг Ҳазрат Алининг мавлоси ҳисобланган Кайсонга нисбатан кайсония деб аталган. У Мухтор ибн Абу Убайда ас-Сақафийни Ҳусайннинг қотилларидан ўч олишга ундаган. Натижада Мухтор улардан ўч олган. Баъзиларнинг фикрича, бу фирқанинг кайсония деб номланишига Мухторнинг сабаб бўлган. Чунки у ҳам Кайсон деб номланган. Ҳақиқатда Муҳаммад ибн Ҳанафияни имом деб даъват қилишда ва кайсония фирқасининг вужудга келишида Мухтор ас-Сақафийнинг ўрни катта бўлган.

Мухтор ас-Сақафий табиати ғалати шахс бўлган. Чунки у бир вақтда хорижий бўлган бўлса, яна бир вақтда зубайрий бўлган, яна бир вақтда эса шиа бўлган. У Муҳаммад ибн Ҳанафиянинг ишончини қозонишга эга бўлган ва ўз шижоати билан Куфа аҳлини буйсундиришга ҳамда улардан байъат олишга муваффақ бўлган. Мухто ас-Сақафий бир қанча жангларда умавийларга қарши жанг олиб борган. Ҳар доим жангчиларининг сони кам бўлишига қарамасдан, Мухторнинг кўшини ғолиб чиқар эди. Ғалабадан кейин Мухтор шиаларга Ҳусайннинг қотилларидан ўч олишга имконият яратиб берган. Натижада шиалар Карбола фожеасига масъул бўлганлар, яъни Ҳусайн қотилларини ўлдиришга муваффақ бўлганлар. Мухтор 67/687 йилда Восит шаҳрида ўз қалъасида умавийлар кўшини томонидан қамал қилинади. У ўн тўққиз киши билан уларга қарши жанг қилади ва қамални ёриб чиқиш пайтида ҳалок бўлади.

Кейинчалик Мухтор ас-Сақафий номи билан “мухтория” номи фирқа пайдо бўлади. Бу фирқа кайсония фирқасининг бир бўлаги бўлиб, улар ҳам Муҳаммад ибн Ҳанафияни халифа деб эътиқод қилган. Мухтор ас-Сақафий ислом динига тўғри келмайдиган баъзи ишларни ва фосид таъвиларни қилгандан сўнг Муҳаммад ибн Ҳанафия уни тан олмайди. У ўзига ваҳий нозил бўлмоқда деган даъво билан баъзи сажларни тўқийди. Унда ипак билан ўралган, турли хил зийнатлар билан безатилган эски курсий бўлиб, у ушбу курсий ҳақида шундай дер эди: “Бу амир ал-мўминин Али ибн Аби Толибдан қолган табаррук нарса ва мен жанг қилаётган чоғимда менга ҳамроҳ бўлиб оқ кабутарлар шаклидаги фаришталар бирга жанг қиладилар”.

Муғийрия фирқаси. Муғийрия фирқаси ҳам ҳаддидан ошган фирқалардан бўлиб, улар Ҳасан ибн Алининг авлодига тарафдорлик қилган. Улар Муҳаммад ибн ан-Нафс аз-Закия номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Ҳасан ибн Алини кутаётган муҳаммадия фирқасининг бир бўлаги ҳисобланган. Аббосийларнинг илк даврида Муҳаммад ибн ан-Нафс аз-Закия Макка ва Мадинани қўлга киритган. Унинг укаси Иброҳим эса Басра ва унинг атрофидаги ерларни қўлга киритган. Аббосий халифаси Абу Жаъфар Мансур Муҳаммад ибн ан-Нафс аз-Закияга қарши катта қўшин юборади. Икки қўшин Мадинада тўқнаш келиб жанг бўлиб ўтади ва бу жангда Муҳаммад ибн ан-Нафс аз-Закия ўлдирилади. Аббосий халифаси иккинчи бир қўшинни Ироққа жўнатади. Бу қўшин Иброҳимнинг қўшини билан тўқнаш келиб бу жангда Иброҳим ҳам ўлдирилади.

Муҳаммад ибн ан-Нафс аз-Закиянинг ёрдамчилари Муҳаммад Боқирнинг ўлиmidан кейин уни “имом” дейдилар. Улар бу даъволарига аслида исноди саҳиҳ бўлмаган қуйидаги ҳадисни далил қилиб олганлар: Расулуллоҳ (с.а.в.) Маҳдий ҳақида айтганлар: “Унинг исми менинг исмимга мувофиқ, отасининг исми отамнинг исмига мувофиқ келади”.

Юқорида зикр этилган жангда Муҳаммад ибн ан-Нафс аз-Закия ўлдирилганидан сўнг, муғийрия тарафдорлари, “у ўлдирилмаган ва ўлмаган, балки ҳозирда Нажд ноҳиясида бир тоғда яшамоқда ва чиқишига буйруқ келгунича у ерда туради ва сўнгра ер юзини адолат билан тўлдиради ҳамда Маккада Рукн билан Мақоми Иброим ўртасида унга байъат берилади”, деганлар.

3. Ўн икки имом тушунчаси: исно ашариялар.

Бугунги кунда аҳли сунна вал жамоа билан бирга яшайдиган шиалар асосан имомия шиаларидир. Имомия шиалари Эрон аҳолисининг учдан икки қисмини, Ироқ аҳолисининг ярмини, Ливанда бир неча юз минг кишини, Ҳиндистонда бир неча миллион кишини ва Озарбайжонда ҳам бир неча миллион кишини ташкил қилади. Имомия шиаларининг ақидаси ҳам юқорида айтиб ўтилган шиаларнинг ақидаси билан бир хил бўлиб, улар ҳам Ҳазрат Алини имом ва Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг васийси ҳамда васоят ундан кейин фарзандларига ўтган, деб имон келтирадилар.

Имомия шиаларининг ўзи яна бир нечта фирқалардан иборат. Улар қуйидагилар: Боқирия, жаъфария, новусия (бу фирқа Жаъфар ибн Содиқни ўлмаган, тирик деб ҳисоблайди), афтаҳия (Абдуллоҳ ал-Афтаҳ ибн Жаъфар ибн Содиқни “имом” деб атайдилар), исмоилия (булар Исмоилни “имом” деб атайдилар, лекин ўзаро ихтилоф қиладилар, яъни баъзилари, Исмоил отасининг ҳаётлик даврида вафот этган десалар, баъзилари, у ўлмаган балки отаси уни аббосий халифалари таъқибидан сақлаб қолиш учун ўлдига чиқарган, дейдилар), мусавия-муфаззалия (Мусо ибн Жаъфар Содиқни “имом” деб, у ўзидан кейин ўғилларидан кимга васият қилиш тўғрисида Жаъфар Содиққа тааллуқли бўлган қуйидаги сўзни зикр қиладилар: *“Еттинчиларингиз бошлиқларингиздир. Огоҳ бўлинг! Унинг исми Таврот соҳибининг исми билан бир хилдир”*). Шунингдек, бу фирқа унинг намоёндаларидан бири Муфаззал ибн Умарга нисбатан муфаззалия деб ҳам номланган.

Шунингдек, шиаларда исно ашария деган фирқа ҳам машҳурдир. Исно ашарийлар Мусо ал-Козимни ўлган дейишади ва чиқиши кутилаётган ўн иккинчи имом Муҳаммад ал-Маҳдийгача Мусонинг авлодларидан бўлган имомларга имон келтирадилар.

Юқорида зикр қилинган имомия шиаларининг ичидан энг машҳури исно ашария шиалари бўлиб, улар бугунги кунда кўпгина ислом шаҳарларида, хусусан Эрон ва Ироқда яшайдилар. Бу фирқа жаъфарийлар, имомийлар ёки умумий шаклда шиалар деб ҳам номланади. Шунинг учун бугунги кунда шиалар дейилганда улар кўзда тутилади. Улар кетма-кет ўн иккита имомга имон келтирганлари учун “Исно ашария” деб ҳам номланган. Улар имон келтирадиган имомларнинг исмлари билан бирга ҳар бирининг алоҳида лақаблари ҳам бор. Ўн иккита имом қуйидагилар:

Али ибн Аби Толиб ал-Муртазо

ал-Ҳасан ибн Али ал-Мужтабо

ал-Ҳусайн ибн Али аш-Шаҳид

Али ибн ал-Ҳусайн Зайнулобидин ас-Сажжод

Муҳаммад ибн Али ал-Боқир

Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Содиқ

Мусо ибн Жаъфар ал-Козим

Али ибн Мусо ар-Ризо

Муҳаммад ибн Али ал-Жаввод ат-Тақий

Али ибн Муҳаммад ал-Ҳодий ан-Нақий

Ал-Ҳасан ибн Али ал-Аскарӣ аз-Закий

Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Маҳдий ал-Қоим бил ҳужжа

Исно ашария фирқасининг баъзи жиҳатларини эътиборга олмаганда, имомия шиаларининг ичида энг мўътадили ҳисобланади. Бу фирқанинг “жаъфария” деб номланишининг сабабларидан бири – улар кўпгина диний ишларида Жаъфар Содиқнинг фикрӣ қарашларидан фойдаланадилар. Ҳолбуки, Жаъфар Содиқ Абу Ҳанифа, Шофий, Авзойи, Молик ва Аҳмад ибн Ҳанбал каби машҳур олимлар, умумий маънода

барча мусулмонларнинг имоми ҳисобланади. Жаъфар Содиқ имомия шиалари наздида имом бўлишидан ташқари дин ишларида тўғри фикр ва саҳиҳ фатво соҳибларидан ҳисобланган. Жаъфар Содиқ оталари томонидан насаби Расулуллоҳ(с.а.в.)га туташса, онаси томонидан Абу Бакр Сиддиқга тутушади.

Исно ашария наздида ижтиҳод эшиги очиқ ҳисобланади. Мужтаҳиднинг ўз фикрини билдиришга ҳаққи бор ва унинг ижтиҳоди Куръонга ва суннатга мувофиқ келса ҳамда ақлий ҳужжатлар билан ҳамоҳанг бўлса, қабул қилинади. Акс ҳолда унинг ҳеч қандай эътибори бўлмайди. Имомия шиалари Исломнинг машҳур бешта рукнига қўшимча олтинчи рукни, яъни имоматликка имон келтиришни қўшадилар. Улар имоматликни пайғамбарлик каби илоҳий мансаб деб эътиқод қилдилар. Уларнинг эътиқодига кўра, Аллоҳ хоҳлаган бандаларини пайғамбарликка ихтиёр қилганидек, хоҳлаган бандаларини имоматликка ихтиёр қилади ва пайғамбарига ўзидан кейин муайян шахсни имом қилиб тайинлаб кетишни буюради. Фақат имомга пайғамбари каби ваҳий қилинмайди. Чунки пайғамбар Аллоҳ томонидан етказувчи бўлса, имом пайғамбар томонидан етказувчи ҳисобланади.

Имомия шиалари кетма-кет ўн иккита имомга эътиқод қилдилар. Лекин бу ўринда баъзи шиа тарихчилари ўн иккинчи имомни бутунлай инкор қилдилар ва уни аслида ўйлаб топилган хурофий шахс деб таъкидлайдилар. Уларнинг эътиқоди бўйича, ҳар бир имом ўзидан кейинги имомнинг шахсини айтиб кетиши керак. Улар имомни пайғамбарлар каби гуноҳлардан маъсум, имом пайғамбардан паст, қолган инсонлардан юқори даражада бўлади, деб биладилар.

Имомия шиалари юқоридида зикр қилинган тартибда имомларга эътиқод қилган мусулмонларни комил мўмин деб биладилар. Агар имоматликка имон келтирмасалар умумий маънода мўмин ва мусулмон ҳисобланади, чунки имоматликка имон келтирмасликлари уларни исломдан чиқариб

юбормайди, лекин қиёматда мусулмонларнинг даражалари тафовутли бўлади, биринчи шиалар, сўнг қолган мусулмонлар туради, деб таъкидлайдилар.

Имомия шиалари ўн икки имомга эътиқод қилиш билан бошқа исломий фирқалардан ажралиб туради. Уларнинг фикрича, бу эътиқод ақидадаги асосий нарсадир. Чунки Аллоҳ ўзининг илми азалийси билан худди пайғамбарни ихтиёр қилганидек, имомни ҳам ихтиёр қилади. Шунингдек, улар Аллоҳ ер юзини бандалари устида ҳужжат бўладиган бирор пайғамбар ёки зоҳир машҳур васий-имом ёки гоиб мастур имомдан холи қўймайди, деб эътиқод қиладилар. Улар Расулulloҳ(с.а.в.)дан Ҳазарти Али ва унинг васоятига оид ҳадисларни ўз ақидаларига далил қиладилар. Шунинг учун улар, қачондир ер юзида ўн иккинчи ҳужжат билан қоим бўлган имом зоҳир бўлиб ерни адолат билан тўлдиришини кутадилар.

Исно ашарийлар ҳар қандай ровий ёки муҳаддисдан ривоят қилинган ҳадисларни қабул қилмайдилар. Уларнинг фикрича, ҳақиқий ҳадис аслида Оли байт тарафидан, яъни Ҳазрат Алидан ривоят қилинган бўлиши керак. Шиа олимларидан Кошиф ал-Ғаттонинг таъбири билан айтганда, Абу Ҳурайра ва бошқа саҳобаларнинг ривоят қилган ҳадислари шиалар наздида пашшанинг қанотичалик эътиборли эмас. Шиаларнинг ҳадислардаги айнан ушбу эътиқодлари улар билан суннийлар орасидаги энг катта ихтилофлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, улар бунга қўшимча равишда Имом Моликнинг “Муватто” асари, Имом Аҳмаднинг “Муснад” асари ҳамда икки саҳиҳ тўплам ва тўртта сунанларни саҳиҳ тўплам сифатида тан олмайдилар.

Имомия шиалари суннатнинг ўрнига ижтиҳодни оладилар ва унинг эшиги очиқ, дейдилар. Қиёсни эса ҳужжат сифатида олмайдилар. Улар ўз имомларидан баъзисига нисбат бериладиган ушбу сўзни келтирадилар: “Шариатда қиёсга рухсат бўлса, дин йўқ бўлиб кетади.”

Намоз борасида улар суннийлар билан бир хил ҳисобланади. Фақат жума намози уларнинг наздида бекор қилинган, чунки имом ғоиб бўлган вақтда жума намозини адо қилиш мумкин эмас. Икки хайит намози уларнинг наздида фарздир. Хайит намози ҳанафийлар наздида вожиб ва қолган мазҳаблар наздида эса суннат ҳисобланади. Улар кунлик эллик бир ракатга етадиган нафл намозларидан ташқари рамазон ойида қўшимча минг ракат нафл намоз ўқийдилар.

Зул ҳижжа ойининг ўн саккизига тўғри келадиган “Ғодируҳум” (ғўёки, Расулуллоҳ (с.а.в.) шу кунда Ҳазрат Алига халифаликни васият қилган эмиш) кунини байрам қилиб олган ва бу кунни иккала хайитдан ҳам афзал кўрадилар ва уни катта хайит деб номлайдилар ҳамда ушбу кунда рўза тутадилар. Улар асли форслар байрами ҳисобланган Наврўз байрамини ҳам улуғлаб бу кунда ғусл қилиш суннат, дейдилар. Абу Луъли Умар ибн Хаттобни ўлдирган кун робиул аввал ойининг тўққизинчи кунини ҳам байрам сифатида нишонлайдилар. Муҳаррам ойининг ўнинчи кунини “қурбат амали” деб эътиқод қилиб, ушбу кунни азахонлик, додвой солиб йиғлаш, турли расмлар чизиш ва кўксиларига уриш каби кўпгина ҳаром ишларни бажарадилар. Ўзларининг наздида муқаддас ҳисобланган Карбало, Нажф ва Қум шаҳарларига зиёратга борадилар.

Шиалар наздида закот худди суннийлар каби фарз, фитр садақаси вожиб, лекин бу ўринда уларнинг наздида яна бошқа бир “хумс” деб аталувчи закот ҳам бор. Улар буни Аллоҳ ҳаром қилган садақага эваз сифатида Оли байтга белгиланган ҳақ деб эътибор қиладилар. Хумс закоти олти қисм бўлиб, уч қисми агар имом зоҳир бўлса унга берилади, агар мастур бўлса одил мужтахид бўлган ноибига берилади ва қолган уч қисми Бани Ҳошимнинг камбағал ва муҳтожларига берилади.

Имомия шиалари вақтинчалик никоҳ бўлган мутъа никоҳини жоиз, деб биладилар. Улар бу борада маҳр тўғрисида нозил бўлган “Нисо” сураси, 24-оятнинг зоҳирий

маъносини⁴ ҳужжат қиладилар: ...Улар билан (никоҳ орқали) яқинлик қилишингиз биланоқ, белгиланган ҳақларини (маҳрларини) берингиз...”

Шунингдек, улар: Абдуллоҳ ибн Аббос, Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий, Ибн Масъуд, Убай ибн Каъб ва Имрон ибн Ҳусайн каби катта саҳоба ва тобеинлар никоҳи мутъанинг мубоҳлигига фатво берганлар, деб даъво қиладилар. Лекин мутъа никоҳи Расулуллоҳ (с.а.в.) замонларида ҳаром қилинган. Ҳозирда ҳам улар мутъа никоҳини маъқуллаб, мутъа сафари чўзилиб кетган мусофирга зарурий нарса бўлиб уни гуноҳдан сақлайди. Агар мусулмонлар келишув, муддат тайин қилиш ва наслни муҳофаза қилиш қондаларга амал қилишганда эди, фоҳишахоналар ёпилиб, пок болалар кўпайиб, ташлаб кетиладиган болалар бўлмас эди” – деб таъкидлайдилар.

Шунингдек, аксар шиа фирқалари тақияни (тақия - муросаи мадора қилиш ёки эҳтиёткор бўлиб юриш) дуруст дейдилар. Уларнинг наздида, гўё инсон тақия воситасида ўзи имон келтирмаган ва саҳиҳлигини эътироф қилмайдиган бирор ақидани зоҳиран кўллаб-қувватлаш билан молни, обрўсини, динини ва ақидасини муҳофаза қилади. замонавий шиаларнинг имоми Оятуллоҳ Хумайний ҳам тақия имоннинг ажралмас бир бўлаги эканлигини таъкидлаган. “Тақияси бўлмаган кишининг дини ҳам йўқ” деган эътиқод уларнинг баъзи имомларидан нақл қилинган. Лекин шиаларнинг мўътадил олимларидан Доктор Мусо ал-Мусавий тақия масаласи асли йўқ нарса эканлигини таъкидлайди ва шиа имомлари ҳам буни ишлатганлигини инкор қилади. Хусусан, тақия масаласи вожиб, деган сўз нисбати берилган Жаъфар Содик ҳақида кенгроқ тўхталиб, у зот бундай сўз айтиши

⁴ Аслида бу оятнинг зоҳирий маъноси “мутъа” – муваққат никоҳнинг жонзлигига ҳам далолат қилган. Лекин Хайбар жангидан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в.) илк ислом даврида рухсат берилган мутъа никоҳини таъқиқлаганлар. Қаранг: Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – Б. 82.

мумкин эмаслигини ақлий далиллар билан исботлайди. Яна мазкур олим шиалар азонидаги “Ашҳаду анна Алийян Валийуллоҳ” (Алининг Аллоҳнинг валийси эканига гувоҳлик бурман) учинчи шаҳодатнинг ҳам бидъат эканлигини ва бу бидъат ибора Расулуллоҳ (с.а.в.) замонасида ва Ҳазрат Али даврида ҳам бўлмаганлигини таъкидлайди.

Ражъат ҳам шиаларнинг асосий эътиқодларидан бири ҳисобланади. Ражъат (*қайтиш*) ақидасига кўра, ўн икки имом охириги замонда ҳаётлик давридаги маҳрум қилинган ҳақларига эваз сифатида ҳукмронлик қилишлари учун бирин кетин дунёга қайтади. Биринчи бўлиб Имом Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Аскарӣ қайтади. У ерда ота-боболарининг қайтишлигига таёргарлик ишларини кўради.

Шиаларнинг эътиқоди бўйича имомларнинг қабрини зиёрат қилган ва уларнинг қабрларининг таъмир ишларига ҳисса қўшган киши битмас тутанмас савобга эришади ва Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг шафоатларига сазавор бўлади. Улар бу борада жуда кўплаб мавзуъ ҳадисларни ривоят қиладилар.

Баъзи шиа имомлари Қуръонни ўзгартирилган, яъни Ҳазрат Али ва фарзандларининг имоматлиги борасидаги оятлар олиб ташланган, деб даъво қиладилар. Шиа таълимотига ўзининг катта хиссасини қўшган шиаларнинг кейинги давр олими Муҳаммад Тақӣ ан-Нурий ат-Табарзӣй (ваф. 1320/1903 й.) «Фасл ал хитоб фи исбот таҳриф китоб Роббил Арбоб»⁵ номли асарида даъво қилишча, саҳобалар тамонидан Қуръондан айрим оятлар қисқартирилиб олиб ташланган. Унинг таъкидлашча, «Шарҳ» сурасининг охирида «ва жаална Алийян соҳрок» («Эй, Муҳаммад! Биз Алини сенинг жиянинг қилдик») ояти олиб ташланган эмиш.

Лекин мўътадил баъзи шиа имомлари Қуръон борасидаги бу каби ғулувга кетган сўзларни инкор этадилар.

Имомия шиаларининг залолатларидан яна бири, улар Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон ва уммул

⁵ Ушбу асар Эронда 1863 йилда чоп этилган.

мўминин Оиша ва Ҳафсани қабиҳ ва ёмон сифатлар билан тилга оладилар.

4. Зайдия фирқаси.

Зайдия фирқаси Зайд ибн Али Зайнулобидиннинг асҳоблари ҳисобланади. Улар шиалар томонидан имоматлик масаласида Абу Бакр ва Умар ибн Хаттобга нисбатан билдирилган фикрлар борасида шиаларнинг энг мўтадили ҳисобланади. Улар Ҳазрат Али ўзидан олдинги халифалардан афзал бўлсада, аввалги халифаларнинг ҳам халифалиги саҳиҳ, деб айтадилар. Зайд ибн Али Бани Умайя халифаларига қарши қилич яланғочлаган, уларнинг подшоҳлигини йўқотишга ҳаракат қилган ва халифалик курсисини эгаллашга ҳаракат қилган биринчи алавий⁶ ҳисобланади. У ўзининг бу ҳаракатлари йўлида шаҳид бўлган бўлсада, кейинчалик унинг асҳоблари диний ва замонавий салтанатни ўзида жамлаган халифаликни ташкил қилдилар. Уларнинг бу халифаликлари 1962 йилгача давом этиб келди. Зайд ибн Алининг умавийларга қарши чиқиши кўп жиҳатдан бобоси Ҳусайн ибн Алининг ҳолатига ўхшайди.

Куфа волийси Юсуф ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Ҳакамдан Халифа Ҳишом ибн Абдулмаликка Зайд ибн Алининг Холид ибн Абдуллоҳ Қусарийдан қарздор экани ва шу сабабли уни Куфага жўнатишни сўраб мактуб келади. Зайд бу чақирувдан хавфсирайди. Чунки у бирор кишидан қарздор бўлмагани ҳамда Куфа волийсининг ниҳоятда баджаҳл ва кўпполигини билар эди. Куфа волийси баъзи вақтларда Ҳийрада истиқомат қилар эди. У ҳийрадалиқ вақтида Зайд унинг олдига борди ва унинг бирор кишидан қарздорлиги исботланмади. Шундан кейин у Куфага йўл олди ва унинг

⁶ Алавийлар имомия шиаларининг бир фирқаси ҳисобланиб, III/IX асрда пайдо бўлган. Улар бошқа имомиялардан фарқли равишда, ҳар бир имомнинг ёрдамчиси бор, деб эътиқод қилганлар. Уларнинг наздида, биринчи имомнинг ёрдамчиси Салмон Форсий бўлган. Шунинг учун Салмон Форсий алавийлар учун катта ҳурматга эга ҳисобланган.

атрофига бир қанча инсонлар тўпланиб уни умавийлар хаалифалигига қарши чиқишга ундадилар. Зайд уларга бундай ишни қилолмаслигига турли сабаблар кўрсатиб, бу шаҳарни тарк этмоқчи бўлади. Лекин улар “бизни ташлаб қаерга кетасиз, Куфа, Басра ва Хуросон аҳлидан иборат юз минг киши сиз бошчилигизда умавийларга қарши жанг қиломоқчи бўлиб турибди”, деб уни олиб қолишга ҳаракат қиладилар. Зайд ибн Алига бу сафарда бир ақлли фаросатли киши, яъни Муҳаммад ибн Умар ибн Али ибн Аби Толиб ҳамроҳлик қилар эди. У Зайдга бу ваъдаларга ишонмаслик лозимлигини айтиб уқтиради: “Эй Абул Хусайн! Шу каби ваъдалар туфайли аҳлингизга қандай мусибатлар етганлигини эсланг. Ваъда бераётган кишиларнинг бирортасининг гапини қабул қилманг, улар сиздан олдин бобоингиз Хусайн ибн Алига ҳам вафо қилмаганлар”.

Лекин Зайд ибн Али унинг бу сўзини қабул қилмайди ва ўн ойдан ортиқ Куфада инсонларни ўз атрофига даъват қилади.

Ниҳоят, Зайд ибн Али асҳоблари билан умавийларга қарши жанглар олиб боради. Урушнинг даслабки вақтида Куфа аҳли ўзларини орқага олиб масжидга кириб оладилар. Зайднинг отлиқлари уларни чиқармоқчи бўладилар, лекин чиқара олмайдилар. Зайд охириги жангида беш юз кишилик отлиқлар билан ўн икки минглик умавийлар қўшинига қарши жанг қилади. Бу жангда Зайд ғалаба қозонмоқчи бўлиб турганида унинг чап пешонасига бир найза ўқи қадалади. Суфён исмаи табибни олиб келадилар.

Табиб айтади: - Агар ҳозир найза ўқини олиб ташласам ўласиз.

Зайд айтади: - Бу оғриқдан кўра ўлиш менга енгилроқ.

Табиб ўқини олиб ташлаган заҳоти Зайд ибн Али вафот этади. Зайднинг асҳоблари унинг жасадини душманларидан яширин бир жойга дафн қилишга ҳаракат қиладилар. Лекин дафн қилинган куннинг эртасига унинг жасадини топиб,

Куфанинг Каноса номлик жойига осиб қўядилар, бошини эса Дамашққа жўнатадилар. Бу воқеа 122/740 йилда содир бўлади. Зайд ибн Али билан бирга жанг қилган ўгли Яҳё ибн Зайд Хуросонга қочишга муваффақ бўлади. Лекин уни ҳам уч йилдан кейин ушлаб олиб қатл қиладилар.

Зайдийлар биринчи бор Каспий денгизининг жанубида Дайлам ерларида 259/873 йилда давлат ташкил қилишга имконият топадилар. Бу давлатнинг асосчиси Ҳасан ибн Зайд ҳисобланади. Бир муддатдан кейин иккинчи бор Яманда Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Ҳусайн ибн Али ибн Аби Толибнинг набираси Қосим Росийнинг фарзандларидан Яҳё ибн Ҳусайн алоҳида давлат ташкил қилган. Ушбу давлат яқин кунгача етиб келган.

Зайдийлар наздида кимда-ким Фотима бинт Муҳаммад фарзандларининг қай бирининг авлодларидан бўлса ҳам, унда им, зоҳидлик, шижоат ва саҳоватдан иборат хислатлар топилса, ўша киши имом бўлиши жоиз. Шунингдек, улар ушбу хислатларга қўшимча қилиб жангга қодир бўлиш ва бешта ҳис аззолари саломат бўлиши кабиларни киритганлар. Уларнинг наздида имоматлик масаласида, олдинги имом ўзидан кейин муайян шахсни имомликка тайинлаб кетиши шарт эмас. Кимда юқорида зикр қилинган хислатлар топилса, у имом бўлиши жоиз, яъни уларнинг наздида имоматлик мерос билан ўтмайди, балки байъат билан бўлади. Улар бир вақтнинг ўзида турли мамлакатда бир нечта имом бўлиши жоиз дейдилар. Зайдийлар айрим эътиқод масаласида муътазилия таълимотига мойил бўлган. Ўз навбатида, шиаларнинг ичида аҳли сунна вал жамоага энг яқинроғи ҳам айнан зайдийлар ҳисобланган. Зайд ибн Али муътазилийлар асосчиси Восил ибн Атонинг шогирди бўлган.

Зайдийлар имом инсонларнинг энг афзали бўлиши шарт эмас, деган маънода, “афзал киши мавжуд бўлган ўринда ҳам ундан паст даражада бўлган киши имом бўлиши жоиз”, дейдилар. Куфа шиалари Зайд ибн Алини Абу Бакр ва Умар

ибн Хаттобнинг халифалигини инкор қилмаслигини билиб қолгач уни тарк этганлар. Шунинг учун улар “Равофиз” (*тарк этувчилар*) деб номланган. Зайдия мазҳаби Зайд ибн Алининг вафотидан сўнг ҳаддан ошган учта фирқага бўлиниб кетган. Улар Абул Жоруд Зиёд ибн Аби Зиёднинг асҳоблари бўлган “жорудия”, Сулаймон ибн Жарирнинг асҳоблари бўлган “сулаймония” ва Ҳасан ибн Солиҳ ва Касир ан-Навий ал-Абсарнинг асҳоблари “солиҳия басрия” оқимларидир. Бу уч фирқа баъзи ҳукмларда мўътадил бўлсаларда, лекин баъзи ҳукмларда ҳаддан ошганлар ва баъзи масалаларда бир-бирлари билан ҳам ихтилофда бўлганлар.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Шиа сўзининг луғавий маъноси қандай?
2. Шиалардан қайси машҳур фирқаларини биласиз?
3. Исно ашария фирқаси нима учун шундай номланган?
4. Ҳозирги кунда шиаларнинг қайси оқимлари ва қаерда учрайди?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Доктор Мустафо Шакъа. Ислоом била мазаҳиб. – Қоҳира: ад-Дор ал-Мисрия ал-Лубнания, 1989. – 537 б.
2. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. – М., ИФВА, 2004.
3. Хрестоматия по исламу. Сост. И отв. Редактор С.М.Прозоров. М., ИФВА, 1994 (Раздел IV. Догматика. Идеиные расхождение в исламе).
3. Шаҳристоний, Абул Фатҳ. Ал-Милал ван ниҳал: 2 жилдли / Муҳаммад Абдулқодир ал-Фозилий нашри. – Дамашқ: ал-Мактаба ал-асрия, 2000. – 478 б.
5. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислоом университети», 2009. – 624 б.

3-МАВЗУ. ХОРИЖИЯ ТАЪЛИМОТИ

Режа:

1. Хорижия фирқасининг таърифи ва мухтасар асосий эътиқодлари
2. Хорижийларнинг хулафон рошидинлар тўғрисидаги фикрлари
3. Азориқа, суфурия ва ибодия фирқаларининг ақидавий қарашлари

Таянч иборалар: хорижий, таҳжим, жамал жанги, Сиффин жанги, азориқа, суфурия, ибодия, мутлақ танзеҳ

1. Хорижия фирқасининг таърифи ва мухтасар асосий эътиқодлари.

Хорижий фирқасига Шаҳристоний қуйидагича таъриф берган: “Мусулмонлар жамоати тайинлаган ва байъат берган ҳақиқий имомга (подшоҳга) қарши чиққан ҳар бир киши “хорижий” деб номланади. Саҳобалар замонида хулафон рошидинларга қарши чиқадими, ёки улардан кейинги тобеинлар замонидаги имомларга қарши чиқадими бунинг фарқи йўқ”. Шунингдек, баъзи салаф уламолари динда ўз ҳавои-нафсларига эргашганларнинг барчасини хорижийлар деб ҳисоблаганлар.

Хорижия фирқаси Ислом динида биринчи пайдо бўлган фирқалардан ҳисобланади, яъни уларнинг пайдо бўлиш тарихи Ҳазрат Али халифалик даврига тўғри келади. Улар умумий йигирмадан ортиқ фирқаларга бўлиниб кетган. Хусусан, Абдулқоҳир Бағдодий “ал-Фарқ байнал фирақ” китобида хорижийларни йигирмата фирқага тақсимлаган. “Ислом била мазаҳиб” китобининг муаллифи Доктор Мустафо Шакъа ва бошқа баъзи олимлар хорижийларни асосий еттита фирқага

бўлган: 1. ал-Муҳаккима ал-ула. 2. Азориқа. 3. Наждот. 4. Саолиба. 5. Ажорада. 6. Ибодия. 7. Суфурия.

Хорижия таълимоти ўз фаолиятининг дастлабки даврларида гуноҳи кабира қилган мўминни кофирга чиқариш каби саноқли эътиқодий қарашлари билан ажралиб турган. Улар бу борада оят ва ҳадисларни нотўғри таъвил қилиш натижасида мўминга нисбатан бундай кескин ва нотўғри эътиқодга борганлар. Хорижийлар ҳақида Абдуллоҳ ибн Умар шундай деган: “Улар кофирлар ҳақида нозил қилинган оятларни мусулмонларга нисбатан ишлатдилар”.

Хорижийлар гуноҳи кабира қилган мўминни кофирга чиқариш орқали мусулмонларни ўлдиришни ҳалол санадилар ва шу тариқа ушбу масалага тааллуқли қуйидаги ақидавий қарашларни ўйлаб топдилар:

- фисқ ёки зулм қилган мусулмон бошлиқларга қарши чиқиш вожиб;

- шафоат йўқ нарса ва у гуноҳкор мўминга фойда бермайди;

- Амр ибни Ос ва Абу Мусо Ашъарий ҳамда таҳкимга рози бўлган саҳобалар ҳамда Оиша бинт Аби Бакр билан бирга жамал жангига қатнашган мусулмонлар кофирдир;

- қиёматда банда Аллоҳни кўриш мумкин эмас.

Хорижия фирқалари юқорида зикр қилинган масалаларда ўзаро ихтилоф ҳам қилганлар. Фақат иккита масалада, яъни гуноҳи кабира қилган мўминни кофирга чиқаришда ва таҳкимга рози бўлганлар билан Оиша билан бирга жамал жангига қатнашган мусулмонларни кофирга чиқаришда иттифоқ қилганлар. Шу билан бирга уларнинг тақдир, Аллоҳнинг сифатлари ва самъиёт (*фақат оят ва ҳадисларни эшитиш орқали собит бўладиган эътиқодий масалаларда*) мустақил фикрлари бўлмаган.

Кейинчалик хорижийлар бошқа фирқалар билан аралашиб кетиши натижасида ақидавий қарашлари зиёда бўлди ва алоҳида эътиқодий фирқалардан бирига айланди.

Чунки улар Қуръон масаласи ҳамда Аллоҳни қиёмат кўриш масаласида жаҳмиёлардан, Аллоҳнинг сифатлари борасида эса муътазиллийлар ақидасидан таъсирланганлар. Улар тақдир ва самъиёт масалаларида ғулувга кетганлар ва муътазиллийлар каби оҳод ҳадисларни ҳужжат сифатида қабул қилмаганлар. Шунингдек, ўзлари кофир деб ҳисоблаган саҳобалар ривоят қилган ҳадисларни ҳам инкор этганлар.

Хорижийларнинг фикрича, ражм (*тошбўрон қилиш*), ўғирлик нисоби ва шу каби нарсалар ҳақида ёрид бўлган ҳадислар Қуръонга муҳолиф бўлгани учун тан олинмаган. Улар халифани Қурайш қабиласидан бўлишини шарт деб ҳисобламаганлар.

Салаф уламолари, хусусан Ҳазрат Али уларни кофирга чиқармаган, лекин уларни машҳур ҳадисда зикр қилинган етмиш иккита ҳалок бўлувчи фирқалар қаторига қўшган.

Ҳозирги вақтда хорижийларнинг ибодия фирқасидан бошқа фирқалари йўқ бўлиб кетган. Ибодийлар, тирикларнинг ўликлар ҳаққига қиладиган дуолари ва садақаларининг манфаати бўлмайди, деб эътиқод қиладилар.

2. Хорижийларнинг хулафои рошидинлар тўғрисидаги фикрлари.

Ҳазрат Алининг вафотидан сўнг хорижийларнинг ҳаракати яна кучайди ва жадаллашди ва Муовия ибн Аби Суфён халифалик даврида бир қанча жанглари олиб борди. Лекин улар янги умавийлар ҳукуматининг қўшинлари билан очиқ майдонда жанг қилишга қодир эмас эдилар. Улар кўпинча яширинча (*партизанлик*) шаклида жанглари олиб борар эди. Улар кўпинча Басра атрофидаги жойларга босқинчилик қилар эдилар. Умавийларнинг иккинчи халифаси Язид ибн Муовиянинг (ваф. 64/683 й.) вафоти кетидан пайдо бўлган фитналардан сўнг уларнинг шавкати янада кучайди ва Ҳижоз ва Ироқни ўз ҳукмронлиги остида сақлаб турган Абдуллоҳ ибн Зубайрни ўз сафларига қўшишга ҳаракат қилдилар. Улар

шу мақсадда ўз вакилларини Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг олдига жўнатишга қарор қилдилар ва унга қуйидаги гапни айтишни топширдилар: “Агар у Абу Бакр ва Умар ибн Хаттобни ҳурмат қилса, Усмон ибн Аффон ва Али ибн Аби Толибдан юз ўтирса ҳамда отаси Зубайр билан унинг дўсти Талҳани кофирга чиқарса, хорижийлар унга байъат қилади. Агар унинг фикри ўзгача бўлса, ўз фикрларини бизга баён қилиб юборсин”. Хорижийларнинг ушбу шартларидан, уларнинг хулафои рошидинлар ҳақидаги эътиқодлари аниқ бўлган.

Абдуллоҳ ибн Зубайр билан хорижийлар ўртасида мулоқот бўлиб ўтади. Бу мулоқот натижасида икки томоннинг хулафои рошидинлар ҳамда баъзи саҳобалар ҳақидаги фикрлари равшан бўлган. Хорижийлар Абдуллоҳ ибн Зубайрга: “Биз сенинг олдинга фикрингни билиш учун келдик, агар сен тўғри йўлда бўлсанг сенга байъат қиламиз, агар бундан бошқа йўлда бўлсанг, сени ҳаққа даъват қиламиз. Сен иккала шайх (Абу Бакр ва Умар ибн Хаттоб) ҳақида қандай фикрдасан?”, – деб савол бердилар.

Абдуллоҳ ибн Зубайр, яхши фикрдаман, – деб жавоб берди.

Хорижийлар яна ундан сўрадилар: “Сургун қилинган кишига⁷ бошпана берган, Миср аҳлига бир сўзни айтиб унинг зиддини ёзиб юборган⁸ ва Абу Муайт оиласида инсонларни оёқ-ости қилдирган⁹, ҳамда мусулмонларга берилиши керак бўлган ўлжаларни ўз амакисига берган¹⁰ Усмон ибн Аффон ҳақида қандай фикрдасан?!”

⁷ Расулulloҳ (с.а.в.) Ҳакам ибн Абулосни Тоифга сургун қилганлар. У Абу Бакр ва Умар ибн Хаттобнинг халифалик даврларида ҳам сургунда бўлган. Бироқ, кейинчалик Усмон ибн Аффон ўз даврида уни Мадинага киритган.

⁸ Усмон ибн Аффон номидан котиби Марвон ибн Ҳакам Миср волийсига, бу фитначиларни Мисрга борганидан кейин ўлдиришга ёки жазолашга буюриб мактуб ёзиб юборган, деган ривоят бор.

⁹ Хорижийлар бу ерда Куфа волийси Валид ибн Уқба ибн Аби Муайтни маст ҳолатида намоз ўқиб берган демоқчи бўлганлар. Лекин бу нарса, аслида жазоланган жиноятчиларнинг оталари тўхиган бўҳтон эди.

¹⁰ Усмон ибн Аффон Африкадан келган ўлжани Ҳакамнинг оиласига сот-

Хорижийлар ўз саволларида давом этдилар: “Аллоҳнинг динида инсонларни ҳакам қилган ва ушбу ишига тавба ва надомат қилмаган Али ҳақида қандай фикрдасан?! Алига куфр содир бўлмаган ва одил халифа бўлиб турган пайтида байъат қилиб кейин байъатини бузган ҳамда Оишани Алига қарши жангга олиб чиққан отанг Зубайр ва унинг дўсти Талҳа ҳақида қандай фикрдасан?! Ваҳоланки, у Оиша ва унинг дўстларини Аллоҳ уйида ўтиришга буюрган эди. Биз санаб берган ушбу воқеалардан, сен ўзинга хулоса чиқариб олишинг ва бизнинг сенга бераётган маслаҳатларимизнинг барчасини қабул қилишинг зарур. Шунда Аллоҳнинг ҳузурини сенинг даражанг юқори бўлади ва биз сенга ёрдам берамиз, сенга Аллоҳдан тавфиқ сўраймиз. Акс ҳолда Аллоҳ сени бизнинг қўлимиз билан мағлуб қилади”.

Хорижийларнинг Абдуллоҳ ибн Зубайрга эътироз шаклида берган ушбу саволларидан маълум бўладики, улар Абу Бакр ва Умар ибн Хаттобнинг халифалигини маъқуллаганлар. Усмон ибн Аффонни қоралаганлар. Ҳазрат Алининг Сиффин воқеасидан олдинги ҳолатини маъқуллаб, Сиффин воқеасидан кейинги ҳолатини қоралаганлар. Зубайр ва Талҳани кофирга чиқарганлар ҳамда Оиша ҳақида ҳам ёмон фикр билдирганлар. Абдуллоҳ ибн Зубайр уларнинг мазкур саволларига саҳобаларни чиройли шаклда Ҳимоя қилиб адолатли жавоб қайтарган.

3. Азорика, суфурия ва ибодия фирқаларининг ақидавий қарашлари.

Азорика фирқаси Абу Рашид ибн ал-Азрақнинг издошлари бўлиб, у ўзининг ўттиз мингдан ортиқ отлик издошлари билан Аҳвоз, Форис ва Кирмон ҳудудларини қўлга киритган ва бу минтақалардаги Абдуллоҳ ибн Зубайр волийлари устидан ғалаба қозонган. Умавийлар давлатининг машхур қўмондонларидан Муҳаллаб ибн Аби Суфра уларга ган. Хорижийлар Усмон ўлжани уларга текинга берган, чунки Ҳакам Усмоннинг амакиси бўлган, деб даъво қилганлар.

қарши ўн тўққиз йил курашиб ниҳоят улар устидан ғалаба қозонган. Азориқа фирқаси ақидавий фикр ва ҳукмларда ҳаддан ошган эдилар, яъни улар ўзларига муҳолиф барча мусулмонларни мушрик ҳисоблаганлар. Шунингдек, ўзларининг даъватларига шошилайдиган ва уларнинг мазҳабини қўллаб-қувватлайдиган мўминнинг ҳамда унинг фарзандлари, аёлларининг қонини тўқишни ҳалоо деб эътиқод қилганлар. Ҳазрат Алини кофирга чиқарганлар ва унинг қотили Абдирахмон ибн Мулжамни улуғ шаҳид деб эътироф қилганлар.

Азориқа фирқаси ўз даврида нафақат умумий жамиятга, балки Исломи динининг ўзига ҳам хатарли ҳисобланган. Чунки улар ўзларидан бошқа барча мусулмонларга кенг қўламада адоватда бўлганлар ва бошқа барча мусулмонларни кофирга чиқарганлар. Шунингдек, улар бошқа мусулмонлар билан бирга намоз ўқишни ҳаром ҳисоблаганлар, улар билан қуанда бўлишни ва сўйган жонлиқларининг гўштини ейишни ҳаром деб билганлар. Бошқа мусулмонлар яшаётган диёрларни куфр диёри деб эътироф этганлар.

Мушрикларнинг вафот этган сағир ёш болаларини ҳамда катта гуноҳ қилган мўминларни дўзахда абадий қолади деб эътиқод қилганлар.

Суфурия фирқаси Зиёд ибн Асфарнинг издошлари бўлиб, улар азориқага қараганда бир мунча мўътадиликка мойил бўлганлар. Улар ўзлари билан бирга жангга чиқмаган кишиларни кофирга чиқармаганлар, ражмни соқит қилмаганлар. Мушрикларнинг ёш болаларини кофир деб ҳисобламаганлар ҳамда уларни дўзахда бўлади деб ҳукм қилмаганлар. Шунингдек, гуноҳи кабира қилган мўмин ҳам уларнинг эътиқоди бўйича осий (гуноҳкор) бўлиб, кофир ҳисобланмаган.

Ибодия фирқаси вакиллари ҳозирги кунда Уммон салтанати, Ливиянинг жануби, Африканинг шимолида ва Занжибор ўлкаларида истиқомат қиладидар. Ибодия

фирқаси қолган хорижий фирқаларига нисбатан энг мўътадил ҳисобланади, ҳатто улар биз ҳам бошқа ҳанафий, шофий, моликий ва ҳанбалий фикҳий мазҳаблари каби алоҳида фикҳий мазҳабда эканликларини даъво қиладилар.

Уларнинг таъкидлашича, халифани қурайшлик бўлишини инкор этганлари учун уларни “хорижий” деб номлайдилар. Ибодия мазҳаби II/VIII асрнинг биринчи ярмида Африкага кириб борди ва ўша ерда яшовчи Барбар халқлари ўртасида кенг тарқалиб, уларнинг расмий мазҳабига айланди. Ибодийлар Африканинг шимолида 130 йил мустақил ҳукмронлик қилган.

Ибодийларнинг эътиқоди аксарият масалаларда аҳли сунна вал жамоа билан иттифоқда бўлган ва оз масалаларда улар билан ихтилофли бўлган. Улар ҳам аҳли сунна вал жамоа каби Қуръон ва ҳадисни диний илмларнинг масдари сифатида эътироф қиладилар. Лекин аҳли сунна вал жамоа “ижмоъ” ва “қиёс”ни олса, улар “рай”га эътибор қаратадилар. Ибодийлар билан суннийлар ўртасидаги энг катта хилоф, бу – уларнинг Аллоҳ тўғрисидаги “мутлақ танзеҳ” деган сўзларидир. Шунинг натижасида улар Аллоҳни дунёда ҳам, охиратда ҳам кўриб бўлмайди, деб эътиқод қиладилар. Уларнинг эътиқоди бўйича, ваъд билан ваъд бири биридан орқада қолмайди, яъни Аллоҳнинг ваъди ваъдасидан орқада қолмайди: Ким дўзахга кирса, у ерда абадий қолади. Гуноҳқорни эса унинг қилган тавбаси поклаши мумкин, саодатли (бахтли) киши дўзахга кирмайди.

Ўз навбатида, ибодийлар ҳам ҳафсия, ҳорисия ва язидия каби гуруҳларга бўлиниб кетган. Язидия фирқасининг бошлиғи Язид ибн Унайса, “Аллоҳ тез кунда ажамлардан бир расул юборади, унга бир самовий китобни бирданига нозил қилади ва у собийлар миллатида бўлади, деган эътиқодни даъво қилган. Лекин язидия гуруҳининг ушбу ботил ақидалари ибодийларнинг умумий мўътадиллигига таъсир кўрсатмайди.

Ибодийлар, Расулуллоҳ(с.а.в.)дан кейин Абу Бакр ва Умар ибн Хаттобдан ўрнак олинади, деб таъкидлаганлар. Усмон ибн Аффонни хуш кўрмаганлар ва уни бидъатчи деб атаганлар. Ўз навбатида, улар Ҳазрат Алини лаънатламайдилар ва унинг таъжимни қабул қилганлигини инкор қиладилар ва таъжимни қабул қилиши билан байъати ботил бўлиши мумкин эди, деб ҳисоблаганлар. Ибодийлар ўзларидан бошқа мусулмонларга азориқалар каби очиқча адоватда бўлмаганлар, яъни улар бошқа мусулмонлар яшайдиган диёрни ҳам Ислом диёри деб тан олганлар ва улар билан қуда-анда бўлишни ва мерос олиб мерос беришни мубоҳ ҳисоблаганлар.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Хорижия фирқаси нима учун шундай номланган?
2. Хорижия фирқаси нечта гурҳга бўлинган?
3. Хорижийларнинг хулафои рошидинлар ҳақидаги фикрлари қандай бўлган?
4. Ҳозирги кунда хорижийларнинг фирқалари мавжудми?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бағдодий Абдулқоҳир Абу Мансур ибн Тоҳир. Китоб ал-фарқ байнал фирқ / Муҳаммад Бадр нашрга тайёрлаган. - Қоҳира: 1910. – 452 б.
2. Доктор Мустафо Шакъа. Ислом била мазаҳиб. – Қоҳира: ад-Дор ал-Мисрия ал-Лубнания, 1989. – 537 б.
3. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. М., ИФВЛ, 2004.
4. Хрестоматия по исламу. Сост. И отв. Редактор С.М.Прозоров. М., ИФВЛ, 1994 (Раздел IV. Догматика. Идеиные расхождение в исламе).
5. Шаҳристоний, Абул Фатҳ. Ал-Милал ван ниҳал: 2 жилдли / Муҳаммад Абдулқодир ал-Фозилий нашри. – Дамашқ: ал-Мактаба ал-асрия, 2000. – 478 б.
6. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

4-МАВЗУ. МУЪТАЗИЛИЯ ТАЪЛИМОТИ ТАРИХИ

Режа:

1. Муътазилия таълимотининг юзага келиши (Восил ибн Ато ақидаси).
2. Муътазилия таълимотининг бешта асоси. «Миҳна» ҳаракатининг фаолияти.
3. Муътазилия таълимотида пайдо бўлган оқимлар.

Таянч иборалар: муътазилия, ал-манзила байнал манзилатайн, адл, калом, тавҳид, ал-усул ал-хамса, ал-ваъд вал ваийд, миҳна

1. Муътазилия таълимотининг юзага келиши (Восил ибн Ато ақидаси).

Муътазилия таълимоти вакиллариининг ақидавий қарашлари натижасида ушбу илм «калом» деб ном олган. Шунингдек, калом илмида биринчи йирик йўналиш ҳам муътазилия таълимоти ҳисобланади. Муътазилиянинг тарихи Ҳасан Басрийнинг собиқ шогирдларидан бўлган Восил ибн Ато ва Амр ибн Убайдга бориб тақалади. Муътазилийлар Дамашқ ва Бағдод халифалиги ҳаётида VII-IX асрларда муҳим ўрин тутганлар. Ҳасан Басрий (ваф. 728 й.) даврасидан шогирдлари Восил ибн Ато (ваф. 748 й.) ва Амр ибн Убайд (ваф. 761 й.) ўзларининг «ал-манзила байнал манзилатайн» («икки манзил орасидаги бир манзил») мавзуидаги ақидалари билан ажралиб чиқадлар ва «муътазила» («ажралганлар») номини оладилар.

Ривоят қилинишича, улавий халифа Ҳишом ибн Абдулмалик даврида Шайх Ҳасан Басрий ҳузурига бир одам келиб: «Эй динимизнинг пешвоси, замонамизда бир жамоа пайдо бўлдики, улар гуноҳи кабира қилувчиларни кофир ҳисоблайдилар. Яна бир жамоа эса, кофирга тоат фойда

қилмаганидек, мўминга ҳам гуноҳ зарар қилмайди, дейдилар. Улар ҳақида сиз нима дейсиз?», – деб сўради. Ҳасан Басрий фикрга чўмиб, жавоб беришга улгурмай Восил ибн Ато ўрнидан туриб, масжид устунига суяниб деди: «Мен гуноҳи кабира қилганни мутлақ мўмин демайман, мутлақ кофир ҳам эмас, икковининг ўртасидаги манзилдадир. Мўминлик мақтов исмдир, фосиқ эса мақтовга лойиқ эмас, демак бундай одам мўмин бўлолмайди. Уни кофир ҳам деб бўлмайди, чунки у шаҳодат калимасини айтган. Агар тавба қилмай ўлса, абадий дўзахга тушади, чунки охиратда фақат икки тоифалар: жаннатга тушувчилар ва дўзахга тушувчиларгина бўлади. Лекин фосиқнинг азоби кофирнинг азобидан енгилроқ бўлади», – деб жавоб беради. Ҳасан Басрий: «Восил бизлардан ажради», – деди. Шундан буён бу тоифа «муътазила» деб ном олган.

Муътазилийларнинг ўзлари ҳам доим бир-бирлари билан мубоҳасада, ихтилофда бўлувчи бир неча гуруҳларга бўлинган эдилар. Уларнинг энг катта ва кучлиси Бағдод ва Басра мактаблари эди. Бағдод мактаби бошида Бишр ибн Муътамар, Басра мактаби бошида эса Восил ибн Ато турарди. Мазкур икки мактаб вакиллари орасида кучли баҳслар бўлган. Бу икки мактаб ўртасидаги тортишувларни муътазилия олими Абу Рашид Найсабурийнинг (ваф. 1024 й.) «ал-Масоил фил хилоф байнал басрийин вал бағдодийин» («Басралик ва бағдодлик муътазилийлар ўртасидаги ихтилофли масалалар»). 1979 йил Байрутда нашр эттирилган) номли китобида яққол кўриш мумкин.

Муътазилийлар умавийлар давлатига муҳолиф бўлиб фаолият олиб борганлар. Шиалардан бўлган зайдийларга хайрихоҳликлари туфайли аббосийлар ҳам уларга дастлаб салбий муносабатда бўлдилар. Айниқса, Хорун ар-Рашид даврида улар қаттиқ таъқиб остига олинади. Лекин Маъмун ва ундан кейинги икки халифа Муътасим ва Восиқ даврларида (813-847) аҳвол бутунлай ўзгариб, улар аббосийларнинг суюкли пешволарига айланадилар ва ҳатто баъзи йирик давлат

мансабларига ҳам сазовор бўладилар. Чунки халифа Маъмун ҳам ёшлигидан муътазилийларнинг обрўли олими Абул Ҳузайл Аллофдан сабоқ олган эди. Халифа Маъмун даврида муътазилийлар жуда катта кучга эга бўладилар. Ҳокимиятнинг катта лавозимларини ҳам эгаллаганлар. Улар «Миҳна» деган уюшма ташкил қилиб, ўзларининг ақидаларига эргашмаган уламоларни қаттиқ таъқиб остига олганлар. Бу даврдаги энг устивор ақида, шубҳасиз «Қуръон махлуқдир» деган ақида эди. «Миҳна» ҳаракатининг илғор вакилларида бири Аҳмад ибн Аби Дуад бу борада энг ашаддийлардан эди. Тарихдан унинг ҳанбалий мазҳаби имоми Аҳмад ибн Ҳанбални жазолатгани ҳақидаги хабарлар етиб келган. Лекин Мутаваккил ҳукмронлигида (847-861) улар яна таъқиб остига олинадилар. Бу даврда илғари «Қуръон махлуқдир» деган ақидаларини уламоларга мажбурлаб сингдиришда ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбални фитна билан Маъмун саройида дарра билан жазолатган Аҳмад ибн Аби Дуад ҳам қатл қилинган эди. Лекин X аср иккинчи ярми ва XI асрнинг биринчи ярмида муътазилия таълимоти яна ривожланиши кузатиш мумкин. Бу даврда асли шофий мазҳабида бўлган муътазилия олими Қозини Абдулжаббор (ваф. 1025 й.) мактаби ривожланди. XII-XIII асрларда эса муътазилийлар фикри Хоразмда ҳам кенг ёйилди.

2. Муътазилия таълимотининг бешта асоси.

«Миҳна» ҳаракатининг фаолияти.

Муътазилийлар ҳокимият масаласида халифа бўлиш лозимлигини уқтирдилар. Илк муътазилийлар халифа қурайшлик бўлиши шарт эмас, деб ҳисоблаганлар, аммо кейинги даврлардаги айрим муътазилийлар эса халифаликка қурайшликдан бошқа киши лойиқ эмас, деб уқтирганлар. Уларнинг фикрича, имом илоҳий кўрсатма бўйича ҳокимият тепасига келмайди, балки у ижтимоий, этник келиб чиқишидан қатъи назар, мусулмон жамоасидан сайланиши лозим.

Улар «аддийун», «адлия», «аҳд ал-адл», «аҳд ал-адл ват тавҳид» каби номлар билан аталганлар. Уларнинг бундай

номланишига беш асосий тамойилларининг дастлабки иккитаси сабаб бўлган. Муътазилиянинг машҳур олимларидан Абул Ҳузайл Аллоф (ваф. 841 ёки 849 й.) «ал-Усул ал-хамса» (“Бешта усул”) номли асар ёзиб муътазилия таълимотининг асосини бешта тамойилга бўлиб чиққан. Унинг ушбу асари муътазилийлар орасида шу қадар машҳур бўлганки, ҳатто улар бир-бирларининг қанчалик катта илмга эга эканликларини ушбу асарни қай даражада билишлари орқали баҳолаганлар. Муътазилиянинг беш асосий тамойили куйидагилардир:

1. «Адл» (*Аллоҳнинг адолати*) – илоҳий адолат инсоннинг ирода эркинлигини тақазо этади. Аллоҳ фақат яхшилик (ал-аслах) ижодкори бўлиб, у инсон умри давомида қилишини белгилаб қўйган нарсалар тартиби бузилишига йўл қўймайди, яъни Аллоҳ фақат яхши амалларни яратган;

2. «Тавҳид» (*Аллоҳнинг ягоналиги*) Аллоҳнинг оламда танҳолигини эътироф этиш, кўпхудолик ва антропоморфизм, яъни Аллоҳни одам қиёфасида тасаввур қилишни инкор этиш. Бунда улар мужассима ва мушаббихаларга қарши турганлар. Шунингдек, Аллоҳнинг сифатларини қадимийлигини инкор этганлар. Уларнинг эътироф этишича, агар Аллоҳнинг сифатлари ўзи билан азалий бўлса, «тавҳид» йўқ бўлиб қолади;

3. «ал-Ваъд вал вайд» (*мукофот ва жазо*) – муътазилийлар билан бирга хаворижлар эътироф этган бу қоидага кўра, Аллоҳ мўминларга жаннат ва кофирларга дўзах ваъда қилган бўлса, ўз ваъдасида туриши лозим, яъни имон келтирган кишиларни жаннатга, куфрга сабаб бўлувчи ишларни қилган кишиларни дўзахга киритиши керак. Бунда Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг шафоатлари-ю, Аллоҳнинг «Раҳмон», «Раҳим» сифатлари ҳам ёрдам бермаслиги керак. Чунки инсон ўз хатти-ҳаракати учун тўлиқ жавоб бериши лозим. Бунда улар осий, яъни гуноҳкор мусулмоннинг шафоат билан жаннатга киришини инкор этадилар. Уларнинг фикрича, агар осий мусулмон ҳам, итоаткор мусулмон ҳам бирга жаннатга кирса Аллоҳнинг адолати йўқ бўлиб қолади;

4. «ал-Манзила байнал манзилатайн» – гуноҳи кабира қилган мусулмон мўминлар қаторидан чиқарилади (муржийлар фикрига карши), лекин кофир бўлиб қолмайди (хаворижлар ақидасига мувофиқ), балки оралиқ ҳаётда бўлади. Бу тамойил юқорида таъкидлаб ўтилганидек, биринчи муътазиллийларнинг Ҳасан Басрий даврасидан ажралишига сабаб бўлган эди. Ҳасан Басрийнинг фикрига кўра, ундай мусулмонлар мунофиқ ҳисобланган;

5. «ал-Амр бил маъруф ван наҳий анил мункар» (*Яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш*) – барча воситалар билан, яъни зўрлик қилиб, «қилич билан» бўлса ҳам бу ҳукм бажарилиши лозим, деб ҳисоблаганлар. Улар «ал-амр бил маъруф» деганда ўзларининг эътиқодий қарашларини сингдиришни, «ан-Наҳий анил мункар» деганда ўз эътиқодий қарашларидан бош тортганларни мажбурлашни назарда тутганлар.

Шунингдек, муътазиллийлар Аллоҳнинг қазо ва қадарини инкор этиб: «Инсон ўз тақдирини ўзи яратади», деганлари учун «қадарийлар» деб ҳам номланган. Лекин улар ўзларига берилган «қадарий» номини инкор этганлар.

Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, «хайр» ва «шарр»нинг (яхшилик ва ёмонлик) холиқи аслида Аллоҳдир. Муътазиллийлар фикрича, Аллоҳ «шарр»ни (ёмонликни) тақдир қилмаган ва у билан ҳукм ҳам этмаган. Агар ёмонлик билан ҳукм этса-ю, кейин азоб берса, Аллоҳ ўз бандасига зулм қилган бўлади, деган ақидани илгари сурганлар.

Муътазиллийлар ислом уламолари томонидан ашъария ва мотуридиядан фарқли равишда диний-ақидавий қарашларни белгилашда нақдий далиллар, яъни Қуръон ва суннани эмас, балки ақлий далилларни биринчи ўринга қўйишда айбланадилар. Ақидавий масалаларни ечишда ақл ва фикрни асосий манба қилиб олиб, унга тўғри келмаса, ҳатто оят ва ҳадисларни инобатга олмай, балки уларни ақлга бўйсундирмоқчи бўлганлар. Шунинг учун муҳаддис уламолар,

мотуридия ва ашъария вакиллари муътазилия таълимотини танқид қилганлар.

Муътазилия таълимоти аббосийлар даврида кескин ривожланиши натижасида ушбу таълимот вакиллари катта лавозимларни эгаллаганлар. Натижада ушбу таълимотнинг ҳар қандай ақидавий қарашлари ўша даврдаги уламоларга мажбуран сингдирилар эди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, муътазилийлар ўзларига муҳолиф бўлган уламоларга қарши курашиш мақсадида «Миҳна» номли ҳаракат ташкил этадилар. Ушбу ҳаракат уларнинг «Қуръон махлуқдир» деган ақидаларига қарши турган барча олимларга қарши курашиш мақсадида юзага келган эди. Аббосий халифалардан Маъмун, Муътасим ва Восиқлар даврида ушбу ҳаракат ўзининг қаттиқ сиёсатини олиб борган. Натижада кўплаб маҳаллий уламолар тазйиққа учраган. Ушбу ҳаракатнинг пешқадамларидан халифаликда «Қози ал-қузот» мақомига эга бўлган Аҳмад ибн Аби Дуад, мисрлик қози Муҳаммад ибн Абил Лайсни мисол келтириш мумкин. Ушбу кишилар асосан Муътасим ва Восиқ халифалиги давларида фаолият олиб борганлар.

Халифа Восиқ ҳукумат тепасига келгач, «Миҳна» ҳаракати янада жонланиб кетди. Халифа Восиқ Муҳаммад ибн Абил Лайсга Бағдоддаги барча кўзга кўринган уламоларни имтиҳон қилишга ва «Қуръон махлуқдир» деган ақидани тан олмаган олимларни маъмурий жазога тортишга буюради. Муътазилийларнинг шу тариқа ўз диний қарашларини мажбуран сингдириш сиёсати натижасида Бағдодда «Миҳна» таркибига кирмаган на муҳаддис, на муаззин ва на муаллиф қолмайди. Ушбу ақидани тан олмаган уламолар ҳибсга олинган. Ҳатто, Муҳаммад ибн Абил Лайс Бағдоддаги барча масжидларнинг пештоқ ва меҳроблари устига «Ла илаҳа иллаллоҳ роббил Қуръанил махлуқ» (*маъноси: яратилган Қуръоннинг роббиси бўлмиш Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир*) деб ёзиб қўйишга буюрган.

«Миҳна» ҳаракати билан боғлиқ сиёсат натижасида муҳаддис олим Аҳмад ибн Ҳанбал қаттиқ азият чеккан. Ўз

даврининг машхур фақиҳи ва муҳаддиси ҳисобланган ушбу олим аввал уй қамоғида бўлган сўнгра зиндонга маҳкум қилинган эди. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг бундай жазога ҳукм этилишида Аҳмад ибн Аби Дуаднинг ўрни катта бўлган.

849 йил ҳукумат тепасига Халифа Мутаваккил келгач «Миҳна» ҳаракати тугатилган ва ҳаракат тепасида турган муътазилийлар жазога тортилган. Шундай қилиб, Мутаваккил халифалиги давридан бошлаб муътазилия таълимотининг ривожини сусайиб боради. Бунда албатта, IX-X асрларда фаолият олиб борган мовароуннаҳрлик Абу Мансур Мотуридий ва басралик Абул Ҳасан Ашъарийнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Муътазилия таълимоти ўзининг қуйидаги ақидавий қарашлари билан аҳли сунна вал жамоа эътиқодидан ажралиб турган:

– Аллоҳнинг исми ва сифатлари азалий эмас, улар ҳеч қандай маъно ва мазмунга эга эмас. Аллоҳнинг исми билан сифатлари бир нарса;

– Аллоҳни бу дунёда ҳам, охирада ҳам кўриш мумкин эмас;

– Қуръон махлуқдир. У азалий эмасдир;

– банданинг фойдасини кўзлаб иш қилиш Аллоҳнинг зиммасига вожиб. Банданинг қудрати ва тоқати Аллоҳга боғлиқ эмас. Уларнинг фикрича, феълларни банданинг ўзи яратади;

– қата этилган ёки ҳалокат туфайли вафот этган банда ажалидан олдин ўлган ҳисобланади;

– ҳалол лўқма банданинг ўз ризқидир, лекин ҳаром лўқма эса аслида унинг ҳақиқий ризқи эмас;

– Аллоҳнинг иродаси ҳодисдир, қадим эмас;

– Аллоҳ фақат яхшиликни (аслаҳ) ирода қилади, ёмонлик эса унинг иродасидан ташқаридадир;

– амаллар имоннинг таркибига киради ва амаллар имоннинг асосий рукнидир;

– банданинг имони унинг амалларига қараб қамайиб ва кўпайиб туради;

– гуноҳи кабира қилган мусулмон имон билан куфр ўртасида қолади;

– гуноҳи кабира қилган мўминлар дўзахда абадий қоладилар;

– шафоат фақат яхши одамларга нисбатан қилинур. Гуноҳларни ҳеч ким шафоат эта олмас;

– жаннат билан дўзах ҳали яратилмаган. Чунки Аллоҳ дўзах аҳллари ва жаннат аҳллари сонини қиёматгача аниқ билмайди;

– қабрдаги азоб ёки роҳат, қиёмат тарозуси, Сирот кўприги, Кавсар ҳовузи кабилар аслида йўқ тушунча;

– авлиёларнинг каромати бўлмаган нарса. Чунки уларнинг каромати пайғамбарлар мўъжизалари билан бир хил бўлиб қолади;

– муқаллид (бошқаларга тақлидан мўмин бўлган одам, масалан, ота-онаси мўмин бўлгани учун ўзини мўмин ҳисоблаган киши)нинг имони қабул қилинмайди.

3. Муътазилия таълимотида пайдо бўлган оқимлар.

Муътазилия таълимоти ўзининг фаолияти давомида бир қанча олимларининг ўзаро тортишувлари натижасида турли оқимларга ҳам ажралишга улгурган эди. Бунда асосан, юқорида таъкидлаб ўтилган Басра ва Бағдод мактаби вакиллариининг «хизмат»лари катта бўлган. Абул Фатҳ Шаҳристоний «ал-Милал ван ниҳал» («Динлар ва диний фирқалар») асарида муътазилия таълимотини бир қанча оқимларга бўлиниб кетганини эътироф этган.

1. Восилия. Ушбу оқим вакиллари Абу Ҳузайфа Восил ибн Ато ал-Ғаззол Алсаънинг тарафдорларидир (*Абу Ҳузайфа Восил ибн Ато ал-Ғаззол Бани Зоббана ёки Бани Маҳзумнинг мавлоларидандир. У муътазилиянинг дастлабки вакили бўлган. Унинг «Алсаъ» деб аталишига сабаб, у араб тилидаги «ро» товушинини «гайн» қилиб талаффуз қилган. Ғаззол*

номини эса, Басрадаги ип сотувчилар бозорига кўп борганидан олган). Унинг фикрий қарашлари тарафдорлари «восилия» деб аталган. Восилия тарафдорлари асосан «ал-манзила байнал манзилатайн» ақидасини қўллаб-қувватлаганлар¹¹. Шунингдек, Восил ибн Атонинг эътиқодига кўра, жамал ва сиффин жангларида иштирок этган икки томоннинг бири аниқ хато қилган. Лекин қайси томон хато қилгани Аллоҳга аёндыр. Унинг таъкидлашича, икки томоннинг бири фосиқдыр. Икки томоннинг ҳам шаҳодати қабул қилинмайди.

2. Ҳузайлия. Абул Ҳузайл Аллоф Ҳамадон ибн Ҳузайл Аллофнинг (ваф. 841 ёки 849 й.) тарафдорларидир. У муътазилиянинг машхур шайхи бўлган. У муътазилия таълимотини Восил ибн Атонинг шоғирди Усмон ибн Холид Товилдан ўрганган. Ҳузайлия тарафдорларининг ақидасига кўра, Аллоҳ ўз илми билан Олимдыр. Илми эса унинг зотидир. Қудрати билан Қодирдыр. Қудрати эса унинг зотидир. Ҳаёт билан тирикдыр. Ҳаёти эса, яъни тириклиги унинг зотидир. Ҳузайлия ушбу ақидани файласуфлардан ўзлаштирган. Шунингдек, уларнинг таъкидлашича, охиратда жаннат ёки дўзахда абадий қоладиганларнинг ҳаракати бўлмайди. Барчаси Аллоҳнинг махлуқи бўлади. Унда банданинг касби йўқ. Агар касби бўлса мукаллаф бўлиб қолади, охиратда эса таклиф¹² йўқ. Киши агар ўлдирилмаса, ўз вақтида ўлади. Агар қатл қилинса, ажалидан аввал ўлган бўлади.

3. Наззомия. Бу оқим вакиллари Иброҳим ибн Ясор ибн Ҳоний ан-Наззомнинг (ваф. 836 й.) тарафдорларидир. Иброҳим ибн Ясор ҳузайлия оқимининг асосчиси Абул Ҳузайлнинг жияни бўлган. У Жоҳизнинг муътазилиядаги устозларидан бири ҳисобланган. Кўп фалсафа китобларини ўқиган ва ундаги фикрларни муътазилия эътиқодига олиб

¹¹ Восил ибн Ато ушбу ақидаси туфайли устози Ҳасан Басрийнинг дарсидан хайдалгани ва «муътазилия» номи ҳам шундан сўнг пайдо бўлгани ҳақида юқорида тўхталиб ўтилган эди.

¹² Таклиф – Аллоҳ томонидан ўз бандасига юклатилган мажбурий вазифа (ибодат).

кирган. Наззомиянинг ақидасига кўра, Аллоҳ маъсият ва ёмонликларга қодир бўлиш билан сифатланмайди. Аллоҳ ундай нарсаларга қодир эмас¹³. Шунингдек, уларнинг таъкидлашича, бандалар феълларининг барчаси фақатгина ҳаракатлардир ва бошқа нарса эмасдир.

4. Хобития ва ҳадасия. Хобития вакиллари Аҳмад ибн Хобитнинг (ваф. 847 й.) издошларидир. Шунингдек, ҳадасия вакиллари Фазл ал-Ҳадасий (ваф. 871 й.) номли олимнинг издошларидир. Ушбу икки олим ҳам Наззомнинг назариясига эргашган. Хобития ва ҳадасияларнинг эр்தиқодларида таносух эр்தиқодига мувофиқ айрим фикрлар ҳам илгари сурилган. Шунингдек, уларнинг фикрича, бандалар қиёматда Аллоҳни кўзлари билан эмас, қалб ва ақл билан кўра оладилар.

5. Бишрия. Бишр ибн Мўътамарнинг (ваф. 825 й.) издошлари. У муътазилия уламоларининг пешқадамларидан бўлган. Унинг ақидавий қарашларига кўра, Аллоҳ гўдакни азоблашга қодир. Агар бу ишни қилса, золим бўлади. Лекин бу гапни Аллоҳ ҳақида айтишлик тўғри эмас. Агар Аллоҳ гўдакни азобласа, у гўдак балоғатга етган, ақлли ва гуноҳкор, жазога ҳақли бўлиб қолади. Ким-ки бир гуноҳи кабирадан тавба қилса-ю, сўнг яна унга қайтса, у аввалги гуноҳининг ҳам жазосини олади. Чунки унинг аввалги тавбаси гуноҳга қайтмаслик шарти билан қабул қилинган эди.

6. Муаммария. Муаммар ибн Ибод Суллабийнинг (ваф. 830 й.) тарафдорларидир. Унинг исми Абу Амр Муаммар ибн Ибод ас-Суллабий бўлиб, машҳур олим бўлган. Муаммария оқими қадарийларнинг энг каттаси бўлиб, Аллоҳнинг сифатларини ва қадарнинг яхшиси ва ёмони Аллоҳдан эканини инкор қилган.

7. Мардория. Бу оқимнинг асосчиси Абу Мусо таҳаллусини ва ал-Мардор лақабини олган Исо ибн Субайҳ ҳисобланади (ваф. 841 й.). Сўзга уста, кўп қисса айтувчи

¹³ Наззомиянинг бу ақидаси бошқа муътазилийлар фикрига хилофдир. Чунки улар, «Аллоҳ ёмонлик ва маъсиятларга қодир, лекин уни қилмайди. Чунки у ёмон ишдир» – деб таъкидлаганлар.

Исо ибн Субайх муътазилийларнинг пешқадам олимларидан бўлган. У Бишр ибн Муътамарнинг шогирди бўлган. Исо ибн Субайх зоҳид инсон болиб, «муътазилийларнинг роҳиби» деган лақабни олган. Мардориянинг қадар ҳақидаги фикрига кўра, Аллоҳ ёлгон гапириш, зулм қилишни тақдир қилган. Лекин у ёлгон гапирса (ўз ваъдасида турмаса) ёки зулм (тақводор билан осий мўминнинг баробар жаннатга киргизса) қилса, ёлгончи, золим илоҳ бўлиб қолади. Шунингдек, инсонлар аслида фасоҳат, балоғат ва назмда Қуръонга ўхшаш асарни яратишга қодирлар. Қуръон эса махлуқдир (яратилган). Кимки Қуръонни қадим деб ҳисобласа ва «бандаларнинг феълларини Аллоҳ яратади», деса, у диндан чиқади.

8. Сумомия. Ушбу оқимга Абу Муин Сумома ибн Ашрас ан-Нумайрий (ваф. 828 й.) асос солган. Муътазилиянинг обрўли уламоларидан ҳисобланган Сумома ибн Ашрас Жоҳизнинг устози бўлган ва Ҳорун ар-Рашиднинг саройида фаолият олиб борган. Сомомияларнинг эътиқодига кўра, фосиқ мўмин тавбасиз ҳолатда ўлса, дўзахда абадий қолади, ҳаётлик чоғида эса, икки манзилнинг ўртасида бўлади. Кофирлар, мушриклар, мажусийлар, яҳудийлар, насронийлар, зиндиқлар, даҳрийлар ва мўминларнинг сағир ўлган болалари қиёмат кунида худди ҳайвонлар, қушлар каби тупроққа айланиб кетади;

9. Ҳишомия. Ушбу оқимнинг асосчиси Ҳишом ибн Амр ал-Фувтий (ваф. 841 й.) ҳисобланиб, у муътазилия таълимотининг дастлабки вакилларида бўлган. Халифа Маъмун билан алоқаси яхши бўлган. У қазо ва қадар масалаларида бошқа муътазилийлардан кўра чуқур кетган. Ҳишом ибн Амр Аллоҳга феълларнинг нисбатини ишлатишни таъқиқлаган. Унинг таъкидлашича, Аллоҳ мўминлар қалблари орасини улфат қилмайди, балки улар ўз ихтиёрлари билан улфат бўладилар. Аллоҳ мўминларга имонни севдирмайди ва қалбларида зийнатли қилиб кўрсатмайди. Подшоҳлик (имомат) фитна кунларида, инсонлар бир-бирлари билан ихтилоф қилган кунларда ҳақиқий ҳисобланмайди, балки

ҳамма бир-бири билан бир фикрли бўлгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Яна унинг таъкидлашича, жаннат ва дўзах ҳануз яратилган эмас. Чунки айни дамда жаннат ўз аҳллари ундан фойдаланишидан (роҳатланишидан), дўзах эса ўз аҳллари ундан зарарланишдан (азобланишдан) ҳолидир. Шунинг учун уларнинг мавжуд бўлишидан ҳеч қандай манфаат йўқдир. Яна унинг этиқодига кўра, «Аллоҳ кофирни яратади» деб айтиш мумкин эмас. Чунки кофир одам асида куфр ва инсондан иборат. Аллоҳ эса куфрни яратмайди.

10. Жоҳизия. Бу фирқага Абу Усмон ибн Баҳр ибн Маҳбуб ал-Каноний ал-Лайсий ал-Жоҳизнинг асос солган (ваф. 840 й.). У Басрада яшаган ва муътазиллийлар орасида дастлабки асар ёзган олимларидан ҳисобланган. Унинг асарлари орасида «ал-Баён ват табйин» («Баён ва тушунтириш») ва «ал-Ҳайвон» («Ҳайвон зоти») каби асарлари машҳур бўлган. У фалсафага оид китобларни кўп ўқиган ва уларни баҳолат билан тавсифлаб, гўзал кўринишда ифодаб берган. Жоҳиз халифа Мўътасим ва Мутаваккил замонларида яшаган. Унинг ақидасига кўра, дўзах аҳли абадий азобда қолмайди, балки улар ҳам олов табиатига айланиб кетадилар. Дўзах, биров унга кирмасда ўзига тортиб олади. У ҳам бошқа муътазиллийлар каби барча сифатларни инкор этади. Унинг этиқодига кўра, қадарнинг яхшиси ва ёмони ҳам бандадан бўлади.

11. Ҳаййотия ва каъбия. Бу оқим Абул Қосим ибн Муҳаммад Каъбийнинг устози Абул Ҳусайн ибн Абу Амр ал-Ҳаййотнинг (ваф. 913 й.) ақидавий қарашлари натижасида пайдо бўлган. Унинг тўлиқ исми Абул Ҳусайн Абдураҳим ибн Муҳаммад ибн Усмон ибн ал-Ҳаййотдир. У муҳаддис, фақиҳ ва мутакаллим бўлган.

Каъбийнинг тўлиқ исми эса, Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Балхий Каъбий (ваф. 931 й.) бўлиб муътазилия шайхларидан бўлган. Бу икки олим муътазилиянинг Бағдод мактаби вакилларида бўлган. Уларнинг ақидасига кўра, Аллоҳнинг иродаси ўз зотида қоим

бўлган сифат эмас ва Аллоҳ ўз зотини ирода қилмайди. Унинг иродаси бирор-бир нарсанинг ичида пайдо бўлувчи эмас. Агар Аллоҳга нисбатан, «у ирода қилувчидир», дейилса, Аллоҳ олим, қодир, бирор ишга мажбурланувчи ҳам ва мажбурловчи ҳам эмас, деган маъно пайдо бўлади. Агар Аллоҳга нисбатан феълларини ирода қилувчи дейилса, у феълларни илмига мувофиқ ҳолда яратувчидир, деган маъно ҳосил бўлади. Агар Аллоҳ, «бандаларнинг феълини ирода қилувчидир», дейилса, у ишларга буюрувчи ва уларга рози бўлувчи, деган маъно ҳосил бўлади. Аллоҳни эшитувчи ва кўрувчи дейилганда ҳам худди шундай бўлади. Яъни, эшитувчи асида эшитадиган нарсани билувчидир. Кўрувчи эса, кўрадиган нарсаларни билувчидир.

12. Жуббоия ва баҳшамия. Бу икки оқим Абу Али Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Жуббой (ваф. 915 й.) ва унинг ўғли Абу Ҳошим Абдусаломнинг (ваф. 933 й.) номлари билан боғлиқ. Бу икки олим муътазилия таълимотининг Басра мактаби вакиллари бўлган. Жуббой муътазилия таълимотининг машҳур олимларидан бўлган. Унинг Жуббой куняси Басрадаги Жуббо номи қишлоққа тааллуқли. Бу икки олим ҳам бир қанча масалаларда бошқа муътазилийлардан ажралиб турган ва ўзаро ҳам айрим фикрларда ихтилофда бўлган. Уларнинг эътиқодларига кўра, Аллоҳни қиёмат кунда кўзлар билан кўриб бўлмайди. Маърифат, неъмат берувчига шукр қилишлик ва яхши билан ёмонни ажрата олишлик ақл орқали намоён бўлади. Жуббоиянинг ушбу фикрига кўра ақлий-шариат мавжуд бўлган. Ушбу оқим бошқа муътазилийлар каби, «ким гуноҳи кабира қилса, у фосиқ бўлиб, мўмин билан куфр ўртасида бўлади, агар гуноҳига тавба қилмай ўлса, дўзахда абадий қолади», деб таъкидлаган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, муътазилия таълимоти вакиллари ўзларининг рационалистик қарашлари билан ҳам ўзаро ғоявий тортишувда ва ихтилофда бўлганлар. Улар ўзларининг ақидавий фикрларини баён этишда асосан фалсафий мушоҳада ва мангикқа суянган ҳолда фаолият олиб борганлар. Табиийки,

муътазилийларнинг бундай фаолиятлари тарихда аҳли сунна вал жамоа уламолари томонидан кескин танқидга учраган.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Муътазилия таълимоти қачон ривожланган ва унинг асосчиси ким?
2. Муътазилия таълимотининг нечта асоси бўлган ва уни ким тузган?
3. «Михна» ҳаракатининг пешқадамларига қайси шахсларни мисол келтириш мумкин?
4. Муътазилия таълимоти ичида нечта оқим пайдо бўлган?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Доктор Мустафо Шакъа. Ислоом била мазаҳиб. – Қоҳира: ад-Дор ал-Мисрия ал-Лубнания, 1989. – 537 б.
2. Муҳаммад ибн Абдирахмон ал-Ҳомиш. Усул ад-дин индаал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёда: Дор ас-самий, 2007. – 699 б.
3. Оқилов С. Калом илми / Ўқув қўлланма. – Т.: «Тошкент ислом университети», нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 160 б.
4. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. М., ИФВА, 2004.
5. Хрестоматия по исламу. Сост. Иотв. Редактор С.М.Прозоров. М., ИФВА, 1994 (Раздел IV. Догматика. Идеиные расхождение в исламе).
6. Шахристоний, Абул Фатҳ. Ал-Милаал ван ниҳал: 2 жиддди / Муҳаммад Абдулқодир ал-Фозилий нашри. – Дамашқ: ал-Мактаба ал-асрия, 2000. – 478 б.

5-МАВЗУ. АБУ ҲАНИФА АҚИДАСИ ВА “АЛ-ФИҚҲ АЛ-АКБАР” РИСОЛАСИ

Режа:

1. Абу Ҳанифанинг ҳаёти, мартабаси ва ҳукм олишда тутган йўли
2. Абу Ҳанифанинг илмий мероси ва “ал-Фикҳ ал-акбар” рисоласининг шарҳлари
3. Муржийлар ва Абу Ҳанифа ўртасидаги ихтилофлар
4. Абу Ҳанифа ақидасида “имон” масаласининг акс этиши

Таянч иборалар: Аҳли сунна, муржиийлар, имон, имон шартлари, катта гуноҳ, ҳанафия ақидаси

1. Абу Ҳанифанинг ҳаёти, мартабаси ва ҳукм олишда тутган йўли.

Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит ибн Зутий (80/699-150/767) Куфа шаҳрида таваллуд топган. У сунний фикҳий тўрт мазҳаб асосчилари орасида энг аввал туғилган. Ёшлигида Куръонни тўлиқ ёд олган. Абу Ҳанифа рамазон ойида Куръонни ўттиз марта хатм қилишни одат қилган эди. Ўн олти ёшида отаси билан ҳаж сафарига борган. Абу Ҳанифанинг отаси Ҳазрат Али билан учрашган ва ўзига ҳамда зурриётига барака тилаб, унинг дуоларини олган эди. У кишининг тобеин бўлгани ва саҳобалардан Анас ибн Моликни кўргани аниқ далиллар асосида исботланган. Шунингдек, Абдуллоҳ ибн Аби Авфо, Абу Умома, Ибн Аббос каби саҳобалар билан мулоқотда бўлгани ҳақида ҳам манбаларда зикр этилган.

Абу Ҳанифанинг тобеинлардан илм олгани ҳақида ҳеч қандай шубҳа йўқ. У киши жуда кўп устозлардан илм ўрганган. Шулардан баъзилари қуйидагилар:

1. Шаббий. Асарга кўп этибор берар эди.
2. Икрима. У киши ибн Аббоснинг шогирди эди.

3. Нофeъ. У киши Ибн Умарнинг шогирди эди.

4. Ато ибн Аби Рабоъ. Ибн Аббоснинг илми ўша кишида эди.

5. Ҳаммод ибн Сулаймон. Абу Ҳанифа у кишидан фикҳ илмини тўлиқ эгаллаган. Имом Аъзам ўн саккиз йил давомида, то вафот этгунча ундан фикҳ илмидан сабоқ олган.

6. Зайд ибн Али ибн Ҳусайн Зайнулобидин. У ўз даврида қироат илми ва Қуръон илмлари, фикҳ ва ақоид илмларида кўзга кўринган аллома бўлган. Абу Ҳанифа ундан икки йил дарс олган.

7. Жаъфар Содиқ. У Абу Ҳанифа билан тенгдош бўлган. Абу Ҳанифа Жаъфар ҳақида: “Аллоҳга қасамки, Жаъфар ибн Муҳаммад Содиқдек фақиҳни кўрмаганман», - деб унинг илмига юксак баҳо берган.

8. Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Ҳасан. Абу Ҳанифа бу кишига шогирд тушганини Маккий, Ибн Баззозий ва бошқа олимлар ўзларининг Маноқибларида таъкидлаганлар. Абдуллоҳ ибн Ҳасан ҳадис ва бошқа илмларда етакчи олимлардан ҳисобланган.

9. Муҳаммад Боқир ибн Зайнулобидин. Бу киши чуқур илмга эга бўлгани учун “Боқир” лақабини олган эди.

Ўз навбатида Абу Ҳанифанинг шогирдлари ҳам жуда кўп бўлган. Унинг энг машҳур шогирдлари қуйидагилар:

1. Яъқуб ибн Иброҳим ибн Ҳабиб Ансорий (Абу Юсуф куняси билан машҳур)

2. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний.

3. Абул Ҳузайл Зуфар ибн Ҳузайл ибн Қайс Куфий.

4. Ҳасан ибн Зиёд Луълуйй.

Шунингдек, Довуд Тоий, Асад ибн Амр, Нуҳ ал-Жомий каби фақиҳлар ҳам Абу Ҳанифанинг илмидан баҳра олган.

Устози Ҳаммод ибн Сулаймон вафот этганида Абу Ҳанифа қирқ ёшда эди. Натижанда Абу Ҳанифа ўз устозининг ҳалқадаги ўрнини эгаллаган. Унинг дарслари, илмий баҳслари, фикрлари бора-бора алоҳида фикҳий мазҳабга айланган.

Абу Ҳанифа ва унинг икки шогирди ботил эътиқодчиларга раддия бериш мақсадида ақида бўйича биринчилардан бўлиб баҳс олиб борганлар. “Маноқиб ал-Кардарий” асарида Холид ибн Зайд Умарийдан шундай ривоят қилинган: “Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Имом Муҳаммад, Зуфар ва Ҳаммод ибн Аби Ҳанифа инсонларга калом илми билан раддия берардилар, яъни ўз муҳолифларини мулзам қилардилар”. Имом Абу Абдуллоҳдан яна ривоят қилинган: “Имом Абу Ҳанифа ўз даврида бу умматнинг мутакаллим эди”.

Абу Ҳанифанинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган манбаларда унинг ўз илмига амал қилувчи олим, парҳезкор обид, тақводор зоҳид, Аллоҳга доимий илтижо қилувчи камтарин инсон сифатида таъриф берилган. Унинг илм ва тақвода тенгсиз эканини, ўз замонаси ва ундан кейинги давр уламоларининг эътироф этиши билан бир қаторда, аҳли сунна вал жамоа мазҳабларига кирувчи шофилик ва моликийлик мазҳабларининг асосчилари ҳам Имом Шофий ва Имом Молик унинг шахсига нисбатан ўзларининг юксак баҳоларини берганлар.

Жумладан Имом Шофий: “Фуқоҳоларнинг барчаси фикҳ борасида Абу Ҳанифага боқимандадилар”, деб эътироф этган. Имом Молик Абу Ҳанифа билан турли илмий мунозаралар хусусида баҳс қилганидан сўнг: “Албатта, у буюк фақиҳдир”, дея таъкидлаган.

Абу Ҳанифанинг шогирди Имом Абу Юсуф ўз устози ҳақида шундай деган эди: “Ҳадис ва ундаги фикҳга оид нуқталарни изоҳлаб беришда устозим Абу Ҳанифадан кўра олимроқ одамни учратмаганман”.

Машҳур фақиҳ Абу Заҳра ҳам Абу Ҳанифанинг илмий меросига шундай таъриф берган: “Абу Ҳанифанинг ижтиҳодлари ва ҳадисларни ўрганишда тутган йўли, у яшаган муҳитда кўп қиёс қилишга ва унинг тақозосига қараб қисмларга бўлишга сабаб бўлган. У илм доирасининг кенглиги туфайли, кўз ўнгида содир бўлаётган масалаларнигина баҳс қилиш билан чегараланиб қолмай, балки, келажакда воқеъ

бўлиши мумкин ва кутилаётган масалаларни ҳам назаридан четда қолдирган эмас”.

Аммо Абу Ҳанифани танқид остига олган муҳолифлар ҳам бўлган. Улар Абу Ҳанифа ҳақида, “у бошқа далилларни Қуръони карим ва суннати набавия кўрсатмаларидан устун қўяди”, деб даъво қилганлар. Абу Ҳанифа эса бундай муҳолифларга ўз вақтида раддия бериб, шариатнинг асосий манбаларидан ҳукм чиқариш бўйича ўз услубларини қуйидагича баён қилган: “Кимки, бизни Қуръон ва ҳадис таълимотларидан қиёсни устун қўяди деб айбласа, Аллоҳга қасамки, у ёлгончи ва тухматчидир. Қуръон ва ҳадис турган жойда ким ҳам қиёсга эҳтиёж сезади?! Биз қиёслаш услубини ўта зарур бўлгандагина тадбиқ этамиз. Бирор масала учун Қуръон ва ҳадисда далил топа олмаганимиздагина, уни бошқа далил-ҳужжати бор масала билан қиёслаймиз. Биринчи навбатда, далил ва ҳужжатни Қуръондан, сўнгра ҳадисдан излаймиз ва улардан топа олмаган тақдирдагина, саҳобалар сўзларига мурожаат қиламиз. Саҳобалар ҳам мазкур масалада ҳамфикр бўлмаган тақдирларида, маънонинг ойдинлашиши учун икки масаланинг умумий иллатини топиб, бир ҳукмни иккинчи ҳукмга қиёс қиламиз”.

Алломанинг ушбу билдирган фикрларидан келиб чиқиб, унинг ҳукм чиқариш услуби қуйидаги етти асосга таянган, деб ҳисоблаш мумкин:

1. Қуръон. Қуръон ислом шариатининг барча ҳукмлари ва Аллоҳнинг мустаҳкам динининг асосий манбаи ҳисобланади.

2. Сунна. Расулulloҳ(с.а.в.)нинг сўзлари, амаллари ва тақрирлари (тасдиқлари)дан иборат бўлиб, Қуръон оятларини изоҳловчи, умумий ҳукмларни хослаштирувчи, мутлақларни муқайяд қилувчи, ноаниқ бўлган иборалар ва ҳукмларни аниқлаб берувчи манбадир.

3. Ижмоъ. Унинг луғавий маъноси “қасд қилмоқдир”. Мужтаҳидларнинг бир ҳукмга келган иттифоқига “ижмоъ” дейилишининг боиси – мазкур ҳукмни шаръий ҳукм деб қасд қилишларидир. Истилоҳда эса, мусулмонлардан бўлган

мужтаҳидларнинг Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан сўнг бирор даврда, шаръий ҳукмга қилган иттифоқига ижмоъ дейилади. Олимлар иттифоқи асосида ижмоъ ҳужжат, яъни шариат ҳукмларини белгилаш учун қатъий далил ҳисобланади.

4. Қиёс услуби. Бирон бир муаммонинг ечими Қуръон, сунна ёки саҳобий қавлидан топилмаса, Абу Ҳанифа райъ ва қиёсга асосланиб амал қилган.

5. Истеҳсон. Луғатда “бир нарсани яхши деб ҳисоблаш” маъносида ишлатилади. Истеҳсон усул уламоларъ истилоҳида эса, “мужтаҳиднинг очиқ, равшан қиёсдан махфий қиёсга, куллий ҳукмдан жузъий ҳукмга ўтишлиги” тушунилади. Бундай ўтишликни унинг ижтиҳоди тақозо қилган бўлади.

6. Саҳобалар сўзлари. Саҳобалар Расулуллоҳ(с.а.в.)га оятлар нозил бўлишининг гувоҳлари сифатида оятларнинг сабаби нузули ва ҳадисларнинг нима учун айтилганлигини яхши тушунган ҳолда, уни келажак учун етказган инсонлардир.

7. Урф. Кишилар ўрганиб, одатланиб қолганликларига асосан қилиб келаётган ишларига, сўзларига урф дейилади. Урфни одат деб ҳам юритилади. У икки хилдир: **1. Урфи фосид** – нассга зид бўлган урф-одат бўлиб, ислом ҳуқуқида унга амал қилинмайди. **2. Урфи саҳиҳ** – халқнинг нассга зид бўлмаган урф-одатлари бўлиб, Ислом қонунчилигида, айниқса, ҳанафий мазҳабида катта аҳамиятга эга.

Абу Ҳанифа Қуръон, ҳадис, ёки саҳобалардан ривоят қилинган сўз ва амал мавжуд бўлмаган ҳолда, шунингдек, қиёс урфга қарши турганда, урф-одатга асосланиб ҳукм чиқарган. Урфга катта эътибор қаратиш ҳанафий мазҳабида ривожланиб, кенг кўламда тарқалишининг муҳим омилларидан бири бўлган.

2. Абу Ҳанифанинг илмий мероси ва “ал-Фикҳ ал-акбар” рисоласининг шарҳлари.

Аллома Саййид Муҳаммад Муртазо ўзининг “Итҳаф асода ал-муттақин” асарида, Имом Абу Мансур Мотуридий ўзининг ақоид тўғрисидаги китобларини Абу Ҳанифанинг китоблари асосида ёзган, - деб зикр қилган.

Ушбу асарда Абу Ҳанифага қуйидаги бешта асар нисбат берилган:

1. “Ал-Фикҳ ал-акбар”.
2. “ал-Фикҳ ал-абсат”.
3. “ал-Олим вал мутааллим”.
4. “Рисола Аби Ҳанифа ила Усмон ал-Баттий”.
5. “Васият Имом Аби Ҳанифа”.

Абу Ҳанифанинг ушбу асарлардан бошқа асарлари ҳам мавжуд бўлган. Масалан, унинг “Муснад” асари ҳадис илми тўғрисида бўлиб, уни шогирдлари тўплаган. “Ал-Махориж” асари эса фикҳ тўғрисида бўлиб, уни Абу Ҳанифадан шогирди Абу Юсуф ривоят қилган. Шунингдек, манбаларда Абу Ҳанифанинг “Китаб ар-рада ала қадария” номли асари бўлгани ҳақида маълумотлар келган.

Табиийки, алломанинг “ал-Фикҳ ал-акбар” рисоласи бошқа аралари орасида машҳур бўлган. Ушу рисолада Абу Ҳанифа ўзининг ақидага оид қарашларини ёритиб берган. ал-Фикҳ ал-акбар” рисоласига кейинчалик кўплаб машҳур уламолар томонидан шарҳлар ёзилган:

1. Абу Мансур Мотуридийнинг “Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар ал-мансуб лил Имом Аби Ҳанифа” Абу Мансур ал-Мотуридий номли шарҳи.

2. Ҳаким Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоилнинг (ваф. 342/954 й.) “ал-Ҳикмат ан-Набавия” номли шарҳи. Кейинчалик бу шарҳ Ҳаким Исҳоқ ибн Муҳаммад томонидан яна мухтасар шаклга келтирилган.

3. Шайх Абдилқодир Жийланийнинг (ваф. 561/1166 й.) “Ал-дурр ал-азҳар фи шарҳ ал-Фикҳ ал-акбар” номли шарҳи.

4. Мавло Илёс ибн Иброҳимнинг (ваф. 891/1486 й.) “Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар” номли асари.

5. Абул Вафо Аҳмадий Муҳаммад ибн Али ибн Халафнинг (ваф. 918/1513 й.) “Иқд ал-жавҳар назм наср ал-фикҳ ал-акбар”. Номли манзумаси.

6. Муҳйиддин Муҳаммад ибн Баҳоуддиннинг (ваф. 956/1549 й.) “Ал-Қовл ал-фасл” номли шарҳи.

7. Мавло Аҳмад ибн Муҳаммад Абул Мунтаҳонинг (ваф. 1000/1592 й.) “Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар” номли асари.

8. Али ибн Султон Муҳаммад ал-Ҳарвий ал-Қорий (ваф. 1014/1606 й.) қаламига мансуб “Шарҳ ал-Фикҳ ал-акбар” асари.

9. Иброҳим ибн Ҳисомнинг (халқ орасида Шарифий номи билан танилган. Ваф.1016/1608 й.) назмий услубда ёзилган шарҳи.

10. Акмалуддин Юсуф ибн Иброҳимнинг “ал-Иршод фи шарҳ ал-фикҳ ал-акбар” номли шарҳи.

3. Муржийлар ва Абу Ҳанифа ўртасидаги ихтилофлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мусталаҳ ал-ҳадис илмига оид баъзи мўътабар китобларда ишончли уламолар томонидан кўп ровийларга нисбатан муржийлик айби қўйилган. Шу туфайли ушбу китобларни ўқиган айрим ўқувчилар, муржийликда айбланган уламоларни аҳли суннадан эмас, балки эътиқодда бидъатчи бўлгани сабабли ҳадис ривоят қилишга яроқсиз ва адашган муржийлар тоифасидан деб ҳисоблаганлар. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаби бўлган. Чунки муржийлик аслида икки қисмга бўлинган. Бири сунний муржийлик ва иккинчиси бидъат муржийлик ҳисобланган. Муржийлик сўзини эшитганда инсоннинг хаёли адашган муржийларга кетиши табиий ҳолдир. Шу сабаб тарихда баъзи уламолар Абу Ҳанифа ва унинг икки шогирди ва устозларини муржийликда айблашган. Аслида эса, Абу Ҳанифа ва унинг издошлари биз юқорида таъкидлаган сунний муржийлар сирасига кирган.

Муҳаммад ибн Абдилкарим Шаҳристоний “ал-Милал ван ниҳал” китобида адашган фирқаларни санаб ўтиш чоғида муржийларга қуйидагича таъриф берган: “Муржийликнинг маъноси икки хил: бири кечиктириш, иккинчиси умид қилиш. Муржийликнинг биринчи маъноси нуқтаи назардан муржиа тоифасига қўллаш тўғри. Чунки, улар амални ният

ва эътиқоддан кечиктиришган. Иккинчи маънони ҳам уларга ишлатиш тўғри. Чунки, улар кофирга тоат наф бермагандек, имон мавжуд бўлса, унга маъсият зарар бермайди, деб эътиқод қилишади”.

Баъзи уламолар муржийлик гуноҳи кабира қилган кишининг ҳукмини қиёматга қолдириш, яъни унга бу дунёда жаннатий ёки дўзахий деб ҳукм қилмаслик, деганидир, деб таъкидлаганлар. Шунга кўра, муржиа ва ваидия фирқалари бир-бирлари билан ихтилофда бўлганлар. Яна баъзи уламолар, муржийлик Ҳазрат Алини биринчи даражадан тўртинчи даражага туширишдир, деганлар. Шунга биноан, муржиа ва шиа тоифалари бир-бирларига қарама-қарши бўлганлар.

Муржийлар тўрт тоифа бўлган:

Хорижий муржийлар.

Қадарий муржийлар.

Жабарий муржийлар.

Соф муржийлар.

Муржийлар ўзаро бир неча гуруҳларга бўлинган: савбония, тумания, солиҳия, юнусия, убайдия ва ғассония гуруҳлари.

Аҳли сунна вал жамоа билан муржия эътиқоди орасида фарқ бор. Муржийлар, Аллоҳни танишнинг (маърифат) ўзи имондир, тоатлар мўминга фойда бермайди ва ширқдан бошқа маъсиятлар ҳам унга зарар қилмайди, деб эътиқод қилганлар. Бунга улар далил қилиб “*ким-ки “ла илаҳа иллаллоҳ”, деса жаннатга киради*” ҳадисини олишган.

Аҳли сунна вал жамоа имон келитришда, Аллоҳни танишнинг ўзи кифоя қилмайди, балки қалбда ихтиёрий тасдиқ ва тилда иқрор бўлиши шарт. Шу билан бирга мўмин одамга тоатлар фойда беради ва гуноҳлар зарар бериб, уни дўзах томон етаклайди, деб эътиқод қилишган.

Абу Ҳанифанинг муржийликда айбланишига икки сабаб бўлган. Биринчи сабабга кўра, у имонга қуйидагича таъриф берган: “Имон - қалб билан тасдиқдан иборат, у зиёда бўлмайди ва камаймайди ва амаллар имондан алоҳида

нарсадир”. Абу Ҳанифанинг ушбу таърифи зоҳиран қараганда, амални имондан кечиктириш, яъни амалнинг фойдаси йўқ, деган гапга ўхшайди. Шунинг учун айрим олимлар унга муржий нисбасини берган.

Иккинчи сабаб шуки, Абу Ҳанифа қадарийлар ва дастлабки муътазиллийларга кескин қарши чиққан. Улар эса қадар масаласида ўзларига қарши чиққанлари муржийлар деб аташган.

Али ал-Қорий “Шарҳ ал-фиқҳ ал-акбар” китобида шундай деган: “Имом Қувнавийнинг зикр қилишича Абу Ҳанифанинг муржий дейилишига сабаб, у катта гуноҳ қилган кишини Аллоҳнинг хоҳишига қолдирган (кечиктирган). “Иржоъ” эса лугатда кечиктириш деганидир”.

Мотуридия мутакаллим Абу Шакур Солимий “ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид” асарида муржийликни иккига бўлган:

1. Аллоҳнинг раҳматига лойиқ муржийлар. Улар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг саҳобаларидир.

2. Гуноҳ мўминга зарар бермайди. Осий мўмин охиратда азобланмайди, деб эътиқод қилувчи лаънатланган муржийлар.

Бағдод қозиси бўлган Усмон ал-Баттий Абу Ҳанифага “сизлар муржийларсиз”, деб мактуб жўнатди. Абу Ҳанифа унга куйидагича жавоб берган: “Муржийларни икки хилдир: бири лаънатланган муржийлар ва мен улардан йироқман. Иккинчиси Аллоҳнинг раҳматига лойиқ муржийлар ва мен уларданман. Пайғамбарлар ҳам шундай бўлганлар. Эътироз билдирсанг, Қуръоннинг “Моида” сураси 118-оятдаги Исо(а.с.)нинг гапларига қара: “Агар уларни азобласанг, албатта, улар (Ўз) бандаларингдир. Борди-ю, уларни кечирсанг, албатта, Сен Азиз (қудратли) ва Ҳаким (ҳикматли)дирсан”.

Амалларни имоннинг шартига киритувчи ва у зиёда бўлади ва камаяди деган муҳаддислар амалларни имоннинг шартига киритмаган ва у зиёда бўлмайди ва камаймайди деган имомларни муржий деб ҳисоблаганлар.

4. Абу Ҳанифа ақидасида “имон”

масаласининг акс этиши.

Имон сўзи тасдиқлаш, ишонмоқ деган маъноларни англатади. Аллоҳ Юсуф(а.с.)нинг ака-укаларидан ҳикоя қилиб айтади: “... Рост гапирсак ҳам, (барибир) сиз бизга ишонувчи эмассиз” (“Юсуф” сураси, 17-оят). Истилоҳда эса, Муҳаммад (с.а.в.)га Аллоҳ ҳузуридан келтирган динни тасдиқлашдир. Бунда Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расуларига, охираат кунига ва имон келтириш вожиб бўлган ҳамма нарсаларга имон келтириш назарда тутилади. Аллоҳнинг “Наҳл” сураси 106-оятдаги “**Ким Аллоҳга имон келтирганидан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса (ҳолига вой!) Лекин кимнинг қалби имон билан хотиржам ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, у мустаснодир. Аммо кимки кўнгилни куфрга очса, бас, у (каби)ларга Аллоҳ (томони)дан ғазаб ва улкан азоб бордир**”, “Ҳужурот” сураси, 14-оятдаги “... (Чунки ҳануз) дилларингизга имон кирган эмасдир”..., ва “Мужодаала” сураси, 22-оятдаги “...**Айнан ўшаларнинг дилларига (Аллоҳ) имонни битиб қўйган...**” деган қавллари имоннинг ўрни қалб эканлигини кўрсатмоқда, лекин тил қалбдаги нарсаларни баён қилиб берувчиси бўлгани учун тил билан иқрор қилиш ҳам ҳанафия ақидасида шарт қилинган.

Абу Ҳанифа ўзининг “Васият” номли асарида имон тил билан иқрор қилиш ва қалб билан тасдиқлашдир, деб таъкидлаган. Тил билан иқрор қилишнинг ўзи имон бўла олмайди. Чунки, агар тил билан иқрорнинг ўзи кифоя бўлганида, барча мунофиқлар ҳам мўмин ҳисобланиши керак эди.

Абу Ҳанифанинг таъкидлашича, мунофиқларнинг тиллари билан имонни иқрор қилишларида шак-шубҳа йўқ, лекин Аллоҳ уларни тиллари қалбларига мувофиқ бўлмагани учун “Мунофиқун” сурасининг 1-оятда ёлғончи ҳисоблаган: “(Эй, Муҳаммад!), мунофиқлар ҳузурингизга келиб: «Гувоҳлик

берамизки, Сиз, албатта, Аллоҳнинг пайғамбаридирсиз», - дерлар. Сиз Унинг пайғамбари эканингизни Аллоҳ, албатта, билур ва Аллоҳ мунофиқларнинг ҳақиқатан ёлгончи эканига ҳам гувоҳлик берур”.

Абу Ҳанифанинг этиқодига кўра, Аллоҳни (маърифат) танишнинг ўзи ҳам имон бўла олмайди. Чунки, Аллоҳни танишнинг ўзи имон бўлганида, барча аҳли китоблар мўмин деб ҳисобланиши зарур эди. Аҳли китоблар ҳам аслида Муҳаммад(с.а.в.)ни пайғамбар эканликларини билишарди. Улар ўз фарзандларини ўйнаб юрган балалар ичидан таниб ажратиб олганлари каби, Муҳаммад(с.а.в.)ни ҳам сифатлари билан оддий инсонлардан аниқ таниб ажратиб олишарди. Аллоҳ ушбу маънони тасдиқлаб, аҳли китоблар ҳақида шундай деган: “Биз китоб берган ўша (золим кимса)лар Уни (Муҳаммадни) худди ўз фарзандларини танигандек танийдилар ва улардан бир гуруҳи била туриб, (китобларидаги) ҳақиқатни сир тутадилар” (“Бақара” сураси, 146-оят).

Абу Ҳанифанинг наздида имон зиёда ҳам бўлмайди ва камаймайди (“ал-иман ла язид ва ла янқус” ақидаси). Чунки, имон куфрни бутунлай кетгазиб, унинг ўрнини ўзи эгаллайди. Демак, “имон зиёдалашди” дегани, “куфр ҳали тўлиқ кетмаган ва имон уни емириб кўпроқ жойни эгаллаб зиёдалашмоқда” деган бўлиб қолади. Шунингдек, “имон камайди” дегани, “куфрдан бир бўлак келиб имоннинг бир қисмини емириб, унинг ўрнини эгалламоқда, натижада имон камаймоқда” деган бўлиб қолади. Бир вақтнинг ўзида бир шахсда ҳам имон ҳам куфр бўлиши ақлга сизмайдиган ҳолат. Қуръонда имон зиёда бўлиши мазмунида келган оятлар ҳам бор: “Мўминлар – Аллоҳ (номи) зикр этилаганида – дилларида қўрқув бўладиган, оятлари уларга тиловат қилинганида – имонлари зиёда бўладиган, Парвардигорларигагина (барча ишларида) таваккул қиладиган, номозни баркамол ўқийдиган ва ризқ қилиб берганимиздан (садақа ва) эҳсон қиладиган кишилардир”. (“Анфол” сураси, 2,3-оят), “У (Аллоҳ) Ўз имонларига яна

имон қўшилиши учун мўминларнинг дилларига таскин туширган зотдир...” (“Фатҳ” сураси, 4-оят).

Ушбу оятлардан мурод, айнан имоннинг ўзи зиёдалашуви эмас, балки солиҳ амаллар қилиш билан қалбда имоннинг нури, зиёси ва самараси зиёда бўлишидир. Демак, Абу Ҳанифанинг ақидасига кўра, имоннинг нури ва зиёси бўлади. Абу Ҳанифа ушбу эътиқодига Қуръондан “Зумар” сураси, 22-оятни далил қилган: **“Ахир кўксини Аллоҳ Ислоом учун (кенг) очиб қўйган, ўзи эса, Парвардигори (томони)дан нур (ҳидоят) узра турган киши (бошқалар билан баробар бўлурми)!?”**

Шунингдек, Абу Ҳанифа юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, амалларни имондан бир бўлак эмас, деб таъкидлаган. Унинг наздида баъзи ҳолларда мўмин кишидан амал кўтарилади, лекин имон ундан кўтарилмайдди. Масалан, закотга қодир киши закот бериш арафасида бирдан молига талафот етиб камбағал бўлиб қолса, унинг зиммасида фарз бўлиб турган амал кўтарилади. Бу билан, “амал имондан бир бўлак эди, энди ундан имон кўтарилди”, деб эътиқод қилинмайдди. Муҳаммад(с.а.в.)нинг умматларидан бирортаси катта гуноҳ қилиш сабабли кофир ҳисобланмайдди. Бундай мўмин мўминлигича қолади ва гуноҳкор, осий бўлади. Агар у ўша гуноҳни қасддан қилса, лекин ҳалол санамаган ва уни қилишдан қайтарган Аллоҳ ёки Расулуллоҳ(с.а.в.)ни паст санамаган бўлса, аҳли сунна вал жамоа наздида у имондан чиқмайдди. У қилган гуноҳига тавба қилмасдан вафот этса, Аллоҳнинг хоҳишига ҳавола қилинади. Аллоҳ хоҳласа, уни ўз фазли ва карами ёки ундаги имон ва солиҳ амаллар баракаси ёки солиҳ баъдаларнинг шафоати билан афв этиб жаннатга киргизиши мумкин. Агар хоҳласа, гуноҳи сабабли дўзахга киргизади. Гуноҳига яраша жазо олиб бўлгач, уни жаннатга киритади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юқоридаги масалалардан кўриниб турибдики, ҳанафия ақидавий таълимоти мўътадил таълимот ҳисобланган ва у аҳли сунна

вал жамоа эътиқодининг ажралмас бўлаги сифатида эътироф этилган.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Абу Ҳанифа қачон ва қаерда тутилган?
2. Абу Ҳанифанинг қандай асарларини биласиз?
3. Абу Ҳанифанинг “ал-Фикҳ ал-акбар” асарига ёзилган шарҳлар ҳақида нималарни биласиз?
4. Абу Ҳанифани айрим уламолар нима учун муржий деб ҳисоблаган?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Акмалиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бобиртий. Шарҳ васият лил Имом Аби Ҳанифа. – Уммон: Дор ал-фатҳ лил дироса ван нашр, 2009. – 159 б.
2. Мулло Али ал-Қорий ал-Ҳанафий ал-Имом. Шарҳ китоб ал-фикҳ ал-акбар лил Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит ал-Куфий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. – 336 б.
3. Муҳаммад ибн Абдирахмон ал-Ҳомиш. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самий, 2007. – 699 б.
4. Оқилов С. Калом илми / Ўқув қўлланма. – Т.: «Тошкент ислом университети», нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 160 б.
5. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. М., ИФВА, 2004.
6. Солибий, Абу Шакур. Ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид. – Самарқанд: Демурф матбааси. 1908.
7. Шахристоний, Абул Фатҳ. Ал-Милал ван ниҳал: 2 жилдли / Муҳаммад Абдилқодир ал-Фозилий нашри. – Дамашқ: ал-Мактаба ал-асрия, 2000. – 478 б.
8. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009.

6-МАВЗУ. АБУЛ ҲАСАН АШЪАРИЙ ВА АШЪАРИЯ ТАЪЛИМОТИ

Режа:

1. Ашъарийнинг дастлабки ҳаёт йўли.
2. Ашъарийнинг устоз ва шогирдлари ҳамда илмий мероси.

Таянч иборалар: ашъария, муътазилия, ал-манзила байнал манзилатайн, мотуридия.

1. Ашъарийнинг дастлабки ҳаёт йўли.

Абул Ҳасан Али ибн Исмоил ибн Исҳоқ ибн Солим ибн Абдуллоҳ ибн Мусо ибн Билол ибн Аби Бурда ибн Аби Мусо Ашъарий Басрада 873 йили таваллуд топган ва 936 йили Бағдодда вафот этган. Ашъарий дастлабки илмини ўз отасидан олади ва Абу Исҳоқ Марвазий ва Ибн Сурайждан фикр илмини, Закариё ибн Яҳё ас-Сожийдан ҳадис илмларини ўрганади.

Ашъарий умрининг иккинчи ярмини асосан муътазилияга қарши курашишга бағишлаган бўлса-да, дастлаб муътазилия таълимоти вакилларидан эди, чунки унинг устози Абу Али Жуббой ҳам муътазилия ақидасида бўлган. Лекин ёши қирқларга етганда унинг қалбида ушбу таълимотга нисбатан шубҳалар пайдо бўла бошлайди, у устозининг ҳалқасида ўзини ноқудай сезар ва устозининг ақидавий қарашлари, фикрларидан тўлиқ қониқиш ҳосил қилмас эди. Ниҳоят, Ашъарий устозининг дарсларидан бирида унга уч мўмин ака-укаларнинг қиёматдаги аҳволи ҳақида ушбу саволни беради: Бу дунёда мўмин уч ака-ука яшаб ўтган, уларнинг каттаси тоат-ибодатда ҳаёт кечирган. Иккинчи ака эса, гуноҳ, маъсият ишлар билан яшаган. Учинчиси эса, сағирлик пайтида (балоғатга етмасдан) вафот этган. Уларнинг қиёматдаги ҳолати қандай бўлади?

Жуббой шундай жавоб беради: Катта ака аҳли тақво бўлгани учун тўғри жаннатга тушади. Иккинчиси дўзахга тушади. Чунки у осий банда бўлган эди. Учинчи ука эса жаннатга ҳам, дўзахга ҳам кирмайди. Чунки у гуноҳ ҳам, ибодат ҳам қилмаган.

Шунда Ашъарий эътироз билдира бошлайди: Аросатда қолган кичкина ука, – «Эй Роббим, сен менга катта акам сингари узоқ умр берганинда, мен ҳам умримни тоат-ибодат билан ўтказардим. Сен мени сағирлик пайтимда жонимни олдинг. Энди мен жаннатга киришдан маҳрум бўлиб қолдим, менинг айбим нима?!» – деб эътироз билдирса-чи?

Жуббой: Аллоҳ шунда айтади: «Мен сенга узоқ умр берганимда, сен иккинчи акангдек гуноҳкор банда бўлардинг. Чунки мен сенинг тақдирингни аввалдан биламан. Шунинг учун мен сенга раҳм қилиб, сағирлик пайтингда жонингни олдим».

Ашъарий хайрон бўлиб яна сўрайди: Агар иккинчи ака, – «Эй Роббим, сен менга узоқ умр бердинг, мен гуноҳкор банда бўлдим. Лекин сен мени кичик укам каби сағирлик пайтимда жонимни олсанг бўлмасмиди?! Шунда мен дўзахга тушишдан сақланиб қолар эдим» – деб, эътироз билдирса-чи? Ашъарийнинг ушбу эътироз сифатидаги саволига Жуббой жавоб бера олмайди. Шундан сўнг Ашъарий муътазилия таълимотидан воз кечади.

Ашъарийнинг ўзи «ал-Ибона ан усул ад-диёна» («Дин асосларининг баёни») китобида муътазилиядан қандай воз кечганини қуйидагича ҳикоя қилиб берган: «Мен борган сари ушбу таълимотдан безиб борар эдим. Ундаги фикрлар мени асло қониқтирмас эди. Кечалари ҳам ҳаловатим йўқолган эди. Бир куни мен тунда уйғониб таҳажжуд намози ўқидим ва Аллоҳдан кўнглимдаги ғашликни даф қилишни ва мени ўз ҳидоятига бошлашини сўраб дуо қилдим. Шу аснода мен уйқуга кетибман. Шунда тушимда Расулуллоҳни кўрдим ва ул зотга қалбимдаги кечаётган ғалаён ҳақида шикоят қилдим. Шунда Расулуллоҳ, – «сенинг нажот топишинг фақат менинг

суннатимни маҳкам тутишинг билан амалга ошади», – деб жавоб бердилар. Шундан сўнг мен бир неча кун уйда миҳланиб қолдим, жамоат намозларига ҳам чиқишни хоҳламам эдим. Лекин еттинчи кун масжидга чиқиб, мўминларга шундай хитоб қилдим: «Эй биродарлар, мен елкамдаги ушбу тўнимни танамдан қандай ечиб улоқтираётган бўлсам, қалбимдан ҳам бидъат эътиқодни шундай улоқтириб ташлаяпман. Мен бугундан бошлаб муътазилия таълимотидан воз кечдим ва умримнинг қолган қисмини ушбу таълимотга қарши курашга сарфлайман».

Шундан сўнг Ашъарий Басрадан Бағдодга кўчиб ўтади ва умрининг охиригача Бағдодда фаолият олиб боради. У шундай даврда ҳаёт кечирганки, ўша даврларда фикрий курашлар авжга чиққан ва «аз-Занж» қўзғолони бўлган ва қарматийларнинг қўли баланд келиб Баҳрайндан то Шомгача (Сурия) тарқалган эди.

2. Ашъарийнинг устоз ва шогирдлари ҳамда илмий мероси.

Ашъарий ўз даврининг машҳур шайхлари, мутасаввиф ва фақиҳлари саналган Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий, Иброҳим ибн Аҳмад Марвазий, Маҳмуд ибн Довуд Исбаҳоний, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Мансур Мотуридий ҳамда ўша давр уламолари томонидан «зиндиқ»ликда айбланган Ибн ар-Ровандий билан бир даврда яшаган. Ашъарийнинг юқорида келтирилган замондошларидан маълумки, у бир томондан шунча диний уламолар орасида ўз мавқеини тиклаб олиши зарур эди.

«Табакот аш-шофия ал-кубро» («Шофия мазҳаби машҳур уламолари ҳақида табакот китоб») асари муаллифи ас-Субкий Ашъарий шогирдлари ҳақида маълумот бериб, уларнинг яшаган даврларини еттига бўлиб чиққан:

Биринчи давр: Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ат-Тоий, Абул Ҳасан Боҳилий, Бандор ибн ал-Ҳусайн, Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Табарий.

Иккинчи давр: Абу Бакр Боқиллоний, Абу Бакр ибн Фурак. Учинчи давр: Абдулжаббор ибн Али Исфаройиний.

Тўртинчи давр: Хатиб ал-Бағдодий, Абул Қосим Қушайрий.

Бешинчи давр: Абу Ҳомид Ғаззолий, Ибн Асоқир, Абул Фатҳ Шаҳристоний.

Олтинчи давр: Фаҳруддин Розий, Сайфуддин Омидий, Иззуддин ибн Абдиссалом.

Еттинчи давр: Тақиюддин ибн Дақиқ ал-Ийд.

Ашъарийнинг илмий мероси, яратган асарлари ҳақида турли ихтилофлар мавжуд. Баъзи тарихчилар унинг юзга яқин асарлари мавжуд бўлган деса, баъзилари эликдан ортиқ асарлар ёзгани ҳақида маълумотлар бериб ўтганлар. Ашъарий муътазиллия эътиқодида бўлган даврида ҳам ушбу таълимотга оид асарлар ёзган бўлиши мумкин. Лекин бизгача унинг муътазиллия таълимоти ҳақида бирор-бир асари етиб келмаган. Субкий «Табақот аш-шофия ал-кубро» номли асарида Ашъарийнинг бир нечта асарлари ҳақида маълумот бериб ўтган: «ал-Умда фир руъя» («Кўриш асоси»), «ал-Фусул фир радд ала мулҳидин» («Худосизларга раддия фасллари»), «ал-Муъжаз» («Мўъжаз»), «Имомат Аби Бакр ас-Сиддиқ» («Абу Бакр ас-Сиддиқ халифалиги»), «Халқ ал-аъмол» («Амалларнинг яратилиши»), «ал-Иститоа» («Ирода»), «ас-Сифот» («Сифатлар»), «ар-Руъя» («Кўриш»), «ал-Асмо вал аҳком» («Исмаар ва ҳукмлар»), «ар-Радд алаал мужассима» («Мужассималарга раддия»), «ал-Изоҳ» («Изоҳ»), «ал-Лумаъ ас-сағир» («Кичик шуъла»), «ал-Лумаъ ал-кабир» («Катта шуъла»), «аш-Шарҳ ват тафсил» («Шарҳ ва тафсилот»), «ал-Муқаддима» («Муқаддима»), «ан-Нақс алаал Жуббойи» («Жуббойининг хатолари»), «ан-Нақс алаал Балхий» («Балхийнинг хатолари»), «Мақолот ал-мулҳидин» («Динсизлар сўзлари»).

Шунингдек, энциклопедик олим Ҳожи Халифа «Кашф аз-зунун» асарида яна Ашъарийга «Тафсир Абил Ҳасан» («Абул Ҳасан тафсири»), «Изоҳ ал-бурҳон фир радд ала аҳл аз-зайғ

ват тугён» («Бидъат ва тугён аҳлларига қарши раддиялар изоҳи») номли асарларни нисбат бериб ўтган. Афсуски, Ашъарийнинг юқоридаги асарларининг барчаси бизгача етиб келмаган. Лекин унинг қаламига мансуб бешта: «Мақолот ал-исломийин ва ихтилоф ал-мусоллин» («Мусулмонлар сўзлари ва намозхонлар ихтилофлари»), «Рисола истиҳсон ал-ҳавз фи илм ал-калом» («Калом илмига баҳшидалиқнинг эътироф этилиши ҳақида рисола»), «ал-Лумаъ фир радд ала аҳл аз-зайғ вал бедаъ» («Бидъат ва хурофот аҳлларига қарши ёрқин раддиялар»), «Рисола ила аҳл ас-сағир би баб ал-абвоб» («Аҳли сағирлар учун боблардан сараланган мактуб»), «ал-Ибона ан усул ад-диёна» («Дин асосларининг баёни») номли асарларининг илмий таҳлилий нашрлари амалга оширилган.

Абул Ҳасан Ашъарий илмий меросининг аҳамияти шундаки, у муътазилия таълимотини ошқора рад этиб, ундан воз кечгани аҳли сунна вал жамоанинг янада ривожланишига катта туртки бўлди. Чунки Ашъарий даврида ҳам муътазилийлар гарчи Маъмун ва Восиқ даврларидаги каби катта кучга эга бўлмасаларда, ҳамон ўзларининг мантиқ ва фалсафага суянган ақидавий қарашлари билан Бағдод ва Басра шаҳарларида ўз мавқеларини сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган эдилар. Айниқса, Ашъарийнинг муътазилиянинг обрўли олимларидан ҳисобланган Абу Али Жуббой мактабини рад этиши, қайсидир маънода муътазилия таълимотининг тарқалишига салбий таъсир ўтказди.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Абул Ҳасан Ашъарий қачон ва қаерда туғилган?
2. Ашъарийнинг қандай асарларини биласиз?
3. Ашъарий дастлаб қайси ақидавий таълимотга эътиқод қилган?
4. Ашъария таълимоти вакилларида кимларни биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Айдын Али-заде. Матуридизм в ортодоксальном исламском мировоззрении // www.aboutislam.ws.
2. Айдын Али-заде. Ашаризм в ортодоксальном исламском мировоззрении // www.aboutislam.ws.
3. Ашъарий Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Ал-Ибона ан усул ад-дияна. Аббос Саббоғ нашри. – Байрут: “Дор ан-нафоис” нашриёти. 1994. – 183 б.
4. Оқилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва матуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
5. Рудольф У. Ал-Матуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.
6. Хрестоматия по исламу. Сост. и отв. редактор С.М.Прозоров. М., ИФВА, 1994 (Раздел IV. Догматика. Идейные расхождение в исламе).
7. Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн ал-Фурак. Мақолат аш-Шайх Абил Ҳасан ал-Ашъарий. Аҳмад Абдурахим ас-Сойиҳ нашри. – Қоҳира: Мактаба ас-сақофа ад-диния, 2006. – 360 б.

7-МАВЗУ. АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИ

Режа:

1. Мовароуннаҳрда фаолият олиб борган дастлабки мутакаллимлар.
2. Абу Мансур Мотуридий илмий мероси.
3. Мотуридия таълимотининг йирик намояндалари.

Таянч иборалар: мотуридия, калом, тавҳид, Мовароуннаҳр, ҳанафия, муътазилия.

1. Мовароуннаҳрда фаолият олиб борган дастлабки мутакаллимлар.

VIII-IX асрларда Мовароуннаҳрда фаолият олиб борган машҳур мутакаллим ва фақиҳ олимлардан бири Абу Муқотил Самарқандий ҳисобланади. У 823 йили Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. Манбалар ушбу аллома Абу Ҳанифа билан учрашгани ва ундан дарс олгани ҳақида хабар беради. Абу Муқотил Самарқандий ҳақида немис шарқшуноси У.Рудольф маълумотлар бериб, машҳур «ал-Олим вал мутааллим» («Устоз ва шогирд») асарини айнан ушбу алломага тегишли деган хулосага келади. Бунга қадар барча тарихий манбаларда ушбу манба Абу Ҳанифага тегишли эканлиги таъкидланади.

Рудольф ушбу хулосасини фақат Абу Муқотилнинг Абу Ҳанифа билан бир даврда яшагани ва Абу Муқотил Маккага ҳам боргани ва у ерда фақиҳ билан учрашгани каби сабабларни ўз далилларининг асоси қилиб олади. Шунингдек, китобнинг номидан ҳам хулоса қилиб «Устоз ва шогирд» деган иборани келтириб чиқаради ва Абу Муқотил фақиҳдан эшитган сўзларини ушбу китобида ёзиб қолдирган деган фикрни ҳам илгари суради. Демак, Абу Муқотил Самарқандий Абу Ҳанифанинг энг яқин издоши ва шогирди сифатида

гавдаланади. Лекин Рудольф ўз тадқиқотининг кейинги бандларида Абу Муқотил Мовароуннаҳрда Абу Ҳанифанинг таълимотини тарқатганлиги мавҳумдир, деган фикрни ҳам билдириб ўтади. Демак, «ал-Олим вал мутааллим» китоби Абу Муқотилга тегишли деган фикр мавҳум фикрдир. Чунки ушбу асарни Абу Ҳанифага хос эканлигини машҳур мотуридия мутакаллими Абул Муин Насафий ўзининг «Табсират ал-адилла» («Аниқ далиллар») асарида таъкидлаб ўтган. У Абу Ҳанифанинг фикрларини келтирар экан, «Ва қола ҳаказа ал-фақиҳ Абу Ҳанифа фи китабиҳи «ал-Олим вал мутааллим» (Абу Ҳанифа ўзининг «ал-Олим вал мутааллим» китобида шундай деган) деб таъкидлайди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Абу Муқотил Самарқандий Абу Ҳанифа билан қанча давр мобайнида учрашгани ва қанча муддат ўз юртида фаолият олиб боргани келажакда ушбу алломанинг илмий мероси билан яқиндан тадқиқотлар олиб бориш орқали аниқ бўлади. Лекин ҳозирги кунда ушбу алломанинг фикр ва ақидада Абу Ҳанифанинг издоши бўлганига шубҳа йўқдир.

Минтақадаги Абу Ҳанифа издошларидан яна бири Абу Бакр Самарқандий ҳақида тарихий манбаларда олдинги мутакаллим Абу Муқотил Самарқандийга нисбатан кўпроқ маълумотлар келтирилган. IX аср охирларига келиб Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотига рақиб бўлган карромия таълимоти ҳам кириб кела бошлаган эди. Бу эса албатта, ўша даврда Абу Ҳанифа издошларини бефарқ қолдира олмас эди. Ҳатто шундай вазият ҳам юзага келган эдики, баъзи мовароуннаҳрлик олимлар фикр масалаларда Абу Ҳанифа мазҳабида бўлсалар, ақидавий масалаларда Ибн Карром таълимотига эргашар эдилар.

Ибн Карром асли Хуросоннинг Сеистон (Сижистон) воҳасида таваллуд топган. Ибн Карром Сижистоний кейинчалик Хуросонга кўчиб ўтган ва Нишопур, Марв ва Хиротда ҳам бир қанча таниқли олимлардан таълим олган. Айниқса, у Балхда устози Абу Юсуфдан (ваф. 854 й.) кўп

таълим олади ва беш йил давомида Маккада яшаб ижод қилади. Ибн Карром ўз ҳаётида кўплаб қийинчиликларга дуч келган. Уни Нишопурдан Сейистонга бадарға қилганлар. Сўнгра Хуросондаги ваъзалари туфайли Нишопур ҳокими томонидан ҳибсга олинган ва саккиз йил давомида қамоқда бўлган. Умрининг охириги йилларини Нишопурда ўтказган ва 869 йили вафот этган.

Манбаларда келишича, унинг таъқибга учрашига таълимоти эмас, балки омма олдида зоҳидлик ҳақидаги қарашлари сабаб бўлган. Шунинг учун маҳаллий ҳукмдорлар уни доим таъқиб қилиб келганлар. Унинг ақидавий масалалардаги эътиқодига келсак, у Аллоҳнинг сифатларини инсонга хос аъзолар билан таърифлаган (антропоморфист-мушаббиха). Бу эса, мотуридийларнинг энг катта қаршилигига сабаб бўлган ва шунинг учун ҳам Мотуридий издошлари унинг ғоялари Мовароуннаҳрда тарқалишига қарши чиққанлар.

Ибн Карром ғояларига энг катта қаршилик кўрсатган олим Абу Бакр Самарқандий бўлган. Абул Муин Насафий ўзининг «Табсират ал-адила» асарида Мовароуннаҳрда ҳеч бир олим Абу Бакр Самарқандий каби карромийларга қарши кураш олиб бормаган, деб таъкидлаган. Самарқандлик бошқа олимларга нисбатан ушбу олимнинг бизга кўплаб асарлари ҳақида маълумотлар етиб келган. Олимнинг бизгача маълум бўлган асарлари орасида «Китоб ал-анвор» («Нурлар китоби») рисоласининг номи етиб келган. Аммо асарнинг матни етиб келмаган. Шунинг учун ушбу асарнинг қандай мавзуга оид экани номаълумдир. Иккинчи асар «Китоб ал-иътисом» («Ҳимоя китоби») бўлиб, ушбу асар ҳадис илмига бағишланган. Олимнинг учинчи рисоласи «Мақолат ал-исломийин» («Мусулмонлар сўзлари») бўлиб, Абу Бакр Самарқандий ушбу асарида карромийларнинг нотўғри ақидаларига далиллар келтирган. Олимнинг яна «Маолим ад-дин» («Дин белгилари») номли асари ҳам бизгача етиб келган. Ушбу асарнинг Машҳадда қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Немис тадқиқотчиси У.Рудольфнинг

таъкидлашича, ушбу асар фикҳ илмига багишланган ва IX асрда ёзилган фикҳга онд асарларнинг сақланиб қолган ягона нусхаси ҳисобланади.

Абу Бакр Самарқандий 881 йили она юрти Самарқандда вафот этган. Унинг Мовароуннаҳрда фикҳ, ҳадис ва калом илмлари ривожини учун қўшган ҳиссаси катта бўлган.

2. Абу Мансур Мотуридий илмий мероси.

Абу Мансур Мотуридий номи тилга олинганда, аввало бутун мусулмон оламида эътироф этилган икки ақидавий таълимот – ашъария ва мотуридиянинг бири кўз олдимизда намоён бўлади. Абу Мансур Мотуридийнинг келажак авлодга қолдириб кетган илмий-маънавий меросини таҳлил қилар эканмиз, у ўз асарлари орқали ўша даврда ислом эътиқодларига зид бўлган турли ақидавий оқим ва тоифаларга қарши курашганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, Халифа Маъмун даврида гуллаб-яшнаган муътазиллийларнинг аҳли сунна вал жамоа ақидасига зид бўлган фикрларига қарши курашга Мотуридий ўзининг бутун умрини сарфлаган.

Аксарият манбаларда Мотуридий 870 йили Самарқанднинг «Мотурид» қишлоғида туғилгани ва Самарқандда 944 йили вафот этгани ҳақида маълумотлар учрайди. Баъзи манбаларда унинг 100 йилга яқин умр кўргани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Араб олими доктор Муҳаммад Айюбнинг таҳлиliga кўра, Мотуридий 870 йили эмас, балки 853 йили туғилгани ҳақиқатга яқинроқдир. Чунки унинг манбаларда номлари келган икки устози: Муҳаммад ибн Муқотил Розий 863 йил, Нусайр ибн Яҳё Балхий эса 882 йил вафот этганини инобатга олсак, Мотуридийнинг 870 йилда туғилгани мантиқан тўғри бўлмайди. Олимнинг қabri Самарқанд яқинидаги Чокардизада авлиёлар қабристониди жойлашган. Манбаларда Мотуридийнинг хориж сафарларига борганлиги ҳақида хабарлар учрамайди. Аммо Мотуридий Мовароуннаҳрда Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитнинг фикҳий ва ақидавий қарашларини сақлаб қолган ва кейинчалик

ўзининг “мотуридия” деб тан олинган таълимотига тамал тошини қўйиб кетган олим сифатида шухрат қозонган. У ўзининг бутун умри давомида калом, ақоид (ақида) илми билан машғул бўлган.

Мотуридий ҳақида тўлиқ ва дақиқ маълумотларни биз унинг энг машҳур издоши ва таълимотининг давомчиси насафлик аллома Абул Муин Насафийнинг илмий меросларида учратишимиз мумкин. Насафий ўзининг шайхи Мотуридий ва ундан олдин Мовароуннаҳрда яшаб ижод қилган ҳанафий алломалар ҳақида «Табсират ал-адилла фи усул ад-дин ала тариқати Аби Мансур ал-Мотуридий» («Абу Мансур Мотуридий тариқатига биноан дин усуллари аниқ далиллар билан шарҳлаш») номли асарида маълумотлар келтирган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Насафийнинг «Табсира» асарида мовароуннаҳрлик мутакаллим олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятлари ҳақида келтирилган муҳим маълумотлар биронта ҳам хоҳ қомусий, хоҳ ақоид илмига оид асарларда учрамайди.

Асарда таъкидланишича, Мовароуннаҳр ҳамда Хуросоннинг Марв ва Балх шаҳарларидан етишиб чиққан уламоларнинг барчаси азалдан ҳанафий мазҳабига эътиқод қилганлар ва Абу Ҳанифанинг йўлини маҳкам тутиб, муътазиллийларнинг азалий рақиблари ҳисобланганлар.

Насафий «Табсират ал-адилла» асарида мовароуннаҳрлик машҳур мутакаллимлар Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Сабих Жузжоний (ваф. 864 й.), Шайх Абу Наср Аҳмад ибн Аббос ибн Ҳусайн Иёдий (ваф. 888 й.) ҳақида маълумотлар келтиради. Асарда шундай маълумотлар бор: Шайх Абул Қосим Ҳаким Самарқандийнинг ривоят қилишича, Абу Наср Иёдийнинг олдига турли адашган фирқааларнинг вакиллари ўзларининг ногўғри ақидаларини исботлаш учун келганларида, албатта улар Иёдийнинг кучли далил ва исботларидан мағлуб бўлиб қайтар эдилар.

Шунингдек, «Табсира»да Абу Наср Иёдийнинг икки ўғли: Абу Аҳмад (ваф. 967 й.) ва Абу Бакр Иёдий (ваф. 971 й.)

лар ҳақида маълумотларни учратамиз. Асарда келтирилишича, бухоролик машҳур олим Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг невараси, Мовароуннаҳр ва Хуросонда «Садр ал-фуқаҳо» унвонига эга бўлган олим Абу Ҳафс Ажалий Бухорий шундай деган: «Абу Ҳанифанинг мазҳаби тўғри йўл эканлигига яна бир исбот шуки, ушбу мазҳабда Абу Аҳмад Иёдий эътиқод қилган. Чунки Абу Аҳмад Иёдий ботил мазҳабга эътиқод қилиши мумкин эмас эди».

Иёдийлар билан бир қаторда Насафий мовароуннаҳрлик бошқа мутакаллим олимлар, яъни Қозий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аслам ибн Маслама ибн Абдуллоҳ ибн Муғира, «Маолим ад-дин» («Дин белгилари»), «Китоб ал-иътисом» («Ҳимоя китоби») ва «Китоб радд ала л карромия» («Карромийларга радия китоби») асарларининг муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн Яман Самарқандий ҳақидаги маълумотлар ҳам эътиборга моликдир. Насафийнинг фикрича, Абу Бакр Муҳаммад Самарқандий биринчилардан бўлиб карромийларга раддия билдирган олим ҳисобланган.

Насафий табақот шаклида юқоридаги мутакаллим олимлар ҳақида маълумотлар келтирар экан, ниҳоят ўзининг шайхи Абу Мансур Мотуридий ҳақида сўз юрита бошлайди. У Мотуридий ҳақида шундай дейди: «У шундай зотки, илм уммонининг энг қаърига шўнғиб, ундан дуру-гавҳарларни олиб чиқди ва диний ҳужжатларни ўзининг фасоҳати, мислсиз заковати билан зийнатлади. Шунинг учун у вафот этганда, Шайх Абул Қосим Самарқандий унинг қабри устига, «Ушбу қабр илмларни нафасларигача қамраб олган, уни тарқатишда кўп заҳматлар чеккан, у қолдирган мерос кўп мадҳ қилинган ва ўзининг умр дарахтидан кўплаб мевалар тера олган улўф зотнинг қабридир», деб ёзишларига буюрган эди».

Насафий «Табсира»да Мотуридийнинг ўндан ортиқ асарлари ҳақида маълумотлар келтиради. «Китоб ат-тавҳид» («Тавҳид (яккаҳудолик) китоби»), «Китоб ал-мақолот» («Сўзлар китоби»), «Китоб радд авоил ал-адилла лил-Каъбий» (Каъбийнинг далилларига раддия китоби),

«Китоб баён ваҳм ал-муътазила» («Муътазилийларнинг ёлгон ғоялари баёни ҳақида китоб»), «Китоб радд таҳзиб ал-жадал лил-Каъбий» («Каъбийнинг мунозараларига раддия китоби»), «Радд китоб ал-Каъбий фи вайд ал-фуссоқ» («Каъбийнинг жазо ва фосиқлар ҳақидаги китобига раддия»), «Радд усул ал-хамса ли Аби Умар ал-Бохилий» («Абу Умар Бохилийнинг бешта усулига раддия»), «Радд китоб ал-имома ли баъзи ар-равофиз» («Рофизийларнинг имомат мавзудаги китобларига раддия»), «Китоб радд алал-қаромита» («Қарматийларга раддия китоби») ҳамда усул ал-фиқҳга оид «Маъхаз аш-шароиъ» («Шариат манбалари»), «ал-Жадал» («Баҳс-мунозара») каби асарлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, «Табсира»да Мотуридий ҳақида келтирилган яна бир ривоят ҳам диққатга сазовордир. Унда таъкидланишича, маълум бир сабабларга биноан Мотуридий бирон бир мажлисда иштирок этмай қолса, ҳатто унинг устози Абу Наср Иёдий ўз шогирдига нисбатан чексиз ҳурмат ва муҳаббатининг изҳори сифатида ўша мажлисда бирор сўз ҳам айтмас экан. Агар у Мотуридийни узоқдан бўлса-да, мажлисга келаётганини кўриб қолса, таажжуб билан унга тикилиб қолар ва Қуръондан «Қасос» сураси, 68-оятни ўқир эди: «**Раббингиз ўзи хоҳлаган нарсани яратур ва (хоҳлаган ишни) ихтиёр қилур...**».

Насафий ўз асарида яна таъкидлашича, Мотуридийнинг «Таъвилот ал-Қуръон ал-карим» («Қурони карим таъвили (тафсири)») номли асари ўз даврида машҳур ҳисобланган ва кўплаб олимлар ушбу асарни қуйидагича тавсиф билан юксак баҳолаганлар: «Мотуридий имомларнинг улуғи ва миллатнинг устуниси эди. Унинг Қуръонга ёзган тафсири барча чигалликларни очиб берувчи, инсон қалбидаги шубҳали қора булутларни хайдовчи ҳамда ниҳоятда гўзал васф ила яратилган асардир. Шундай китобни ёзган зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин».

Абул Муин Насафий ўзининг «Табсира» асарида мовароуннаҳрлик уламолар ҳақидаги маълумотларни

Абул Қосим Ҳаким Самарқандий (ваф. 953 й.) ҳақидаги маълумотлар билан тугатар экан, шундай дейди: «Агарда мен ҳанафий мазҳабига эътиқод қилган бухоролик ҳамда Мовароуннаҳрни туркларнинг энг қуйи чегарасигача бўлган барча диёрларидаги уламолар ҳамда Марв ва Балх уламолари ҳақида гапираверсам, ушбу китобим тугамайди. Шунинг учун сизнинг эътиборингизга юқорида зикр этилган уламолар ҳақидаги мухтасар хабарлар етказишни афзал деб билдим. Лекин мен зикр қилган олимларнинг биронтаси бўлмаганида ҳам, Мотуридий уларнинг барчасининг ўрнига кифоя қила олар эди».

Абул Муин Насафийнинг Мотуридийга оид фикрлари ҳақида юқорида «Табсира» асари орқали муайян тасаввур ҳосил қилган эдик. Насафий Мотуридийни нафақат ўзининг, балки бутун мовароуннаҳрлик мутакаллим олимларнинг «шайхи» (устози) деб ҳисоблаган ва шундай аталишига катта ҳисса қўшган. Буни «Табсира»нинг бир қанча ўринларида «Бизнинг шайхимиз Абу Мансур Мотуридий...», деган иборанинг ишлатилганидан ҳам кўриш мумкин. Насафий «Табсира»да Мотуридийга нисбатан юксак мақтовларни шу даражада билдирганки, хатто унга «Аъраф ан-нос би мазҳаби Аби Ҳанифа» (*Абу Ҳанифа мазҳабининг энг билимдони*) деб таъриф беради.

3. Мотуридия таълимотининг йирик намояндалари.

Мотуридия таълимоти вакилларига Мовароуннаҳрда фаолият олиб борган бир қанча олимларни мисол келтириш мумкин. Уларнинг орасида аввало Абул Муин Насафийнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Абул Муин Насафий. Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад Макхулий Насафий 1046 йил Насаф воҳасида зиёли оилада таваллуд топган. Дастлабки таълимни ўзининг отасидан олган. Насафийнинг бобоси Абу Мутиъ Макхул ибн Фазл Насафий (ваф. 930 й.) ўз даврида машҳур мутакаллим ва мутасаввиф олим ҳисобланган. Абул Муин Насафийнинг

фиқҳ илмига оид ҳам асарлари мавжуд бўлган. У 1114 йил вафот этган. Алломанинг қабри Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида жойлашган. У умри давомида ўндан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган. Олимнинг асарлари орасида «Табсират ал-адилла», «ат-Тамҳид ли қавонид ат-тавҳид» («Тавҳид қондаларига муқаддима») ва «Баҳр ал-калом» («Калом илми уммони») каби асарлари бизгача етиб келган.

Абул Муин Насафий асарлари орасида «Табсират ал-адилла» энг муҳим ва асосийси ҳисобланади. Асарнинг тўлиқ номи «Табсират ал-адилла фи усул ад-дин ала тариқати Аби Мансур ал-Мотуридий» («Абу Мансур Мотуридий тариқатига биноан дин усулларини аниқ далиллар билан шарҳлаш») деб номланади. Абул Муин Насафий ушбу асарини ёзишига ўша даврда мотуридия таълимоти бўйича «Китоб ат-тавҳид»дан кейин биронта ҳам йирик асар ёзилмаганлиги сабаб бўлган. У «Табсират ал-адилла» асарини ёзиб тугатгач, ушбу асарига хотима ва фиҳрист сифатида икки асари «Тамҳид» ва «Баҳр ал-калом» асарларини ёзган.

Абу Ҳафс Насафий. Унинг тўлиқ номи Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил Насафий (1068-1142) бўлиб, баъзи манбаларда унга ҳам «Мотуридий» нисбаси берилган. Бу унинг Имом Мотуридийнинг маънавий шогирди ва мотуридия таълимотининг давомчиси эканидан дарак беради. Зеро, Абу Ҳафс Насафий ўзининг «Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд олимларини зикр этиш бўйича қанддек (ширин) китоб») асарининг бир нечта жойида Имом Мотуридий номини ўзининг маънавий устози сифатида ҳурмат билан зикр этган. Шунингдек, Абу Ҳафс Насафий ўзининг «Ақонид ан-Насафий» («Насафий ақидалари») асарида мотуридия таълимотини акс эттирган.

Абу Ҳафс Насафийга «Мотуридий» нисбаси берилишига унинг Имом Мотуридий юрти Самарқандда умрининг асосий қисмини ўтказганини ҳам сабаб қилиб кўрсатилади. Жумладан, ўрта аср аллома ва машҳур кишиларининг

нисбаларини ёритиб берувчи «Китоб ал-ансоб» («Насаблар китоби») номли қомусий асар муаллифи Абу Саъд Самъоний (ваф. 1167 й.) алломани Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий Мотуридий, деб атаган.

Нажмуддин Насафий ўрта аср шарқ олимларига хос қомусий билим соҳиби бўлиб, замонасининг машҳур тарихчиси, фақиҳи, муфассири, тилшуноси, географи, файласуфи ҳамда шоири ҳам бўлган. У ёзган асарларнинг мундарижаси ниҳоятда кенг ва ранг-баранг бўлиб, уларнинг бир қисмигина бизгача етиб келган.

Нажмуддин Насафий тилшунослик, тарих, фикр каби илмларга бағишлаб 100 дан ортиқ асарлар яратган. Абу Саъд Самъоний Абу Ҳафс Насафий билан мактублар орали илмий мулоқотда бўлган. Ҳозирги маълумотларга кўра, унинг бизгача 10 та китоби етиб келган. Унинг мотуридия калом мактабига оид «Ақоид ан-Насафий» асари катта шухрат қозонган. Ушбу асар мотуридия таълимотида Абул Муин Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асаридан кейинги ўринда туради. Нажмуддин Насафийнинг фалсафа ва ақоидга доир кўплаб асарлари мавжуд бўлган. Айниқса, унинг «Манзумот ан-Насафий фил хилофиёт» («Ихтилофлар ҳақида Насафий манзумаси») номли шеърый асари машҳур бўлган.

Абул Юср Паздавий. Садр ал-ислом Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдилкарим Паздавий 1030 йилда туғилган. Дастлабки сабоқни отаси Абул Ҳасан Муҳаммад Паздавийдан олган. Бобоси Абдулкарим ибн Мусо Имом Мотуридийнинг шогирдларидан бири бўлиб, у оиласи орқали ҳам Самарқанд калом мактаби билан танишиш имконига эга бўлган. Паздавий ўз даврида бир қанча ҳанафий олимлардан таҳсил олган. Паздавийнинг устозлари орасида Абу Яъқуб Юсуф ибн Муҳаммад Нишопурий ва Абул Хаттоб каби олимларнинг ўрни катта бўлган. Абу Ҳафс Нажмуддин Умар Насафий ва Абул Муин Насафий Паздавийнинг энг машҳур шогирдлари ҳисобланган. Яна унинг шогирдлари орасида

Рукнул аймма Абдулкарим ибн Муҳаммад Санойй (ёки Сабойй) Маданий, Муҳаммад ибн Тоҳир Самарқандий ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Хулабий каби олимларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Манбаларда қайд этилишича, у 1099 йилда Бухорода вафот этган.

Паздавийнинг асарлари орасида унинг «Усул ад-дин» («Дин асослари») асари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур асар 96 масаладан ташкил топган ва мазмун-моҳиятидан аҳли сунна вал жамоа йўналиши ва мотуридия мактаби фикрларининг бутун моҳиятини очиб бериш ва Мовароуннаҳрда тарқалган бидъат ва хурофотлар жамоаси («аҳл аз-зайғ вал бидъаъ») таъсирини камайтириш учун ёзилган.

Шунингдек, Паздавийнинг Имом Муҳаммад Шайбонийнинг «ал-Жомийъ ас-сағир» («Кичик тўплам») асарига шарҳ сифатида «Таълиқот» («Шарҳлар») ҳамда фикҳга оид «ал-Воқиот» («Воқеалар») ва «ал-Мабсут» («Кенг маънолар») асарлари мавжуд бўлган. Паздавий Мовароуннаҳрда, айниқса Бухорода ҳанафий мазҳаби ҳамда мотуридия калом мактабининг ривожланишида улкан хизмат кўрсатган олим ҳисобланган.

Алоуддин Самарқандий. Ушбу аллома ҳам мотуридия таълимотининг йирик намояндаси Абул Муин Насафийнинг энг яқин шогирдларидан ҳисобланган ва фикҳ соҳасида улкан муваффақиятларга эришган. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Аби Аҳмад Абу Бакр Алоуддин Самарқандий бўлиб, унинг туғилган йили ҳақида манбаларда маълумотлар учрамайди. Олимнинг вафоти кўпчилик манбаларда 1143 йил деб кўрсатишган. Алоуддин Самарқандий Абул Муин Насафийдан фикҳ ва калом илмларини ўрганган ва шу асосда ўзининг фикҳга оид «Тухфат ал-фуқаҳо» («Фақиҳлар тухфаси») номли машҳур асарини яратган. Алоуддин Самарқандий нафақат фикҳ, балки калом ҳамда тафсир илмлари борасида ҳам самарали ижод қилган ва мотуридия калом мактабини қўллаб-қувватлаган. Натижада Абу Мансур

Мотуридийнинг «Таъвилот аҳди сунна» («Аҳди сунна таъвиллари (тафсири)») номли тафсирига «Шарҳ таъвилот аҳди сунна» («Таъвилот аҳди сунна тафсири») номи билан шарҳ ёзган. Алломанинг ушбу шарҳни ёзишида Абул Муин Насафийнинг хизмати ниҳоятда катта бўлган. Чунки Алоуддин Самарқандийнинг ўзи Насафий билан Мотуридийнинг «Таъвилот» асарини бирга мутолаа қилганини ва Насафий жоиз, деб топган жойларга шарҳ ёзиб илова қилиб борганлиги ва кейинчалик ушбу шарҳларни алоҳида китоб ҳолига келтиргани ҳақида таъкидлаган. Шунингдек, Алоуддин Самарқандий Абул Юср Паздавийдан ҳам илм ўрганган. Алломанинг бир қанча шогирдлари ҳам бўлган. Унинг энг яқин шогирди ўз қизи Фотима бинт Алоуддин ҳисобланган. Фотима бинт Алоуддин машҳур фақиҳа олима даражасига кўтарилган. Алоуддин Самарқандий қизини ўзининг яқин шогирди Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косонийга никоҳлаб берган. Косоний устозининг «Тухфат ал-фуқаҳо» асарига шарҳ тарзида «Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ» («Шариат тартибида ажойиб санъатлар») номли китобини ёзган. Косоний Абул Муин Насафийнинг ҳам шогирдларидан ҳисобланган.

Иброҳим Саффор Бухорий. Иброҳим ибн Исҳоқ Саффор Бухорий (ваф. 1139 й.) Абул Муин Насафийдан Бухорода калом илмидан таълим олган. Дастан у ўзининг «Рисола фиҳа масоил суила анҳа аш-Шайх ас-Саффор фа ажаба анҳа» («Шайх Ас-Саффор жавоб берган масалалар ҳақида рисола») номли рисоласини ёзган. Ушбу рисолада Абу Мансур Мотуридийнинг фикрларини баён қилган. Олим бухороликлар учун калом илми бўйича «Китоб талхис ал-адилла ли қавоид ат-тавҳид» («Тавҳид қоидаларига оид далилларнинг қисқача баёни») номли ўқув қўлланмасини яратади. Ушбу қўлланманинг қўлёзмаси Туркиянинг «Атиф Эфенди» (Atif Efendi) номли кутубхонасида № 1220 рақами остида сақланади. Иброҳим ас-Саффорнинг Бухорода

мотуридия калом мактабининг тарқалишида хизматлари ниҳоятда катта бўлган.

Нуруддин Собуний. Нуруддин Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аби Бакр Собуний (ваф. 1184 й.) ҳам Иброҳим Саффор билан Бухорода мотуридия калом мактабининг тарқалишида жонбозлик кўрсатган олимдир. У Абул Муин Насафийни ўзининг устози деб ҳисоблаган ва ундан калом илмини ўрганган. Нуруддин Собуний Бухорода ашъария мактаби вакили Фахруддин Розий билан ҳам учрашган. Олим дастлаб «ал-Бидоя фи усул ад-дин» («Бошланғич дин асослари») номи ўқув қўлланмасини яратган. Ушбу қўлланма Истанбулда Б.Топалўғли томонидан 1978 йил биринчи маротаба нашр этирилган. Шундан сўнг бу асар муҳимлиги учун яна етти маротаба нашр этилди. Собунийнинг яна «ал-Кифоя фил ҳидоя» («Ҳидоят ҳақида мухтасар китоб») номи асари мавжуд бўлиб, унинг қўлёзма нусхаси Туркиянинг «Лолали» (Laleli) номи кутубхонасида № 2271 рақами билан сақланади. Шунингдек, унинг «ал-Мунтақа мин исмат ал-анбийё» («Гуноҳлардан ҳоли бўлишлик фақат пайғамбарларга ҳос») номи асари бўлган. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхаси ҳам «Лолали» (Laleli) кутубхонасида № 2426 рақами билан сақланади.

Алоуддин Асмандий. Абул Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдилҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Самарқандий Асмандий 1095 йили Самарқанд атрофидаги Асман шаҳрида туғилган. Бу шаҳар Усман ёки Саманд деб ҳам аталган. У «Тухфат ал-фуқаҳо» асари муаллифи Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий билан чалкаштирилгани боис, манбаларда унга Асмандий нисбаси ҳам қўшиб аталади. Асмандий Ашраф ибн Муҳаммад Алавийдан фикҳ илмини ўрганган, «ас-Садр аш-шаҳид» номи билан машҳур Бурҳон ал-аймма Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорийдан (ваф. 1142 й.) ҳадис ривоят қилган, Али ибн Умар Ҳарротдан ҳадис илмини ўрганган.

Асмандий Абул Муин Насафий билан учрашгани ҳақида маълумотлар келмасада, калом илмига оид асарларини ёзишда асосан унинг илмий меросидан таъсирланган. У Абул Муин Насафий асарларини замондоши Алоуддин Самарқандийдан ўрганган. Асмандийнинг калом илмига оид биргина асари ҳақида маълумотлар бор. Баъзи манбаларда унинг номи «Лубоб ал-калом» («Дақиқ калом илми») деб аталган бўлса, баъзи манбаларда унинг номи «ал-Ҳидоя фи усул ал-эътиқод» («Эътиқод асосларида ҳидоятга эришиш») ёки «ал-Ҳидоя вал калом» («Ҳидоят ва калом илми») деб келтирилган. Ушбу асар усул ад-дин мавзуларини янги ўрганаётганларга йўлланма бериш учун ёзилган. Асмандийнинг бошқа мавзуларга оид асарларига тўхталсак, унинг фуруъ ал-фиқҳга оид «Тариқат хилоф ал-фиқҳ байнал айммат ал-аслоф» («Салаф имомларининг фиқҳдаги ихтилоф йўллари»), «Базл ан-назар фи усул ал-фиқҳ» («Усул ал-фиқҳга назар солмоқ»), «ат-Таълиқа фил фиқҳ» («Фиқҳ илмига шарҳ») ва «ал-Амолий фит тафсир» («Тафсирдаги имлолар») номли асарлари ҳам мавжуддир. Лекин баъзи манбаларда ва кутубхона каталогларида «Тухфат ал-фуқаҳо», «Мезон ал-усул» («Усул илми мезони»), «Шарҳ ал-жомиъ ал-калом» («Калом илми тўплами шарҳи») ва «Шарҳ таъвилот ал-Қуръон» асарлари Алоуддин Самарқандийга эмас, балки янглиш равишда Алоуддин Асмандийга тегишли деб қайд этилган. Ҳанафий фақиҳлари орасида ўзига хос обрўга эга бўлган ушбу аллома XII асрда Мовароуннаҳрда калом илми ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Асмандий 1157 йил Бухорода вафот этган.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Абу Мансур Мотуридий қачон ва қаерда туғилган?
2. Мотуридийнинг қандай асарларини биласиз?
3. Мотуридия таълимоти вакилларида кимларни биласиз?
4. Мотуридия таълимотида оид қандай асарларни биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Айдын Али-заде. Матуридизм в ортодоксальном исламском мировоззрении // www.aboutislam.ws.
2. Айдын Али-заде. Ашаризм в ортодоксальном исламском мировоззрении // www.aboutislam.ws.
3. Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридия: диросотан ва тақвиман. – Ар-Риёд: Дор ас-самий, 2000. – 576 б.
4. Ahmet Ak. Büyük Türk Âlimi Mâturîdî ve Mâturîdilik / Монография. – Istanbul: İnönü Üniversitesi İlahiyat Fakültesi, 2008. – 216 б.
5. Муҳаммад ибн Абдирахмон ал-Ҳомиш. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самий, 2007. – 699 б.
6. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Табсират ал-адила фи усул ад-дин: 2 жилдли / К. Салома нашри. – Дамашқ: 1990-1993. – 1011 б.
7. Оқилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
8. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Насафий. – Т.: «Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси», 2010. – 39 б.
9. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.

8-МАВЗУ. ИМОН МАСАЛАСИ

Режа:

1. Имоннинг шартлари хусусидаги қарашлар.
2. Имоннинг «камайиши» ёки «зиёда бўлиши» ҳақидаги фикрлар.
3. «Имон» ва «ислом» тушунчалари ораёидаги фарқ ва уйғунлик.

Таянч иборалар: мўмин, имон, ислом, муслим, тавба, қалб, иқрор, тасдиқ.

1. Имоннинг шартлари хусусидаги қарашлар.

«Имон» масаласи калом илмининг энг нозик ва асосий мавзуларидан бири ҳисобланади. Чунки имонга берилган таъриф орқали банданинг хатти-ҳаракатига ҳукм чиқарилган. Шунинг учун ҳам ислом тарихида уламолар имонга турлича таърифлар берганлар. Уларни шартли равишда уч йирик гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ – Имом Шофийий, Имом Аҳмад ибн Ханбал, Имом Молик каби уламолар, муътазиллийлар ва ашъария уламолари имонга: «ал-Имон – иқрор би-л-лисон ва тасдиқ би-л-жанон ва-л-амал би-л-аркон», яъни «Имон – тил билан иқрор, дил билан тасдиқ ва арконларга амал қилиш» деб таъриф берганлар. Бу таърифга кўра, имоннинг шарти: тил билан «Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур расулуллоҳи» калимасини айтиб, қалбан ишониш, тасдиқлаш ва арконларни (*намоз, рўза, закот, ҳаж*) бажариш, деб ҳисоблаганлар.

Иккинчи гуруҳ – Имом Аъзам Абу Ҳанифа ва мотуридия уламоларининг таърифига кўра: «ал-Имон – ал-иқрор бил лисон ват тасдиқ бил қалб бимо жоа биҳи мин индиллоҳи Муҳаммадур расулуллоҳи саллаллоҳу алайҳи васаллам», яъни «Имон – Муҳаммад, унга Аллоҳнинг раҳмат ва саломлари

бўлсин, Аллоҳнинг ҳузуридан келтирган нарсаларни тил билан иқрор қилиб, қалбан ишониб, тасдиқлаш»дан иборат. Бу таърифга кўра, асосан, қалб билан тасдиқлаш имоннинг ажралмас қисми ҳисобланган.

Учинчи гуруҳ – жаҳмийлар ва карромийлар имоннинг фақатгина ягона сўз эканлигини ва унинг қалбда бўлиши шарт эмаслигини таъкидлаганлар. Карромийлар ўз фикрларига қуйидаги ҳадисни далил қилганлар: *«Кимки «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини айтса, албатта жаннатга киради».*

Юқорида имонга берилган уч хил таъриф орасида ҳанафий мазҳаби уламоларининг қарашлари мўътадил ҳисобланган. Мотуридия уламолари карромийларнинг фикрларини қоралаб бир қатор нақлий ва мантиқий далилларни келтирадилар. Жумладан, мотуридия таълимоти вакили Абул Муин Насафий «Баҳр ал-калом» асарида имоннинг фақат тил билан қарор топишини инкор этиб, Қуръоннинг «Моид» сураси, 41-оятни далил келтиради: **“Эй, Расул! Оғизлари билан: «Имон келтирдик» дейдиган, (лекин) диллари имон келтирмаганлардан ... (бир қисми) куфр сари интилаётганлари Сизни хафа қилмасин!..”**

Муаллиф ўз асарида далил қилиб келтирган мазкур оятда тил ва дилнинг икки хил бўлиши, яъни тилда имон келтириб, дилда имон келтирмаслик имонлилик эмас, балки имонсизликка интилиш экани зикр этилган.

Насафийнинг фикрича, агар имон фақат тил билан калимани айтишдан иборат бўлса, мунофиқ билан мўмин ўртасида фарқ қолмайди, яъни бундай ҳолат мунофиқлик белгиси, деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, агар имон қалб билан бўлмаса, ундан ҳеч қандай фойда йўқ.

Ҳанафийлар имоннинг қалбда бўлишига яна «Хужурот» сураси, 17-оятни далил келтирадилар: **“Улар Сизга исломга кирганларини миннат қилмоқдалар. Айтнинг: «Сизлар менга исломингизни миннат қилмангиз, балки агар (имонингизда) содиқ бўлсангизлар, билингизки, Аллоҳ сизларни имонга ҳидоят қилганини миннат қилур”.**

Ҳанафийлар яна «Мумтаҳана» сураси, 10-оятни далил келтирадилар: “Эй, мўминлар! Қачонки, сизларга (Макка кофирлари томонидан) мўмина аёллар ҳижрат қилиб келсалар, уларни имтиҳон қилиб кўрингиз! Аллоҳ уларнинг имонларини (бор ёки йўқлигини) яхшироқ билгувчидир...”

Шунингдек, ҳанафий-мотуридия уламолари Имом Шофий, муътазиллийлардан фарқли равишда амалларнинг имондан алоҳида эканини эътироф этганлар. Абул Муин Насафийнинг таъкидлашича, Абу Мансур Мотуридий наздида имон – фақат қалб билан тасдиқлашдан иборат бўлган. Мотуридия уламолари ушбу фикрларига Қуръондан қуйидаги оятларни далил келтирганлар: Эй, имон келтирганлар! Намоз (ўқиш)га турар экансиз... («Монда» сураси, 6-оят).

Эй, имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат) ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз («Бақара» сураси, 183-оят).

Насафийнинг таъкидлашича, юқоридаги оятларда Аллоҳ намоз ўқишларидан ва рўза тутишларидан аввал, яъни мазкур амалларни бажармаган бўлсаларда, бандаларига «мўминлар» дея хитоб қилмоқда. Мазкур оятлар ҳам имон амаллардан алоҳида эканига далил бўлади. Шунингдек, Насафий асҳоби қаҳф ва фиръавн сеҳргарлари амалларни бажармаган бўлсаларда, уларнинг имонлари Аллоҳ ҳузуринда қабул қилинганини таъкидлайди.

Имом Шофий эса, амаллар имоннинг ажралмас қисми эканини эътироф этиб, Қуръоннинг «Бақара» сураси, 177-оятини далил келтирган: “Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига буришингиз (ибодат қилишингизнинг ўзи тўла) яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга имон келтирган, ўзи яхши кўрган молдан қариндошларига, етимларга, мискинларга, йўловчига, тиланчиларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган,

намозни тўқис адо этиб, закотни тўлаб юрадиган киши ва аҳдларига вафо қилувчилар, шунингдек, оғир-енгил кунларда ва жанг пайтида сабр қилувчилар яхшилик (аҳли)дир. Айнан ўшалар (имонларида) содиқдирлар ва айнан ўшалар тақводордирлар”.

Абу Ҳанифа наздида, мўминни амалларни мутлақ инкор этмасдан уни бажармаслиги имондан чиқармайди. Балки у осий, яъни гуноҳкор мўмин бўлади. Шунингдек, мўмин гарчи катта гуноҳ содир қилган бўлса ва уни ҳалол ҳисобламаса, у ҳам имондан чиқмайди, балки фосиқ-мўмин бўлади. Муътазиллийлар эътиқодига кўра, бундай мўминлар бу дунёда мўминлик билан куфр ўртасида қолади (ал-манзила байнал манзилатайн) ва охиратда абадий дўзахда бўлади. Имом Шофий ва Имом Абу Ҳанифа наздарида мўминлар тавба орқали ўз гуноҳларидан фориғ бўлишлари мумкин, ёки охиратда шафоат орқали жаннатга киришлари мумкин.

2. Имоннинг «камайиши» ёки «зиёда бўлиши» ҳақидаги фикрлар.

Мўминнинг хатти-ҳаракатига, қилган амалларига қараб имон зиёдалашиши ёки камайиши борасида ҳам уламолар ўртасида фикрлар турлича бўлган. Абу Ҳанифа ва ҳанафия-мотуридия уламолари наздида имон зиёдалашмайди ва камаймайди. Бироқ Шофий, Аҳмад ибн Ҳанбал ва муътазиллийлар фикрича, мўминнинг қилган амалларига қараб унинг имони камайиши ёки зиёда бўлиши мумкин. Шофий далил сифатида Куръондан «Фатҳ» сураси, 4-оятни келтирган: “У (Аллоҳ) Ўз имонларига яна имон қўшилиши учун мўминларнинг дилларига таскин туширган зотдир..”.

Яна “Анфол” сураси, 2, 3-оятлари ҳам далил келтирилган: “Мўминлар – Аллоҳ (номи) зикр этилганида – дилларида қўрқув бўладиган, оятлари уларга тиловат қилинганида – имонлари зиёда бўладиган, Парвардигорларигагина (барча ишларида) таваккул қиладиган, номозни баркамол

ўқийдиган ва ризқ қилиб берганимиздан (садақа ва) эҳсон қиладиган кишилардир”.

Шунингдек, Шофийий имоннинг зиёдалашувига қуйидаги ҳадисни далил келтирган: Абу Хурайра, Анас ибн Молик, Абу Саид Худрий, Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Кимнинг қалбида заррача ҳам имони бўлса дўзахдан чиқарилади». Шофийийнинг таъкидлашича, ушбу ҳадисга мувофиқ, инсон қалбидаги имоннинг миқдори турлича бўлиши мумкин. •

Абул Муин Насафий «Баҳр ал-калом» асарида юқоридаги оятларни қуйидагича таъвил қилади: «Фатҳ» сурасининг 4-оятда Аллоҳ саҳобаларнинг имонларини баён қилган. Чунки саҳобалар ҳар бир тушган оятларга имон келтириб турганлар. «Анфол» сурасининг 2-оятдаги имон калимаси орқали Аллоҳ, аслида, мўминларнинг сифатини баён қилган. Чунки мўминлар имонда эмас, аслида тоат-ибодатда бир-бирларидан тафовутли бўладилар.

Абу Ҳанифа ҳам «Фатҳ» сурасининг 4-оятини қуйидагича шарҳлаган: Саҳобалар бир сўз билан имон келтирадилар. Сўнгра бир фарзнинг кетидан яна бир фарз келганида, улар ҳар бир янги келган фарзга имон келтирадилар ва уларнинг имонлари зиёдалашади. Шу каби имонда собитлик ва ундаги давомийлик ҳар соатда унинг зиёдалашувига сабабдир. Бу худди бир дирҳам мавжуд бўлиб, сўнгра ҳар соатда унинг зиёдалашуви кабидир. Ушбу зиёдалиқ ўзидан бўлмай, шу билан бирга у бўлинишдан ҳолидир. Унинг фақат қалбдаги нуригина яхши амаллар сабабли зиёдалашиши ва камайиши мумкин. Шунингдек, гуноҳ ишлар қилиниши имон нурининг камайишига олиб келади. Абу Ҳанифа имоннинг нури ва зиёси бўлишига қуйидаги оятларни далил келтирган: “Улар Аллоҳнинг нурини (Исломни) оғизлари (беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўлурлар. Аллоҳ эса, гарчи кофирлар ёқтирмаса-да, Ўз нурини (динини) камолга етказувчидир” («Саф» сураси, 8-оят).

“Ахир кўксини Аллоҳ Ислоом учун (кенг) очиб қўйган, ўзи эса, Парвардигори (томони)дан нур (ҳидоят) узратурган киши (бошқалар билан баробар бўлурми)?! Бас, диллари Аллоҳни эслашдан қотиб қолган кимсалар ҳолига вой! Улар аниқ залолатдадирлар!” («Зумар» сураси, 22-оят).

Абу Мансур Мотуридий наздида ҳам имон зиёдалашмайди ва нуқсонли ҳам бўлмайди. Унинг фикрича, инсоннинг қалбида имон худди осмонда ой ягона бўлгани каби ягона бўлади. Агарда у камайса, яримта, кўпайса бир ярим ёки иккита бўлиши керак. Бу эса ҳақиқатга зиддир. Баъзи уламолар имоннинг зиёдалашуви ҳақидаги фикрни маъқуллайдилар ва амалларни ҳам имондан деб ҳисоблайдилар. Агар шундай бўлса, унда ҳеч кимнинг имони мукамал бўла олмайди.

Абул Муин Насафий «Табсират ал-адилла» асарида таъкидлашича, имоннинг асли тасдиқдир. Имон аслида бошқа тоат-ибодатга доир амаллар билан мукамал бўлмайди. Амалларнинг кўпайиши тоат-ибодатнинг кўпайиши бўлиб, бу имоннинг кўпайиши эмас. Бу, худди бир уйда ўнта эркак киши бўлиб, бу уйга бир аёл кирса, уйда эркак кишиларнинг кўпайиши эмас, одамлар сонининг кўпайиши содир бўлади. Бунда кимки, аёлнинг кириши билан шахсларнинг сони ортди, деса, рост гапирган бўлади. Кимки, эркак кишиларнинг сони ортди, деса, ёлгон гапирган бўлади. Мотуридия уламоларининг таъкидлашича, агарда имоннинг собит бўлиши амаллар билан бўлганда, исломнинг дастлабки даврида имон келтирган ва кейин нозил бўлган фарз амалларни бажаришга улгурмай вафот этган мўминларнинг имони мукамал ҳисобланмас эди. Бу эса мантиқдан йироқдир.

3. «Имон» ва «ислом» тушунчалари орасидаги фарқ ва уйғунлик.

Аҳли сунна вал жамоанинг фикрича, «имон» билан «ислом» бир нарса, яъни «ал-калимат ал-мутародифа» (синоним сўзлар) туркумига киради. Худди «асад» билан «лайс» шер маъносини билдиргани каби. Ҳар бир мўмин

– муслим ва ҳар бир муслим – мўмин ҳисобланади. Бу икки сўз бир-бирини тўлдириб туради ва уларнинг алоҳида деб таъкидлаш мантиқан нотўғридир. Чунки «имон» исм бўлиб, Аллоҳнинг ягоналигини ақл, оят ва манбаларнинг гувоҳлиги билан тасдиқлаш учундир. Бу борада унинг шериги йўқ. «Ислом» кишининг ўз нафсини тўлалигича бўйсундиришидир. Мотуридия уламоларининг фикрича, мўмин кишини бир вақтда муслим эмас, ёки муслимни мўмин эмас, деб ҳисоблаш ақсизликдир.

Бироқ айрим ақидавий оқимлар, жумладан ҳашавия оқими вакиллари имон билан ислом алоҳида эканини қатъий таъкидлаганлар ва «Хужурот» сураси 14-оятни далил келтирганлар: **“Аъробийлар: «Имон келтирдик», - дедилар. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Сизлар имон келтирганингиз йўқ, лекин сизлар «Исломга кирдик» денг! (Чунки ҳануз) дилларингизга имон кирган эмасдир»... .**

Абул Муин Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асарида таъкидлашча, Абу Мансур Мотуридий ушбу оятни таъвил қилар экан, ундаги «асламна» калимасини «таслим бўлмоқ» деб изоҳлаган. Шунга кўра мазкур оят мазмунини қуйидагича таъвил қилган: **«Аъробийлар: «Имон келтирдик», - дедилар. Эй, Муҳаммад! Уларга Сиз айтинг: Сизлар ҳамон имонга кирганингиз йўқ. Балки, мағлуб бўлиб таслим бўлганингиздан имон келтирмоқдасиз. Шунинг учун сизлар: «Қиличларнинг зарбидан таслим бўлдик», - деб айтинг».**

Мотуридия таълимотига кўра, имон билан исломнинг бир маънода ишлатилиши, худди араб тилидаги «қууд» ва «жулус» (ўтирмоқ) сўзларининг бир хил маънони англатгани каbidир.

Мотуридийларнинг ақлий далилига кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.) замонларида одамлар учта тоифага бўлинган: мўмин, кофир ва мунофиқ. Уларнинг қайсилари муслим бўлганлар? Ваҳоланки, уларнинг тўртинчиси бўлмаган. Муслим атамаси кам ишлатилган ва кейинроқ кенг истилоҳда ишлатилган. Абул Муин Насафий мотуридиянинг ушбу қарашларига

Қуръондан қуйидаги оятларни далил келтирган: “Бас, Биз у жойдаги мўминлардан бўлмиш кишиларни чиқариб юбордик. У жойда бир хонадондан (Лут хонадонидан) ўзга мусулмонларни топмадик” («Зориёт» сураси, 35, 36-оятлар).

“Мусо деди: «Эй, қавмим! Аллоҳга имон келтирган экансиз, бас, Унга таваккул ҳам қилингиз, агар мусулмон бўлсангиз, албатта» («Юнус» сураси, 84-оят).

“..Сиз фақат бизнинг оятларимизга имон келтирадиган кишиларгагина (ўз сўзингизни) уқтира олурсиз. Бас, ўшалар мусулмонлардир” («Рум» сураси, 53-оят).

Мазкур оятларда «мўмин» ва «муслим» сўзлари бир маънода келган.

Шунингдек, Насафий Расулуллоҳ(с.а.в.)дан қуйидаги ҳадисни далил келтиради: «Мўмина нафсдан бошқа ҳеч ким жаннатга кирмайди». Мазкур ҳадисни Имом Аҳмад, Имом Термизий ва Ҳоким каби муҳаддислар Зайд ибн Ясбуғнинг Али ибн Аби Толибдан ривоят қилган йўл орқали ривоят қилганлар. Насафийнинг таъкидлашича, ушбу ҳадис, «Мусулмон нафсдан бошқа ҳеч ким жаннатга кирмайди», деган матнда ҳам ривоят қилинган. Ушбу ҳадис матнини Имом Муслим «Имон китоби»да Саййид Мусайябнинг Абу Ҳурайрадан ривоят қилган йўл орқали ривоят қилган. Насафий юқоридаги далилларни келтириб, имон билан ислом ўртасида фарқ йўқлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ, деб қатъий таъкидлаган.

Имонда истисно масаласи ҳам тарихда катта тортишувга сабаб бўлган. Ашъарийлар ва аҳли ҳадис уламолари, имонда истисно бўлиши, яъни киши мўминлигини тил билан ифодалаганда, «Мен Худо хоҳласа мўминман» (*ана мўмин иншааллоҳ*), деб айтиши шарт, деб таъкидлаганлар. Уларнинг эътироф этишича, банд умирининг охиригача мутлақ мўмин ҳолда бўлишини аниқ биламайди. Чунки Аллоҳ уни адаштириб қўйиши мумкин. Шунинг учун «Агар Аллоҳ хоҳласа» (*иншааллоҳ*) лафзи ишлатилган.

Мотуридия таълимотида эса аксинча, киши мўминлигини тил билан ифодалаганда, «Мен ҳақиқатда мўминман» (*ана мўмин бил ҳаққ*), деб таъкидлаши лозим бўлган. Абу Мансур Мотуридийнинг фикрича, Аллоҳ онанинг қорнидаги болани қачон туғилишини аниқ билсада, у Аллоҳнинг ҳузурда тирик деб ҳукм қилинмайди. Тирик жоннинг қачон вафот этишини билса ҳам, у ўлик деб ҳукм қилинмайди. Бандаларнинг ҳолати воқелик, ўша замон нуқтаи назаридан ҳукм қилинади. Шунинг учун айна вақтдаги мўмин мутлақ мўмин ҳисобланади, унинг имонига шубҳа қилиш, иккиланиш асоссиз бўлади.

Ўтнган мавзу бўйича саволлар:

1. Абу Ҳанифа эътиқодида имоннинг шартлари қандай?
2. Имоннинг фақат сўз эканини қайси оқимлар таъкидлаган?
3. Имон билан ислом ўртасида фарқ борми?
4. Имоннинг шартларига кимлар амалларни киритган?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мансуров А. Ақоид матнаари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт матбаа бирлашмаси, 2006. – 56 б.
2. Мотуридий, Абу Мансур. Китоб ат-тавҳид / Фатхуллоҳ Хулайф нашрга тайёрлаган. – Истанбул: ал-Мактаба ал-исломия, 1979. – 408 б.
3. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Баҳр ал-калом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – 213 б.
4. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Тасбират ал-адилаа фи усул ад-дин: 2 жилдли / К. Салома нашри. – Дамашқ: 1990-1993. – 1011 б.
5. Оқилов С. Калом илами / Ўқув қўлланма. – Т.: «Тошкент ислом университети», нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 160 б.
6. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

9-МАВЗУ. МОТУРИДИЯ ВА АШЪАРИЯ ЎРТАСИДАГИ УМУМИЙ ИХТИЛОФЛАР

Режа:

1. Мотуридия ва ашъария таълимотлари ўртасидаги фикрий яқинлик сабаблари.
2. Мотуридия ва ашъария ўртасидаги ихтилофларга оид ёзилган асарлар.
3. Мотуридия ва ашъария ўртасидаги лафзий ва маъновий ихтилофлар.

Таянч иборалар: ихтилоф, лафзий ихтилоф, маъновий ихтилоф, истисно, муқаллид, лавҳул маҳфуз, бахтлилик, бадбахтлиқ.

1. Мотуридия ва ашъария таълимотлари ўртасидаги фикрий яқинлик сабаблари.

Мотуридия ва ашъария таълимотларига эътибор қаратган киши мазкур икки таълимотлар орасида жуда катта яқинликка гувоҳ бўлади. Ушбу ақидавий мавзулардаги ўзаро яқинлик, икки таълимот ўртасидаги иттифоқ ва келишувни вужудга келтирган. Натижада икки таълимот ҳам «аҳли сунна вал жамоа» деб эътироф этилган икки мактабга айланган. Лекин масаланинг ажабланарли ва нозик жиҳати шундаки, икки мактаб ўртасидаги бу ўзаро яқинликнинг қандай юзага келганидир. Зеро, Мотуридий умрининг барча қисмини Мовароуннаҳр диёрида ўтказиб, шу ерда вафот этган ҳамда манбаларда унинг ўзи яшаган диёрдан четга чиққани ҳақида бирор маълумот зикр этилмаган.

Ашъарий ҳам Ироқда яшаб ўша ерда вафот этган. Бирорта ҳам манбада унинг Ироқдан ташқарига чиққанини тасдиқловчи, айниқса Мовароуннаҳр диёрига сафар

қилгани ҳақида маълумотлар келмаган. Мотуридий билан Ашъарий бир замонда яшаган бўлсалар-да, улар ўзаро илмий муомалада бўлмаганлар ва бир устоздан ҳам сабоқ олмаганлар. Бунга далил сифатида Мотуридийни бизгача етиб келган китобларида Ашъарийни мутлақо тилга олмагани, шунингдек Ашъарийнинг ҳам бизгача етиб келган китобларида, хусусан исломга оид тоифаларнинг барчасини тилга олган “Мақолат ал-исломийин” китобида ҳам Мотуридий ҳақида биронта ҳам маълумот келтирмаганини мисол қилишимиз мумкин. Ваҳоланки, иккала олим ҳам ўша даврдаги агрессив оқимлар сирасига кирган муътазилия ва хорижия каби таълимотларга қарши курашда бир хил услубдан фойдаланган.

У ҳолда, икки таълимот ўртасидаги ўзаро ақидавий яқинликни қандай изоҳлаш мумкин? Машҳур олим Абу Заҳранинг таъкидлашича, икки таълимот ўртасидаги яқинлик, айнан икки олимнинг бир хил рақибларга қарши ғоявий кураш олиб борганидadir. Айнан ушбу кураш уларнинг услубларининг ҳам яқин бўлишига хизмат қилган¹⁴. Шунингдек, икки олим бир-бири билан умуман мулоқотда бўлмагани ва танимагани ҳам уарнинг ақидавий қарашларидаги яқинликни келтириб чиқарган.

Ашъарийнинг илмий мероси ҳақидаги аввалги маълумотда таъкидланганидек, у дастлаб муътазилия таълимоти вакили бўлган. Муътазилиядан воз кечиб Бағдодга кўчиб ўтгандан сўнг Бағдоддаги муҳаддис, муфассир ва фақиҳларга ўзининг ҳақиқатан ҳам муътазилиядан воз кечганини исботлаши зарур эди. Чунки ўша даврда Бағдодда асосан муътазилиянинг энг ашаддий танқидчиларидан бири бўлган Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг тарафдорлари фаолият олиб борар эдилар. Ашъарий энди ўзининг ақидавий қарашларини фақат тўлиқ ақлга суяниб эмас, балки нақлга (Қуръон ва ҳадис) ҳам таянган ҳолда баён қилишга мажбур эди. Шу орқали у

¹⁴ Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридия: дирсотан ва тақвиман. – Ар-Риёда: Дор ас-самий, 2000. – Б. 491 (Бундан кейин: Ҳазбий. Мотуридия).

Бағдоддаги ханбалий аҳли ҳадислар орасида ўзининг мавқеини мустаҳкамлаб олиши мумкин эди. Демак, Ашъарийнинг муътазилиядан воз кечиб, Бағдодда аҳли сунна вал жамоа уламулари орасида илмий фаолият олиб боргани ҳам унинг ақидавий қарашларини Мотуридийнинг қарашлари билан ҳамоҳанг бўлганига сабаб бўлган.

2. Мотуридия ва ашъария ўртасидаги ихтилофларга оид ёзилган асарлар.

Лекин кейинги асрларда мотуридия ва ашъария таълимотлари кенг тарқалиб, ҳар икки таълимот ўз тарафдорларига эга бўлди. Ашъария таълимоти асосан Хуросон ўлкаларида шофийлар томонидан, мотуридия таълимоти эса Мовароуннаҳрда ҳанафийлар томонидан кенг тарғиб қилина бошланди. Натижада шофийлар билан ҳанафийлар ўртасида турли ақидавий ихтилофлар юзага келди. Энди ашъария таълимоти “аҳли сунна вал жамоа” эмас балки, “асҳоб ал-ҳадис” деб атала бошланди. Лекин ушбу ихтилофлар жузъий аҳамиятга эга бўлиб, улар бир-бирини тўлдирувчи масалалардан иборат эди.

Қуйида икки таълимот ўртасида юзага келган мазкур ихтилофларга оид ёзилган асарлардан муҳим маълумотлар баён қилинади:

1. Шофия олими Тожиддин Субкий “Қасида ан-нуния ли Тожиддин Субкий” номли табақот асарида шундай дейди: “Мен ҳанафийликка оид китобларни ўрганиб чиқдим. Ҳанафийлар билан бизнинг ўртамизда жами ўн учта ихтилофли масалалар бўлиб, ундан олтитаси маъновий, қолгани лафзийдир. Ушбу олтита маъновий ихтилофлар ҳам ҳанафийлар билан шофийлар ўртасига адоватга сабаб бўлмайди. Шунингдек, бизнинг ҳам уларга бўлган муносабатимиз, уларни кофир деб билиш ёки бидъатчи санашликни тақозо этмайди”.

2. Тожиддин Субкийнинг мазкур қасидасига муфассал шарҳ ёзган Муҳаммад ибн Аби Тоййиб Шерозий мазкур мавзуга оид байтларни қисқартириб Субкийнинг сўзи билан қуйидаги байтни келтиради:

ن ا ق ت ا ل ا ق ي ق ح ي ر ع ش ا ل ا و ن ا م ع ن ل ا ق د ي ق ع ن ا ح اص ا ي

Маъноси:

*Эй дўст! Билки, ақида бобида Нуъмон,
Ҳақ Таоло йўлида эрди бегумон.*

*Эътиқод бобида ҳам гўё Ашъарий,
Моҳир борар эрди у Ҳақ йўли сари¹⁵.*

3. Имом Баёзий ўзининг “Ишорат ал-маром мин иборат ал-Имам” номли асарида ашъария ва мотуридия ўртасидаги ихтилофлар масаласини ёритиш учун алоҳида бир фасл ажратган. У икки таълимот ўртасида элликта ихтилофли масалани зикр қилган ва уларни кенг тарзда ёритиб берган.

4. «Назм ал-фароид ва жамъ фил баён ал-масоил аллати вақоа ал-ихтилоф байнал мотуридия вал ашъария фил ақида» асари муаллифи Абдирахим ибн Али Шайхзода мазкур рисоласида қирқта ихтилофли масалани эътироф этган.

5. «Қуррат ал-айн фи жамъ ал-баён»¹⁶ номли асарнинг муаллифи мазкур асарида йигирмата ихтилофли масалани кўрсатиб ўтган.

6. «Хилофият ал-ҳукама маал мутакаллимин ва хилафият ал- ашъария маал мотуридия» асари муаллифи Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Мусо ҳам мазкур асарида икки таълимот ўртасидаги ихтилофларни зикр қилган. Ушбу олим дастлаб жами мутакаллим ва файласуфлар ўртасидаги ихтилоф ва келишмовчиликларни, сўнгра муътазилия ва ашъария ўртасидаги ихтилофларни баён қилган. Кейинроқ эса ашъария

¹⁵ Ушбу мисра муаллиф С.Оқилов томонидан ўзбек тилига эркин назмий таржима қилинган.

¹⁶ Мазкур асарнинг муаллифи номаълум. Лекин манбаларда ушбу асар XI асрда ёзилгани эътироф этилган.

ва мотуридия ўртасидаги ихтилоф ва иттифоқни ёритиб берган.

7. «ал-Ақида ал-жавҳария фил фарқ байнал мотуридия вал ашъария» асари муаллифи Холид ибн Аҳмад ибн Хусайн Нақшбандий ўзининг мазкур рисоласида фақатгина икки таълимот ўртасида «касб» масаласидаги ихтилофни батафсил ёритиб берган.

8. «Рисола фил фарқ байнал ашъария вал мотуридия» асари муаллифи Шайх Амир ал-Хотикий ал-Форуқий мазкур рисоласини икки таълимот ўртасидаги банданинг амалида ва иродасида жузъий ихтиёр мавжудлиги ҳақидаги ихтилофга бағишлаган.

9. Зубайдий номли олимга тегишли «Итҳаф ас-саада ал-муттақийн» номли рисолада ашъария ва мотуридия ўртасидаги айрим ихтилофли масалалар кўрсатиб ўтилган. Муаллиф ушбу асарида юқорида зикр қилинган Субкийнинг асарларидан жой олган қасидалардаги байтлардан мисоллар ҳам келтирган¹⁷.

10. «ар-Равзат ал-бахия фима байнал ашаира вал мотуридия» асари муаллифи Ҳасан ибн Абдилмуҳсин Абу Азба икки таълимот ўртасида ўн учта ихтилофли масалани ёритиб берган. Ушбу масалаларнинг еттитаси лафзий олтитаси эса маъновий ҳисобланган.

3. Мотуридия ва ашъария ўртасидаги лафзий ва маънавий ихтилофлар.

“Ар-Равзат ал-бахия фима байнал ашаира вал мотуридия” асари муаллифи Ҳасан ибн Абдилмуҳсин Абу Азба ўзининг асарида мотуридия ва ашъария таълимотлари хусусида қуйидагича таъкидлаган: “Аҳли сунна вал жамоа ақидасининг барча доираси икки кутб мутакаллимларининг таълимотларидан ташкил топган. Уларнинг бири Абул Ҳасан Ашъарий, иккинчиси Абу Мансур Мотуридийдир. Бас, кимки

¹⁷ Ҳазбий. Мотуридия. – Б. 498.

улардан бирига эргашса ҳидоятга эришади ва ўз ақидасида залолатдан саломат бўлади¹⁸.

Мотуридия ва ашъария таълимотлари ўртасидаги ихтилофли масалаларни Абу Азбанинг мазкур асари орқали баён қилишга ҳаракат қилдик. Мотуридия ва ашъария ўртасидаги лафзий ихтилофли масалалар қуйидагилар:

- **биринчи лафзий ихтилоф** имонда “истисно” қилиш масаласи ҳақида бўлиб, ушбу масала қуйидагича тус олган: Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, элчиларига ва охираат кунига имон келтирган мўмин киши қай тарзда ўз имонини ифода этиши керак? У: “Мен ҳақиқатдан мўминман”, дейдими ёки “мен иншоаллоҳ мўмин бўлишим мумкин”, дейдими?

Аҳли ҳадис уламолари ва Ашъарий “истисно” зикр этилиши кераклигини таъкидлайдилар. Абу Ҳанифа ва аксарият уламолар “истисно” зарур эмаслигини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, мўмин ҳақиқатдан мўмин, кофир ҳақиқатдан кофир бўлади. Куфрда шубҳа бўлмаганидек, имонда ҳам шубҳа бўлмайди. Ижмога кўра имонда шак-шубҳа жоиз эмас. Аксарият ҳанафий-моуридийларнинг эътиқодига кўра, кимки Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва расулларига Аллоҳ хоҳласа имон келтирдим, деса у ўз имонига шубҳа билан қараган бўлади. Бу эса, уларнинг имонлари саҳиҳ эмаслигига далолат қилади.

Шунингдек, “истисно” бошқа битимларни тузишни ҳам бекор қилади. Худди “иншоаллоҳ сотдим” ва “иншоаллоҳ ижарага бердим” мисолига ўхшаш имон битимини тузиш зарурат қилиб кўрсатилади. Ашъарийларнинг фикрича, “истисно” мажозий маънода аслида бир нарсани боғлаб қўйишдир. Улар ушбу ақидаларига Куръондан “Каҳф” сураси 23, 24-оятларини далил келтирадилар: “**Бирор нарса ҳақида: “Мен, албатта, эртага шуни қилувчиман”, дея кўрманг! Илло, “Иншоаллоҳ, (Аллоҳ хоҳласа)”** (денг. Бу

¹⁸ Абу Азба Ҳасан ибн Абдилмуҳсин. Ар-Равзат ал-бахия фима байнал ашайра вал мотуридия / Ҳазрат Али Фарид Даҳруж нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дор сабил ал-иршод, 1996. – Б.16.

сўзни) унутган вақтингизда (ёдингизга келиши билан) Раббингизни зикр қилинг (яъни “иншоаллоҳ”, денг) ва: “Шояд, Раббим мени бундан ҳам яқинроқ Тўғри йўлга ҳидоят этса”, денг!”

Ҳанафийлар эса, “истисно” мозий ёки ҳозирда амалга оширилган бўлса, бу ерда боғлашлик тўхтатилади, деб таъкидлайдилар. Чунки “Иншоаллоҳ” калимаси Аллоҳдан келажакдаги нарсаларни сўраш ёки умид қилиш учун ишлатилади. Ҳанафийлар бунга далил қилиб Қуръондан “Анфол” сураси 3, 4-оятни далил келтирадилар: “намозни баркамол ўқийдиган ва ризқ қилиб берганимиздан (садақа ва) эҳсон қиладиган кишилардир. Айнан ўшалар ҳақиқий мўминлардир...” .

Бу масала аслида ихтилоfli бўлиб, бунда киши айна дамда ҳақиқий бахтлими ёки бадбахтми? деган савол пайдо бўлади. Ашъария таълимоти бахтли кишининг бадбахт бўлиши ва бадбахт кишини бахтли бўлишини инкор этади. Абу Ҳанифа эса бахтли киши гоҳида бадбахт бўлиши мумкин ва бадбахт ҳам гоҳида бахтли бўлиши мумкинлигини жоиз деб билади. Абу Ҳанифанинг таъкидлашича, бахтлилик лавҳу маҳфузда мавҳумликка битилган бўлиб ёмон қилмишлар билан бадбахтликка эришилади. Бадбахтлик ҳам лавҳу маҳфузга битилган бўлиб, бахтли кишиларга хос ишлар билан бахтлиликка алмашади.

Абул Ҳасан Ашъарийнинг таъкидлашича, бахтлилик ва бадбахтлик одам болалари тақдирига битилган бўлиб бахтли бадбахтга, бадбахт бахтлига алмашмайди ва қисмат ҳам бўлмайди. Бахтли киши гоҳида бадбахт кимсаларнинг қилмишини қилиши мумкин. Шунда унга ёзилган тақдир илгарилайди ва саодат аҳдининг амаллари билан жаннатга киради. Шу билан бир қаторда бадбахт киши ҳам гоҳида бахтли кишиларнинг ишларини қилиши мумкин. Шунда унга ҳам ёзилган тақдир илгарилайди ва бадбахт кишиларнинг

амаллари билан дўзахга киради. Бу бир ҳикмат бўлиб, буни фақатгина Аллоҳ ва у зот билдирган кишиларгина билади.

Абу Ҳанифа эса Аллоҳ кишиларнинг исломдан аввалда қилган гуноҳларини гарчи исломдан илгари кофир бўлган бўлсалар ҳам мағфират қилишини ва бунинг самараси ўлароқ улар ҳам оқибатда бахтли бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. У ушбу ақидасига Куръондан “Анфол” сураси 38-оятни далил келтиради: “**Кофир бўлганларга айтинг, агар (куфрдан) қайтсалар, ўтмиш (гуноҳ)лари кечирилур. Борди-ю, (куфрга) қайтсалар, (унда) олдингиларнинг йўли (сабоқ сифатида) ўтган.**”

Шунингдек, Абу Ҳанифа яна “Раъд” сураси 39-оятни ҳам далил келтиради: “**Ўзи хоҳлаган нарсани (яъни ҳукми) ўчирур ва (Ўзи хоҳлаган ҳукми) қолдиради. Она Китоб (Лавҳул-маҳфуз) Унинг ҳузуридадир.**”

Абу Ҳанифа ушбу оятни қуйидагича тафсир қилган: “Аллоҳ бандаси тавба қилганда унинг гуноҳу-маъсиятларини ўчиради ва тавбани устувор қилади”.

Ашъарий эса ўз ақидасига Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг Оиша онамиздан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисни далил келтиради: “**Бахтли онасининг қорнида саодатли қилинган кишидир, бадбахт онасининг қорнида бадбахт бўлган кишидир**”¹⁹.

Ашъарий яна қуйидаги ҳадисни далил келтирган: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “**Ораларингизда ўрни дўзахдан белгиланмаган ва ўрни жаннатдан белгиланмаган киши йўқ**”, дедилар. Шунда саҳобалар сўрашди: “**Эй, Расулуллоҳ! Тақдиримиздан умид қилмайликми ва амални даъво қилмайликми?**” Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “**Амал қилаверинглар! Бас, ҳамма нимага яратилган бўлса, ўшанга муяссар бўлади**”.

- **иккинчи лафзий ихтилоф.** Ашъарийларнинг таъкидлашича, кимки бадбахтлардан бўлса, бас, у

¹⁹ Ҳазбий. Мотуридия. – Б. 45.

бадбахтларнинг қилмишларига эришади. Кимки бахтлилардан бўлса, бас, у саодатмандлар амалларига эришади.

Ҳанафийлар эса, аксинча қуйидаги ақидани илгари сурганлар: Лавҳул маҳфузда ёзилган тақдир Аллоҳнинг сифати эмас, балки саодат ва бахтсизлик банданинг сифатидир. Банданинг эса бир ҳолатдан, бошқа бир ҳолатга ўтиши жоиз бўлади. Қазо ва қадарга тўхтаб, у ўзгармайди. Чунки бу, қазони белгиловчи зотнинг сифатидир. Кишилар аслида 4 тоифадан иборатдир:

1. Пайгамбарлар тоифаси, яъни боши ва охири саодат билан белгиланган тоифа;

2. Боши ва охири бадбахтлик билан белгиланган Фираъвн ва Абу Жаҳл тоифаси;

3. Боши бахтлилик, охири эса бадбахтлик билан белгиланган Иблис тоифаси;

4. Боши бахтсизлик ва охири бахтлилик бўлган Абу Бакр, Ҳазрат Умар, Усмон ибн Аффон, Ҳазрат Али ва Фиръавннинг сеҳргарлари тоифаси.

- **учинчи лафзий ихтилоф** кофирнинг мукофотланиши (неъматланиши) ҳақида. Ашъарийнинг таъкидлашича, кофир на бу дунёда, на охирада ҳеч қандай неъматлар билан мукофотланмайди. Мотуридия таълимотида эса, кофир бу дунёда дунёвий неъматлар билан мукофотланиши мумкин.

- **тўртинчи лафзий ихтилоф** Расулуллоҳ (с.а.в.) ва бошқа барча пайгамбарларнинг рисолати уларнинг вафотидан сўнг ҳам боқий қоладими? – деган савол юзасидан бўлиб, мотуридия таълимоти бўйича, улар ҳозирда ҳам расулдир. Ашъария таълимотига кўра, рисола ҳукм сифатида ўзининг асл ўрнида турибди. Лекин Расулар рисоладан олдин Расул бўлмаган ва ҳозир ҳам улар Расул эмаслар.

- **бешинчи лафзий ихтилоф** ирода ва ризо масаласида бўлиб, Ашъарийнинг фикрича, мазкур тушунчалар бири-биридан фарқ қилади. Абу Ҳанифа ва мотуридиянинг фикрича, ирода ва ризо умумий тушунчалардир.

- **олтинчи лафзий ихтилоф** муқаллиднинг имони юзасидан бўлиб, Ашъарий бу турдаги имонни саҳиҳ эмас, деб ҳисоблайди. Мотуридия таълимотига кўра, тақлидчининг имони саҳиҳ саналади. Фақат муқаллид имонга бирор нарсага эришиш учун тақлид қилган бўлса, у саҳиҳ ҳисобланмайди.

- **еттинчи лафзий масала** касб масаласига тааллуқли бўлиб, ашъария ақидасига кўра, агар банда астойдил жазм қилса Аллоҳ унда ўша феълни яратади. Мазкур жазм феъл бўлиб, у Аллоҳнинг қудрати билан бўлади. Мотуридия таълимотига кўра барча феълларнинг холиқи (яратувчиси) Аллоҳдир. Банда эса феълларнинг (бажарувчи) фоилидир.

Юқорида мотуридия ва ашъария таълимотлари ўртасидаги лафзий ихтилофлар мухтасар баён қилинди. Энди икки таълимот ўртасида юзага келган маънавий ихтилофларга тўхталиб ўтамиз:

- **биринчи маънавий ихтилоф** Аллоҳ итоаткор бандасини азоблайдими ёки йўқми? деган масалага тааллуқли. Ашъарий ҳам, Мотуридий ҳам Аллоҳ шаръан ҳам, воқеан ҳам итоаткор бандасини жазоламаслигига иттифоқ қилганлар. Икки тоифа орасидаги ихтилоф эса эҳтимолликдадир. Ашъарий бу масалани, ақлан жоиз, лекин шаръан ножоиз, деб ҳисоблайди. Мотуридийлар ушбу масалани эса ақлан ҳам, шаръан ҳам мутлақо ножоиз деб топганлар.

иккинчи маънавий ихтилоф Аллоҳнинг танишлик (маърифат қилиш) юзасидан бўлиб, Аллоҳни танишлик шаръан вожибми ёки ақлан вожибми? – деган савол юзага келган. Ашъарийнинг наздида Аллоҳни таниш фақат шаръан вожибдир. Мотуридийнинг наздида эса Аллоҳни таниш шаръан ҳам, ақлан ҳам вожибдир.

- **учинчи маънавий ихтилоф** Аллоҳнинг “яратиш”, “ризқлантириш”, “тириштириш”, “ўлдириш” ва “бор қилиш” каби сифатлари азалийми ёки кейинчалик пайдо (ҳодис) бўлганми? деган савол қаршисида вужудга келган. Ҳанафийлар наздида Аллоҳ сифатларининг барчаси қадимийдир.

Ашъарийларнинг фикрига кўра, Аллоҳнинг мазкур сифатлари кейин пайдо бўлган бўлиб, у яратгандан сўнг, ризқ бергандан сўнг ҳолиқ ва розиқ бўлган.

- **тўртинчи маънавий ихтилоф** Аллоҳнинг аслида бор бўлган каломини эшитиш мумкинми ёки йўқми? – деган савол қаршисида вужудга келди. Ашъарий Аллоҳнинг каломи эшитилади деб ҳисоблайди. Мотуридий ўзининг “Китоб ат-тавҳид” асарида, овоз бўлмаган нарса билан эшитиш жоиз, деб таъкидлаган. Ашъария олими Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Фурак Исфаҳонийнинг фикрича, қорининг қироатидан икки нарса эшитилади:

- қорининг овози;
- Аллоҳнинг овози.

Ибн Фурак бунга “Тавба” сураси, 6-оятни далил қилган: **“Агар мушриклардан бирортаси Сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоянгизга олинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин.”**

- **бешинчи маъновий ихтилоф** бандага тоқати етмайдиган нарса юкланадими ёки йўқми? – деган савол юзасидандир. Мотуридийларнинг эътиқодига кўра, банданинг зиммасида тоати етмайдиган нарсага мажбурлаш йўқдир. Мотуридийлар бунга “Бақара” сураси, 286-оятни далил келтирганлар: **“Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди...”**

Ашъарийларнинг эътиқодига кўра, Аллоҳ томонидан бандага тоқати етмайдиган нарса юкланиши мумкин. Улар ушбу ақидаларига «Бақара» сураси, 286-оятининг давомини далил қилганлар: **“...Эй, Раббимиз, тоқатимиз етмайдиган нарсани бизга юклаб ташлама!...”**

- **олтинчи маънавий ихтилоф** пайғамбарларнинг катта ва кичик гуноҳлардан пок бўлишлари ҳақида бўлиб, Абу Ҳанифа ва Мотуридийнинг фикрларига кўра, пайғамбарлар катта ва кичик гуноҳлардан (пок) маъсумдирлар. Ашъарийларнинг ақидасига кўра, пайғамбарлар ваҳий келишидан аввалги даврда

оз миқдорда кичик гуноҳга йўл қўйган бўлишлари, сўнгра расуллик келган пайтда ўз ҳолларига қайтиб, тўғри ва солиҳ бўлганлари ҳам мумкиндир.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Мотуридия билан ашъария ўртасидаги ўзаро ақидавий яқинлик сабаблари нимада эди?
2. Мотуридия билан ашъариянинг асосий рақиблари кимлар эди?
3. Мотуридия билан ашъария ўртасида нечта лафзий ихтилоф бўлган?
4. Мотуридия билан ашъария ўртасида нечта маъновий ихтилоф бўлган?

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Абу Азба Ҳасан ибн Абдилмуҳсин. Ар-Равзат ал-бахия фима байнал ашайра вал мотуридия / Ҳазрат Али Фарид Даҳруж нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дор сабил ал-иршод, 1996. – 204 б.
2. Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвиман. – Ар-Риёд: Дор ас-самий, 2000. – 576 б.
3. Ашъарий, Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Ал-Ибона ан усул ад-диёна / Аббос Саббоғ нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дор ан-нафоис нашриёти. 1994. – 183 б.
4. Мотуридий, Абу Мансур. Китоб ат-тавҳид / Фатҳуллоҳ Хулайф нашрга тайёрлаган. – Истанбул: ал-Мактаба ал-исломия, 1979. – 408 б.
5. Муҳаммад ибн Абдирахмон ал-Ҳомиш. Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самий, 2007.
6. Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн ал-Фурак. Мақолат аш-Шайх Аби Ҳасан ал-Ашъарий. Аҳмад Абдурахим ас-Сойих нашри. – Қоҳира: Мактаба ас-сақофа ад-диния, 2006. – 360 б.
7. Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Табсират ал-адилла фи усул ад-дин: 2 жилдли / К. Салома нашри. – Дамашқ: 1990-1993. – 1011 б.
8. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

10-МАВЗУ. ЗАМОНАВИЙ ДИНИЙ-ЭКСТРЕМИСТИК ОҚИМЛАРНИНГ АҚИДАВИЙ ҚАРАШЛАРИ

Режа:

1. “Ҳизб ат-таҳрир” оқимининг халифалик борасидаги даъволари.
2. “Оҳод” ҳадис ҳақидаги фикрлари.
3. Қабр азоби ҳақидаги эътиқодлари.
4. Ислом динининг анъанавий мазҳаблари томонидан чиқарилган ҳукмларга зид равишда чиқарган фатволари.
5. “Ҳизб ат-таҳрир” нинг нотўғри эътиқодларига раддиялар.

Таянч иборалар: ҳизб ат-таҳрир, оҳод ҳадис анъанавий мазҳаблар, қабр азоби, иккала қутб, фазо,

1. “Ҳизб ат-таҳрир” оқимининг халифалик борасидаги даъволари.

“Ҳизб ат-таҳрир” ўзининг фаолиятида Ислом динининг соф ақидавий таълимотларига ёт қарашлари билан ажралиб туради. Ушбу партия ХХ асрда пайдо бўлган энг йирик исломий партия ҳисобланган. Партиянинг асосчиси Тақиюддин Набҳоний ҳисобланади. Ушбу партиянинг олдига қўйган энг катта вазифаси, бутун оламда яна қайта халифаликни тиклашдир. Уларнинг айнан шу мақсадлари юзасидан ислом уламолари биринчи навбатда ягона халифалик давлатини тиклаш борасидаги асосий даъволарини танқид остига олганлар. “Ҳизб ат-таҳрир” нинг даъвосига кўра, “ягона халифа”ни сайлаш Исломдаги муҳим фарзлардан ҳисобланиб, уч кун-дан ортиқ мусулмонларнинг халифасиз яшашлари ҳаром ҳисобланади.

Маълумки, бирон нарса ёки ишни ҳаром, деб ҳукм чиқаришга ёлғиз Аллоҳ ва У Зотнинг Пайғамбаригина ҳақлидир. Қолаверса, шарият нуқтаи-назаридан, фарз эса далилида бирор шубҳа

йўқ бўлган намоз, рўза, закот, ҳаж каби Аллоҳнинг амрлари ҳисобланади. Уламоларнинг фикрича, “Ҳизб ат-таҳрир”нинг юқоридаги даъвоси эса, Куръон ва ҳадисларга зид. Чунки мусулмонларнинг ягона халифа қўл остида яшашлари ҳақида бу икки мўътабар манбаларда қатъий буйруқ мавжуд эмас.

“Ҳизб ат-таҳрир”нинг бу борада келтираётган баъзи ҳадислари эса, барча замон ва маконга бирдек тегишли эмас. Жумладан, улар *“Ким-ки, бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса, бас, у жоҳилият ўлими билан ўлибди”*, деган ҳадиста асосланиб, халифалик давлатида яшаш ҳар бир мусулмонга фарздир, дея даъво қилишади. Аслида эса, мазкур ҳадис мусулмонларнинг устиларида халифа мавжуд бўла туриб, унга итоат қилишга байъат қилмаган кишиларгагина хосдир.

Қолаверса, “Ҳизб ат-таҳрир”нинг келтирган бу ҳадиси *“оҳод”* (мутавотир даражасига етмаган) ҳадис ҳисобланади. Яъни усул ал-фикҳ (Ислом қонуншунослиги) қоидаларига кўра, суннатлар (ҳадислар) уч қисмга: *“мутавотир”*, *“машҳур”* ва *“оҳод”* га бўлинади. Уларнинг ўзларининг даъволарига кўра, *“оҳод”* ҳадис, Расулуллоҳ(с.а.в.)дан етиб келиши жиҳатидан ҳаммаси зоннийдир. Қатъий далилга асосланмаган амални эса фарз даражасига ҳали ҳеч бир уламо кўтаришайликка журъат қилмаган. Балки, бундай *“ихтирочилар”* борасида Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг қуйидаги айтган сўзларини келтириш мумкин: *“Ҳар бир янгилик заллатдир ва ҳар бир заллат дўзахга олиб борур”*.

Бугунги кунда “Ҳизб ат-таҳрир” ўзининг сўзини қувватлаш учун юқоридаги ҳадисни келтириши умуман мантиққа тўғри келмайди. Улар ўз партияларининг пайдо бўлишига Куръондан *“Оли Имрон”* сураси, 104-оятни далил келтирадилар: *“Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъкурф ва наҳйи мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин”*. Уларнинг даъволарига кўра, гўё *“Ҳизб ат-таҳрир”* Аллоҳнинг ушбу оятига жавобан вужудга келган.

Уламолар *“Ҳизб ат-таҳрир”*нинг сўзини инкор қилиб, мазкур оятни барча мўътабар ва машҳур тафсир китобларда

икки хил маъноси борлигини бидирганлар. Бу ердаги (оятдаги) “сизлардан” сўзидан араб тили қондаси бўйича икки хил маъно олиш мумкин. Яъни сизлардан бир жамоат чиқиб, яхшиликка даъват қилиш, амри маъруф, наҳйи мункар ишлари билан шуғуллансин, деб тушуниш мумкин. Бу тафсирга кура, амри маъруф ва наҳйи мункар билан шуғулланиш фарзи кифоя саналиб, умматнинг ҳаммаси эмас, балки маълум бир қисми, яъни уламолар шуғулланса, шунинг ўзи кифоя қилиб, бошқаларнинг зиммасидан бу вазифа соқит бўлади.

Имом Бағавий (ваф. 1122 .й.) каби уламолар бу оятдан “сизлар ҳаммангиз мазкур ишларни қиладиган уммат бўлингиз”, деган маънони олиш жоиз, деган. Муфассирларнинг кўпчилиги шу иккинчи тафсирни қўллаб-қувватлаганлар. Ҳанафий мазҳаби уламолари ҳам шу иккинчи тафсирга биноан амри маъруф ва наҳйи мункар билан шуғулланишни фарзи айн, яъни ҳар бир мусулмон зиммасидаги фарз, деб билганлар. Жумладан, Абу Мансур Мотуридий ҳам “Таъвилот аҳли сунна” номли тафсирида, “Оли Имрон” сурасининг 110-ояти, “Моида” сурасининг 79-ояти ва бир неча ҳадислардан далиллар келтириб, амри маъруф, наҳйи мункар ишларини қилиш ҳар бир мусулмонга фарзи айн қилинган, деб таъкидлаганлар”. Демак, ҳар икки тафсирда ҳам ушбу оят асносида махсус “ҳизб” (партия) тузишга ишорат йўқ.

Агар юқоридаги оятида ҳақиқатан “Ҳизб ат-таҳрир” даъвоси ўлароқ, ҳизбга ўхшаш сиёсий партия тузиш тақозо қилганида, нега Тақиюддин Набҳонийдан олдин унга асос солинмади? Ислом дини пайдо бўлганига XIV аср ўтсада, қанчадан-қанча Куръонга тафсир ёзган муфассирлар, ҳадисларни улкан машаққатлар билан жамлаган муҳаддис уламоларнинг бирорталари бу оятдан шундай ҳукм чиқармаганлар.

“Ҳизб ат-таҳрир” аъзолари ўзларининг бидъат бўлган гоъларини қувватлаш борасида Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизийлар тўплаган ҳадислар асосида далиллар келтиришга ҳаракат қиладилар.

2. “Оҳод” ҳадис ҳақидаги фикрлари.

Уламолар “Ҳизб ат-таҳрир” партиясининг кўпгина фиксий ҳукмлари анъанавий ақидавий таълимотларимизга зидлигини таъкидлашган. Жумладан, партия Расулуллоҳ(с.а.в.)дан ривоят қилинган “оҳод” ҳадислар (*У зотдан бир кишидан етти кишигача бўлган ровийлар томонидан ривоят қилинган ҳадис*) нинг ишончилигига эътироз қиладилар. Тақиюддин Набҳоний фикрича, агар хабар “оҳод” бўлса, унга қаттиқ жазм қилинмай, тасдиқи зонний билан эътиқод қилинади. Ваҳоланки, “оҳод” ҳадисларга эътиқод қилмай уни инкор этувчилар куфр йўлига кириб қолишини Абу Ҳанифа “ал-Фикҳ ал-акбар” асариде муфассал баён қилган. Ушбу “оҳод” ҳадислар жумласига қабр азоби, масиҳ Дажжолнинг чиқиши, Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг бошқа пайғамбарлардан афзаллиги каби кўплаб хабарлар киради.

3. Қабр азоби ҳақидаги эътиқодлари.

Аввало, қабрда бўладиган азоб ёки роҳат ҳақида Қуръонда келган хабарни мисол қилиш ўринлидир: **“(У азоб қабрдаги бир) оловдирки, улар эртаю кеч унта тутиб турилулар. Қиёмат қойим бўладиган кунда эса, (дўзах фаришталарига): “Фиръавн зодагонларини энг қаттиқ азобга киритингиз!” (дейилур)”** (“Ғофир” сураси, 46-оят).

Уламолар ушбу оятни қабр азоби ҳақ эканига далолат қилади, деб таъкидлаганлар. Оятда аниқ иборалар билан Фиръавн аҳли ҳали қиёмат бўлмасидан олдин ҳам эртаю кеч оловга кўндаланг қилиб қуйилиши таъкидланмоқда. Бу эса, қабрдаги азобдир. Қиёмат кунин эса, унга ва унинг аҳлига энг қаттиқ аламли азоб тайёрлаб қуйилгани алоҳида кейинги жумлаларда урғу берилган. Худди шу мазмунда Қуръоннинг “Тоҳо” (124-оят), “Тур” (45-оят), “Нух” (25-оят), “Тавба” (101-оят) сураларида қабрдаги азобнинг ҳақлигига ишоралар бор.

Ҳадиси шарифларда эса, Ибн Аббос, Абу Ҳурайра, Оиша каби улуғ саҳобийлардан қабрдаги роҳат ёки азобни ҳақ эканлиги хусусида Расулуллоҳ(с.а.в.)дан ривоятлар қилинган.

Имом Бухорий ва имом Муслим, ибн Аббос шундай ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ (с.а.в.) қабр ёнидан ўтдилар ва: “Бу иккиси азобланаётибди, лекин катта нарса (гуноҳ) сабабли эмас, бири бавлидан покланмас эди, иккинчиси эса чақимчилик килиб юрарди”, деб айтдилар.

“Саҳиҳайн”да Оиша онамиздан шундай ривоят қилинади: “Мадина яҳудийларидан бўлган бир кампир олдимга кирди ва: “Қабр аҳли қабрларида азобланадилар”, деб айтди. Мен унинг гапини ёлгон ҳисоблаб, сираям шионгим келмади. Кейин кампир чиқиб кетди ва кўп ўтмай олдимга Расулуллоҳ (с.а.в.) кириб келдилар. Мен айтдим: “Эй Расулуллоҳ, мадиналик яҳудий кампир келиб, қабр аҳли қабрларида азобланадилар, деб даъво қилди. У зот эса: “Рост сўзлабди, улар ҳақиқатан шундай азобланадилар-ки, буни барча жониворлар эшитади”, дедилар. Шундан кейин Расулуллоҳни қайси намозларида кўрмай, албатта, қабр азобидан паноҳ тилаётганларига гувоҳ бўлдим”.

Демак, шу ва шунга ўхшаш далилларга суяниб, ҳанафий уламолар қабрдаги азоб ёки роҳатнинг ҳақлигини исботлашган. Машҳур Ислом уламолари “Ҳизб ат-таҳрир” ишлаб чиққан дастури, унинг ғоявий қарашларини қунт билан ўрганиб чиқиб, унга нисбатан салбий фикр-мулоҳазалар билдирганлар. Қуйида биз уларнинг баъзиларини келтириб ўтамыз.

4. Ислом динининг анъанавий мазҳаблари томонидан чиқарилган ҳукмларга зид равишда чиқарган фатволари:

- аёлларнинг замонавий кийимларни кийиши ва бу йўлда турмуш ўртоғига бўйсинмаслиги мумкин;
- бегона аёлни ўпиш (хоҳ шаҳват билан, хоҳ шаҳватсиз);
- ҳаёсиз сувратларга қараш ва беҳаё фильмларни кўриш;
- ўзининг маҳрамларига уйланган кишига ўн йил қамоқ жазосини белгилаш;
- Ислом давлатининг раҳбари кофирлардан бўлиши мумкин дейиши;

- фазогир ва ернинг икки кутбида яшовчи мусулмонларнинг зиммасидан намознинг соқит бўлиши;

- уч йилгача экин ерларидан фойдаланмаган кишининг ерини бошқа одамга олиб беришни шарт деб билиш;

- закоти бериб турилган бўлса ҳам, ишлатилмасдан турилган бойликларни ҳаром деб ҳисоблаш.

Шунингдек, “Ҳизб ат-таҳрир” жамоаси ўзининг қабр азоби ва дажжолнинг чиқиши каби ақдавий масалаларга қарши эътиқоди билан муътазилия таълимотига мувофиқ фикр юритган. Партиянинг яна, тарбиявий ишларни то Ислоом давлатини барпо қилгунга қадар тўхтатиб туриш керак, деган фикри ҳамда Ислоом ҳуқуқшунослиги ва инсон табиатига зид ҳисобланади.

5. “Ҳизб ат-таҳрир”нинг нотўғри эътиқодларига раддиялар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда дунёнинг барча таниқли уламолари “Ҳизб ат-таҳрир” илгари сураётган ғояларни қўллаб-қувватламайдилар. Балки, уларга нисбатан доимий равишда кескин, илмий раддиялар бериб бормоқдалар. Улар жумласига ХХ-ХХІ асрнинг машҳур ислом уламолари деб эътироф этилган Муҳаммад Тантовий, Юсуф ал-Қарзовий, Сулаймон Ашқор, Албоний каби уламоларни мисол келтириш мумкин.

Жумладан, “ал-Азҳар” университети шайхи Тантовий қуйидаги сўзи билан “Ҳизб ат-таҳрир”нинг ғоясини инкор этган: “Халифалик давлатини барпо қилиш Ислоом шариятида зарур эмас... Хулоса шуки, ҳар бир ўлканинг ўз раҳбари бўлиши жоиздир”. Туркия уламолари эса, “Ҳизб ат-таҳрир”ни “Ҳизб аш-шайтон” – “шайтоннинг жамоаси” деб қоралаган.

Бундан ташқари “Ҳизб ат-таҳрир” Ислоом таълимоти аввало таълим-тарбия эканлигини қоралаб қуйидаги фикрни билдирган: “”Ҳизб ат-таҳрир”нинг барча ишлари сиёсий ишлардир. Унинг иши таълим-тарбия ҳам, ваъз ва иршод ишлари

ҳам эмас. Зеро, “ҳизб” мадраса эмас”. Улар шу тариқа илм олишни мандуб амал деб ҳисоблайдилар.

Бу сўзлари билан Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг “Илм талаб қилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарзидир”, “Бешикдан то кабрғача илм талаб қил” деган сўзларига эътиборсизлик билан қарайдилар.

Ислом дини эса илм олишга каичалик эътибор берган бўлса, мусулмонларни одоб-ахлоқли, гўзал тарбия соҳиби бўлишга ҳам буюрган. Қуръонда Аллоҳ дейди: “Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй, инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар”, уларга “уф!..” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!” (“Исро” сураси, 23-оят).

Расулуллоҳ (с.а.в.): “Отага итоат қилиш Аллоҳга итоат қилишидир. Унинг олдида гуноҳ қилиш Аллоҳ олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир”, деганлар. Яна бир сўзлари-да: “Ота-оналарининг кексалик вақтида ҳар иккиси ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин”, деганлар.

Мазкур оят ва Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг сўзларидаги тарбиявий ўғитларга қарамай, “Ҳизб ат-таҳрир” бу нарсаларга эътибор қаратмаслиги ва фақат сиёсий ишлар билан шуғулланишини билдирмоқда. Шунингдек, “Ҳизб ат-таҳрир” фақш ва ахлоқсизликка қарши қатъий кураш олиб бормаслиги билан ҳам алоҳида ажраб туради.

“Ҳизб ат-таҳрир” беҳаё сувратлар ва фильмларни кўриш мумкинлигини қуйидагича баён қилган: “Суврат бу нарсалардандир. Нарсалар эса аслида мубоҳликдир. Агар сувратга қараш ҳаромга олиб бормаса, мубоҳ бўлиб қолаверади”. “Ҳизб ат-таҳрир” ўрнатмокчи бўлган давлатдаги яланғоч суврат ва фильмлар рухсат этилган исломий жамиятни тасаввур қилиш, мантиққа зиддир.

Зеро, Куръоннинг “Нур” сураси, 30-оятда қуйидагича буюрилган: “(Эй, Муҳаммад!) Мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёллардан) қуйи тутсинлар...”

Ёки ҳадисларнинг бирида Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг: “Кўз ҳам зино қилади, унинг зино қилиши қарашлик билан бўлади”, деган сўзлари бундай ҳолатлардан қайтарувчи қатъий далилдир.

“Ҳизб ат-таҳрир”нинг асосчиси Тақиюддин Набҳоний ўзининг “Ислом ижтимоий низоми» китобида юқоридаги “Нур” сурасининг 30-оят маъносига қуйидагича шарҳ берган: “Бу оятдан мурод, мутлақо кўзни тўсиш эмас, балки ҳаром қилинган жойлардан кўзни тўсиш ва ҳалол жойларга қараш билан чекланишдир. Маҳрамлар аёлларнинг сочларига, кўкракларига, аъзоларига, оёқларига, товонларига қарашлари жоиз. Бегона аёлларнинг фақат юзи ва кафтларига қараш мумкин. Зеро кўзни тўсиш уни пастга қаратиш демакдир”.

Демак, Набҳоний фикрича, мусулмонлар ўз маҳрамлари бўлмиш оналари, қизлари, туғишган опа-сингилларининг сочларига, кўкракларига, в.ҳ.к. жойларига қарашлари жоиз бўлиб қолади.

Шунингдек, “Ҳизб ат-таҳрир”нинг “жарангдор” даъватлари ичида инсонни, хусусан мусулмонни ҳақирликка, ахлоқсизликка чақирувчи гоёлар ҳам бор:

“Ахлоқ жамият қурилишига ҳаргиз таъсир кўрсатолмайди. Шунга биноан, жамиятда ахлоққа даъват этиш ва уни ёйиш жоиз эмас”.

“Ислом учун қилинадиган даъватни ахлоққа даъват этишга айлантириш инсонлардаги тасаввурни ўчириб, уларнинг Исломни тушунишларига тўсқинлик қилади”.

Лекин Ислом дини Арабистон ярим оролида ахлоқсизлик энг авж олган пайтда тушиб, унинг гирдобидан кишиларни қутқариб, одоб-ахлоққа чақиргани тарихий ҳақиқат. Бинобарин, Куръонда ҳам қатор одоб-ахлоққа доир оятлар мавжуд.

“Албатга, Сиз буюк ахлоқ узрадирсиз!” (“Қалам” сураси, 4-оят).

“(Эй, имон келтирганлар!) Сизлар учун – Аллоҳ ва охираг кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайгамбарига гўзал намуна бордир” (“Аҳзоб” сураси, 21-оят) оятлари кишиларни, хоссатан, мўмин-мусулмонларни гўзал хулқ соҳиби бўлишга тарғиб қилувчи ёрқин далилдир. Расулulloҳ(с.а.в.)нинг ўзлари ҳам: *“Албатта мен хулқларни мукаммаллаштириш учун юборилдим”*, деган муборак сўзлари ахлоқли бўлишга очиқ-ойдин чақириқ ҳисобланади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, “Ҳизб ат-таҳрир”нинг илгари сурган ғоялари аҳли сунна вал жамоа эътиқодига умуман зид ҳисобланади ва ушбу партияни жамики уламолар бидъатчи, адашган жамоа сифатида эътироф этишга иттифоқ қилганлар. Шунингдек, “Ҳизб ат-таҳрир” фақат ҳокимият учун курашувчи, ўз мақсади йўлида пок Исломи динимизни ниқоб қилиб олувчи партиядир. Унинг мақсади илмсиз, ўжар, манқуртга айланган, ахлоқсиз ёшларни тайёрлаб, ўз халқига қарши қўйиш, тинч юртда вазиятни издан чиқариш, ахлоқ-одобсизликни тарғиб қилиб, жамиятни таназзулга учратишдир.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. “Ҳизб ат-таҳрир” партиясининг асосчиси ким?
2. “Ҳизб ат-таҳрир”нинг тарбия ва илм ҳақидаги қарашлари қандай?
3. “Ҳизб ат-таҳрир”нинг асосий олдига қўйган мақсади нимадан иборат?
4. “Ҳизб ат-таҳрир”нинг ғоялари қайси тарихий оқим ғояларига яқин келади?

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Абдулатиф қори Ҳошимжон қори ўғли. Залолатга кетманг! Ҳизбут-таҳрир фитнасидан огоҳ бўлинг. – Тошкент: 2003 й.
2. Каримов Абдуманнон. Дунёвийлик даҳрийлик эмас. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.
3. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2009. – 624 б.
2. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. М., ИФВЛ, 2004.
3. Шахристоний, Абул Фатҳ. Ал-Милал ван ниҳал: 2 жилдли / Муҳаммад Абдулқодир ал-Фозилий нашри. – Дамашқ: ал-Мактаба ал-асрия, 2000. – 478 б.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 176 б.

Абдулатиф қори Ҳошимжон қори ўғли. Залолатга кетманг! Ҳизбут-тахрир фитнасидан огоҳ бўлинг. – Тошкент: 2003 й.

Абу Азба Ҳасан ибн Абдилмуҳсин. Ар-Равдат ал-баҳия фима байнал ашaira вал мотуридия / Али Фарид Дахруж нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дор сабил ал-иршод, 1996. – 204 б.

Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит. «Ал-Фиҳқ ал-акбар» рисоласи матни.

Акмалуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бобиртий. Шарҳ васият лил Имом Аби Ҳанифа. – Уммон: Дор ал-фатҳ лил дироса ван нашр, 2009. – 159 б.

Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвиман. – Ар-Риёд: Дор ас-самийй, 2000. – 576 б.

Ашъарий, Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Ал-Ибона ан усул ад-диёна / Аббос Саббоғ нашрга тайёрлаган. – Байрут: Дор ан-нафоис нашриёти. 1994. – 183 б.

Ашъарий, Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Ал-Лумаъ / Р. Мк. Картий нашрга тайёрлаган. – Байрут: 1953. – 467 б.

Ашъарий, Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. Мақолот ал-исломийин ва ихтилоф ал-мусоллин / Х. Питер нашрга тайёрлаган. – Wiesbaden: 1963. – 358 б.

Бағдодий Абдилқоҳир Абу Мансур ибн Тоҳир. Китоб ал-фарқ байнал фирақ / Муҳаммад Бадр нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: 1910. – 452 б.

Доктор Мустафо Шакъа. Ислом била мазаҳиб. – Қоҳира: ад-Дор ал-Мисрия ал-Лубнания, 1989. – 537 б.

Ибн Асокир. Табйин казиб ал-муфтарий фи мо нусиба

илаал Имом Абил Ҳасан ал-Ашъарий. – Дамашқ, 1947. – 672 б.

Имоми Таҳовий. Ақоид. Абдулазиз Мансур таржимаси. – Т.: Мерос, 1992. – 56 б.

Каримов Абдуманнон. Дунёвийлик даҳрийлик эмас. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.

Мансуров А. Ақоид матнлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт матбаа бирлашмаси, 2006. – 56 б.

Мотуридий, Абу Мансур. Китоб ат-тавҳид / Фатҳуллоҳ Хулайф нашрга тайёрлаган. – Истанбул: ал-Мактаба ал-исломия, 1979. – 408 б.

Мулло Али ал-Қорий ал-Ҳанафий ал-Имом. Шарҳ китоб ал-фиқҳ ал-акбар лил Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит ал-Куфий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. – 336 б.

Муҳаммад ибн Абдирахмон ал-Ҳомийш. Усул ад-дин индаал Имом Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дор ас-самий, 2007. – 699 б.

Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн ал-Фурак. Мақолат аш-Шайх Абил Ҳасан ал-Ашъарий. Аҳмад Абдурахим ас-Сойиҳ нашри. – Қоҳира: Мактаба ас-сақофа ад-диния, 2006. – 360 б.

Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Табсират ал-адилла фи усул ад-дин: 2 жилдли / К. Салома нашри. – Дамашқ: 1990-1993. – 1011 б.

Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Баҳр ал-калом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – 213 б.

Насафий, Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад. Ат-Тамҳид ли қавоид ат-тавҳид / Жийбуллоҳ Ҳасан Аҳмад нашрга тайёрлаган. – Миср: Дор ат-тибоа ал-Муҳаммадия, 1986. – 428 б.

Насафий, Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад. Ал-Қанд физикри уламои Самарқанд / Юсуф ал-Ҳодий нашрга тайёрлаган. – Техрон: Ойинаи мерос, 1999. – 877 б.

Оқилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур

полиграф, 2008. – 190 б.

Оқилов С. Калом илми / Ўқув қўлланма. – Т.: «Тошкент ислом университети», нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 160 б.

Паздавий, Абул Йўср Муҳаммад. Китоб усул ад-дин / Х.Питер нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Дор ихйо ал-кутуб ал-арабия, 1963. – 475 б.

Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Насафий. – Т.: «Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси», 2010. – 39 б.

Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий хаққаро жамғармаси, 2001. – 398 б.

Самарқандий, Абу Муқотил. Китоб ал-олим вал мутааллим / Абдулваҳҳоб ал-Ҳиндий нашрга тайёрлаган. – Ҳалаб: 1972. – 32 б.

Солимий, Абу Шакур. Ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид. – Самарқанд: Демурф матбааси. 1908.

Тафтазоний, Саъдудин ибн Умар. Шарҳ ат-талвиҳ ала ат-тавдиҳ (лиа имом ал-қоди садр аш-шариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий ал-Бухорий ал-Ҳанафий). – Ж. 2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996. – 432 б.

Шаҳристоний, Абул Фатҳ. Ал-Милал ван ниҳал: 2 жилдан / Муҳаммад Абдулқодир ал-Фозилий нашри. – Дамашқ: ал-Мактаба ал-асрия, 2000. – 478 б.

Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети», 2009. – 624 б.

Чет тилларидаги адабиётлар:

Atay H. Ebu'l-Mu'in Nesefi ve Tebsiretü'l-edille. «Табсират ал-адилла» нашрининг кириш қисмига ёзилган мақола. – Ankara: Diyanet işleri başkanlığı yayinlari, 1993. – Б. 5-77.

Ahmet Ak. Büyük Türk Âlimi Mâturîdî ve Mâturîdilik / Монография. – Istanbul: İnönü Üniversitesi İlahiyat Fakültesi, 2008. – 216 б.

Kavakci Yusuf Ziya. XI ve XII asirlarda Karahaniylar davrinde Mavara' al-Nahr Islam Nukukcilari. – Ankara: 1976. – 322 б.

Topaloğlu B. Nüreddin es-Sâbûnî. Mâtüridiyye Akâidi. Dr. Bekir Topaloğlu tercime ve neshri. – Ankara: 1998. – 215 б.

Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 б.

Madelung W. The Spread of Mâturidism and the Turks // Actas IV Congresso de Estudos Arabes Islâmicos. Coimbra-Lisboa. 1 a 8 de Setembro de 1968. – Leiden: Brill, 1971. – Б. 109-168.

Madelung W. Abu l-Mu'in al-Nasafi and Ash'ari Theology // Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth. Vol. II: The Sultan's Turret: Studies in Persian and Turkish Culture / Edited by Carole Hillenbrand. – Leiden, Boston, Köln: Brill, 2000. – Б. 318-330.

Madelung W. The Early Murji'a in Khurāsān and Transoxania and the Spread of Hanafism // Der Islam. – 1982. – № 59. – Б. 32-39.

Прозоров С.М. Классическое исламоведение (Введение в исламоведение): Программа спецкурса лекций для студентов. – СПб., 2009. – 96 с.

Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. М., ИФВЛ, 2004.

Schacht J. Theology and Law in Islam / Ed. G. E. von Grunebaum. Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1971. – Б. 1-46.

Хрестоматия по исламу. Сост. и отв. редактор С.М.Прозоров. М., ИФВЛ, 1994 (Раздел IV. Догматика. Идеинные расхождение в исламе).

Интернет сайтларидан олинган манбалар:

Айдын Али-заде. Матуридизм в ортодоксальном исламском мировоззрении // www.aboutislam.ws.

Айдын Али-заде. Ашаризм в ортодоксальном исламском мировоззрении // www.aboutislam.ws

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
1-Мавзу. Ислоом тарихида мусулмонлар ўртасидаги дастлабки ихтилофлар	6
1. Дастлабки ихтилофлар.	6
2. Жамал воқеаси.	9
3. Шиалар ва хорижийларнинг пайдо бўлиши ёки сиффин жанги.	11
4. Хорижий фирқалар.	17
2-Мавзу. Шиа оқимининг ақидавий қарашлари	19
1. Шиаларнинг юзага келиши.	19
2. Шиа фирқалари: сабайлар, таввабунлар, кайсонийлар ва муғийрийлар.	20
3. Ўн икки имом тушунчаси: исно ашариялар.	24
4. Зайдия фирқаси.	31
3-Мавзу. Хорижия таълимоти	35
1. Хорижия фирқасининг таърифи ва мухтасар асосий эътиқодлари.	35
2. Хорижийларнинг хулафои рошидинлар тўғрисидаги фикрлари.	37
3. Азориқа, Суфурия ва Ибодия фирқаларининг ақидавий қарашлари.	39
4-Мавзу. Муътазилия таълимоти тарихи	43
1. Муътазилия таълимотининг юзага келиши (Восил ибн Ато ақидаси).	43
2. Муътазилия таълимотининг бешта асоси. «Миҳна» ҳаракатининг фаолияти.	45
3. Муътазилия таълимотида пайдо бўлган оқимлар.	50
5-Мавзу. Абу-Ҳанифа ақидаси ва “ал-фиқҳ ал-акбар” рисоласи	57
1. Абу Ҳанифанинг ҳаёти, мартабаси ва ҳукм олишда тутган йўли.	57
2. Абу Ҳанифанинг илмий мероси ва “ал-фиқҳ ал-акбар” рисоласининг шарҳлари.	61
3. Муржийлар ва Абу Ҳанифа ўртасидаги ихтилофлар.	63
4. Абу Ҳанифа ақидасида “имон” масаласининг акс этиши.	66

6-Мавзу. Абул Ҳасан Ашъарий ва ашъария таълимоти	70
1. Ашъарийнинг дастлабки ҳаёт йўли.	70
2. Ашъарийнинг устоз ва шогирдлари ҳамда илмий мероси. ...	72
7-Мавзу. Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти	76
1. Мовароуннаҳрда фаолият олиб борган дастлабки мутакаллимлар.	76
2. Абу Мансур Мотуридий илмий мероси.	79
3. Мотуридия таълимотининг йирик намояндалари.	83
8-Мавзу. Имон масаласи	91
1. Имоннинг шартлари хусусидаги қарашлар.	91
2. Имоннинг «камайиши» ёки «зиёда бўлиши» ҳақидаги фикрлар.	94
3. «Имон» ва «ислом» тушунчалари орасидаги фарқ ва уйғунлик.	96
9-Мавзу. Мотуридия ва ашъария ўртасидаги умумий ихтилофлар	100
1. Мотуридия ва ашъария таълимотлари ўртасидаги фикрий яқинлик сабаблари.	100
2. Мотуридия ва ашъария ўртасидаги ихтилофларга оид ёзилган асарлар.	102
3. Мотуридия ва ашъария ўртасидаги лафзий ва маънавий ихтилофлар.	104
10-Мавзу. Замонавий диний-экстремистик оқимларнинг ақидавий қарашлари	112
1. “Ҳизб ат-таҳрир” оқимининг халифалик борасидаги даъволари.	112
2. “Оҳод” ҳадис ҳақидаги фикрлари.	114
3. Қабр азоби ҳақидаги эътиқодлари.	115
4. Ислом динининг анъанавий мазҳаблари томонидан чиқарилган ҳукмларга зид равишда чиқарган фатволари:	116
5. “Ҳизб ат-таҳрир”нинг нотўғри эътиқодларига раiddиялар.	117
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	122

СУННИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

“Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2012

Муҳаррир: Б.Эралнев
Саҳифаловчи: З.Улугбекова

Босмахонага 2011 йил 21 октябрда берилди.
Бичими 84×108 1/32 Шартли б.т. 6,51. Нашр т. 6,60.
Адади 50 дона. Буюртма № 15
Баҳоси шартнома асосида.

“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.

